



651235.00

Б. Махмудов

# МИЛЛИЙ ХИСОБЧИЛИК ЯСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат ва жамият қурилиши академияси

Б. Маҳмудов

# Миллий ҳисобчилик асослари

Ўқув қўлланма



«Академия» нашриёти  
Тошкент  
2003

Б. Махмудов. **Миллий хисобчилик асослари**  
Ўқув қўлланма, Тонкент, "Акалемия", 2003 й.

Унбу қўлланмада мамлакатимизга бозор муносабатларинини  
юзати келинни ва таркиб тонити билан уйунланган ҳолда бозор  
иқтисодиги ва унга асослашган иқтисодийнин хисобот тизими  
тўғрисичаги муҳим тушунчалар, категориялар, гаснифлар, иқтисодни  
жараёниларни хисобга олинг үслублари ва усуллари ҳамда бу содатни  
мавжут муаммоларни ҳал этиш йўллари ёритилган. У иқтисодни  
олимлар, иқтисодиёт ва статистика йўналидан вазирликлар,  
банклар, идоралар, мусассасалар ва корхоналарни муҳаассисларти,  
олий ўкув юрги талабалари ва матака оширини институтлари  
тинглобчиларига ҳамда бозор иқтисодиги наърияси ва хисоботи билди  
кизиқувчи кепг китобхонлар оммасига муджалиланган.

© "Акалемия" наприёти, Тонкент, 2003 й.

# *Мундарижа*

Мұқалдима .....	5
<b>I боб. Миллій хисобчилик, унинг юзага келиш тарихи ва тараққіёт босқычлары</b>	
1. Миллій хисобчилик түпнұнчаси.....	9
2 Халқ хұжалиги баланси тизими.....	10
3. Миллій хисоблар тизиминин юзага келиш тарихи .....	11
4. Миллій хисобчиликнің тараққіёт босқычлары.....	16
5. Миллій хисобчиликнің юритінің зарураги.....	17
6. Миллій хисобчиликнің мамлакатларап иктисодий интеграцияның ривожланишидати ролі.....	19
<b>II боб. Миллій хисоблар тизими ва халқ хұжалиги баланси хисобот тизимлары ўртасидаги асосий фарқлар ва ўшашылғылар.</b>	
1. Миллій хисоблар тизими ва халқ хұжалиги баланси тизими предметі ва вазифалари .....	20
2. Миллій хисоблар тизими ва халқ хұжалиги баланси тизимлари ургасидати асосий фарқлар.....	22
3. Миллій хисоблар тизими ривожланишида халқ хұжалиги баланси тизиминин ролі .....	23
<b>III боб. Миллій хисоблар тизими — бозор мұносабатларига асosланған иктисодиёттің хисобга олиш тизими.</b>	
1. Бозор мұносабатларига асosланған иктисодиёт.....	25
2. Иктисодий ишлаб чыкарын ва уннан четараси .....	26
3. Бозор ва нобозор ишлаб чыкарыш .....	28
4. Иктисодий фаолият ва уннан турлари.....	30
5. Иктисодий бирліктер, резидентлік, иктисодий худуд .....	32
<b>IV боб. Миллій хисоблар тизимидегі мухим түшүнчалар ва таснифлар.</b>	
1. Иктисодий операциялар, оқимлар ва захиралар .....	35
2. Иккі томонлама ва бир томонлама операциялар.....	36
3. Миллій хисоблар тизимінде даромадлар, сарфлар .....	39
4. Миллій хисоблар тизимінде соликлар, субсидиялар ва уларнин таснифи .....	41
5. Миллій хисоблар тизимінде операцияларни бақолаш коидалари ва бақолар тизими..	44
6. Иктисодий актив ва пассив түшүнчалар ва уларнин таснифи .....	46
<b>V боб. Миллій хисоблар тизимінде тармоклар ва секторлар</b>	
1 Тармок ва секторларта түрүхлашынның зарураги хамда ахамияти ...	49
2. Тармок түпнұнчаси ва уннан таснифи. ....	50
3 Сектор түпнұнчаси ва уннан таснифи .....	52
4 Институциялық бирліктернің түрүхлашылатын мұаммолар .....	59

<b>VI боб. Миллий хисоблар тизими ва бухгалтерия хисоби ўртасидаги боғлиқлик, ўхшашлик ва тафоутлар</b>	
1 Миллий хисоблар тизими ва бухгалтерия хисоби ўртасидаги боғлиқлик, паромал концепцияси... . . . . .	63
2. Махсузлор концепцияси ва унинг турлари . . . . .	64
3. Харажатлар ва уларнин турлари . . . . .	67
4. Фонд, активлар, инвестициялар... . . . . .	69
5. Бухгалтерия хисоби курсаткичларини миллий хисоблар тизими концепциясига ўказани . . . . .	70
<b>VII боб. Миллий хисоблар тизими счёtlари таркиби</b>	
1 Счёtlарни тузин умумий койласи ва схемаси . . . . .	74
2 Ишлаб чиқарини счёti . . . . .	76
3. Даромадларни шакллапини счети . . . . .	85
4. Бирламчи даромадлар таксимоти счети . . . . .	87
5 Даромадларни капит таксимлаш счёtlари. . . . .	96
6. Даромадларни ишлатилиши счёtlари. . . . .	99
7. Капитал сарфлар счёti . . . . .	101
8. Молия счёti.. . . . .	103
9 Актив ва пассивларда бопка ўзларинлар счёti . . . . .	104
10 Актив ва пассивлар баланси счёti . . . . .	105
11 Ташки дунё сектори счёtlари. . . . .	106
12. Говарлар ва хизматлар инга счёti .. . . . .	110
<b>VIII боб. Миллий хисоблар тизимидан курсаткичларни ўзгармас баҳоларда хисоблаш.</b>	
1 Курсаткичларни ўзармас баҳоларда хисоблан зарурати . . . . .	111
2 Миллий хисоблар тизими курсаткичларини ўзгармас баҳоларда баҳолаш ўсузи . . . . .	113
<b>IX боб. Тўлов баланси - ташки иктисадий фаодият хисобог тизими.</b>	
1. Тўлов балансинин кискача маҳияни ва ривожланиши тарихи . . . . .	117
2 Тўлов балансини тузин гартиби . . . . .	118
3 Тўлов баланси курсаткичлари таркиби.. . . . .	120
4. Тўлов балансида операцияларни баҳолани . . . . .	125
5. Тўлов балансинин ахборог базаси. . . . .	128
6. Тўлов балансида операцияларни кайл этиши. . . . .	129
7 Гўлов баланси ва халқаро инвестициялар баланси.. . . . .	133
<b>X боб. Миллий хисоблар тизими ва тўлов балансидан амалиётда фойдаланиш.... . . . . .</b>	137
Миллий хисоблар тизимидан ишлатиладиган асосни герминалар ва уларнинг кискача таърифлари. . . . .	142
Хотима . . . . .	156
Фойдаланишпай алабиёлар рўйхати . . . . .	157

## Муқаддима

Хурматли китобхон, Сиз китобни қўлингизга олдингиз. Ўйлаймизки, бу китобда ёритилган мавзулар Сизнин бозор иқтисодиёти ва унинг хисобот тизими гўрисидаги билимларингизни янада кенгайтириб, тасаввурингизга аниқликлар киритади. Ушбу қўлланма муаллифнин мустақиллик йилларида мамлакатимизда хисобот тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ищларнинг бевосита ишгироқчиси сифатида тўплаган тажрибаларидан ва илмий изланишларидан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Унда кундалик хаётимиз билан уйгуналашиб кетган бозор иқтисодиёти ва муносабатларига хос тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Сиз қўлланмада, бозор иқтисодиётига ўтаётганлигимизни ифодаловчи кўрсаткичлар, хаётимизда бўлаётган иқтисодий ва социал жараёнларни қандай кечётганлигини билиб олишингизга қаратилган мухим тушунчалар ва кўрсаткичлар тизими билан танишасиз. Бозор иқтисодиётининг мураккаб ва хар биримиз учун зарур бўлган сир-асрорларини очасиз.

Мамлакат иқтисодиёти ҳолатини қуз билан кўриб, у тўғрисида тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлиш қиёин. Бир қарашда, хаёт фаровондай кўриниши мумкин ёки аксинча, лекин унинг нималар эвазига бўлганлигини, келажакда бизни нималар кутаётганлигини билиш ҳамда мушоҳада қилиш мураккаб ва кенг қамровли масала. Бу масалани счиш мамлакатда яхши йўлга кўйилган хисобот ва статистика тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда хисобот ва статистика тизимини такомиллаштиришга мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ катта эътибор берилди. Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистонда хисобот ва статистика тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бирорта илмий даргоҳ бўлмаган. 1992 йилнинг бошида мамлакатда хисобот ва статистика тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳукумат қарори<sup>1</sup> кабул қилиниб, халқаро амалиётда кабул

<sup>1</sup> Ҳукумат қарорига кўра, Давлат статистика қўмитаси қошида Статистика ахбороти илмии-техникин институти ташкил қилинди Кейинчалик. Давлат режа ва статистика қўмиталари бирлантирилиб, Давлат гистикбонини белгилани ва статистика қўмитаси (1997 йилнинг 15 майидан бошлиб, Макроиктисолиёт ва статистика вазирлиги) гузилгандан сўнг, яну вазирлик қошидати институтга бирлантирилди

килинганд, бозор иқтисодиётига мос бўлган ҳисобот ва статистика тизимини амалиётга татбик этиш дастури<sup>1</sup> ишлаб чиқилди.

Дастурга биноан республикада бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган кисқа вақт ичида божхона, тўлов баланси ва баҳо статистикаси барпо қилинди. Молия, бюджет, банк, ахоли, меҳнат, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тармоқлари статистикалари халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштирилди. Бозор муносабатларига мос тармоқлар, секторлар, операция таснифлари амалиётга татбик этилди. Бозор муносабатларига мос бўлган ишлаб чиқариш ва даромад концепциялари хамда уларнинг ҳисобот тизимлари амалда кўлланмоқда. Тармоқлараро баланс жадвалларини тузиш ишлари бошлаб юборилди. Иқтисодий жараёнларни ифодаловчи янги макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими бунёд этилиб, амалиётга татбик этилди. Ҳўжалик юритувчи бирликларнинг ягона давлат рўйхати ташкил қилинди. Ҳисобга олиш усуллари замонавий компьютерлар асосида такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатда миллий ҳисобчилик куртак ёза бошлади. Давлат статистика департаментида миллий ҳисобларни тузувчи бўлимлар ташкил этилиб, ҳозирги кунда мамлакатда миллий ҳисобчилик асосларини эгаллаган юзлаб малакали мутахассислар стишиб чиқмоқда. Олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига миллий ҳисобчилик асосларини ёритувчи курслар киритилди.

Мамлакатнинг равнақи, биринчи навбатда, раҳбар ва ишбилармонларнинг, иқтисодчи олимларнинг, қолаверса, халқнинг билим савиясига боғлиқ. Ҳаётимизнинг даражаси ва ҳар бир дақиқаси иқтисод билан боғлиқдир. Туганмас бойликларга ва ресурсларга эга бўлиш, кўп ҳаракат қилиш, ишлаш ва пул топиш ҳали фаровонлик дегани эмас. Энг асосийси, бу кучни ва ресурсларни тўғри йўналтириш, улардан оқилона фойдаланиш йўлларини билиш зарурдир. Бунинг учун, иқтисодиётниниг ҳозирги ҳолатини билган ҳолда унинг фаровонликка олиб келадиган ривожланиш йўлини амалга ошириш керак.

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал қилишда миллий ҳисоблар тизими, тўлов баланси, тармоқлараро баланс, молия баланси ва бошқа макроиқтисодий баланслар имкониятидан тўла фойдаланилаяти деб

<sup>1</sup> Уибу дастур Вазирлар Махкамасигинг 1994 йилнинг 24 август 433- сонли қарори билан тасдиқланди.

бўлмайли<sup>1</sup>. Бунга, бир томондан, бу мавзулардаги илмий ва ўкув адабиётларнинг камчиллии (айникса, ўзбек тилида) сабаб бўлса, иккинчи томондан, бозор иқтисодиёти мазмунини ёритувчи ва инфодаловчи тушунчалар, кўрсаткичлар ва улардан фойдаланиши усулларининг бошқарув тизимининг барча бўгинлари (оддий фермердан, то хукумат идораларилаги раҳбарларгача)да кенг оммалашмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Келажакда иқтисодиётнинг ривожини ташки дунёсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз миллий иқтисодиёт билан ташки иқтисодиёт уйгуналашиб, товарлар ва хизматлар бозорларида рақобат муҳити ҳалқаро миқёсга кўтарилаётган даврда яшаяпмиз. Мамлакатнинг фаровонлиги кўп жихатдан иқтисодиётнинг дунё “айвонида” эгаилаган ўрнига боғлик. Бунинг учун, мамлакатимиздаги ҳар бир ишлаб чиқарувчи бирлик ўз фаолиятини дунё миқёсида рақобат қиласиган даражада ташкил қилиши керак. Рақобатбарлош бўлмаган корхонанинг келажаги йўқ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳали ҳамма ишлаб чиқарувчи бирникларнинг иқтисодий фикрлаши(мафкураси) бозор ақидаларига мое келади деб бўлмайди. Давлат ўтиш даврида иқтисодиёт учун ўта аҳамиятли бўлган ишлаб чиқарувчи бирникларни бозор тўғонидан ҳимоя қилиб туриши мумкин. Бундай корхоналар вактни азиз билиб, ўз иқтисодиётларини ҳалқаро амалиётла қабул қилинган категориялардан келиб чиқсан холда бозор шароитига тайёрлашлари керак. Чунки давлат томонидан “қўллаб-куватлаш” узлукен бўлмайди. Ҳар бир корхона ўз қунини ўзи кўринни лозим. Рақобатга чидамаган корхона ўрнини бошига корхона эгалитами мұкаррар.

Юкорида келтирилган муаммолар ўз-ўзилан ҳал бўлмайди. Бунинг учун, мамлакатда бозор иқтисодиёти сир-асрорларини чуқур биладиган, хур фикрлайдиган иқтисодчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш керак. Шу соҳадаги илмий изланишларни кенгайтириш ва чукурлаштириш долзарблитича қолмоқда.

Мамлакатимизда маълакали мутахассис ходимларни тайёрлашга эътибор катта эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин масалага яқиндан ёндашгандা, кадрларни тайёрлаш талаб даражасида эмаслиги яққол намоён бўлади. Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган олий ўкув

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгани мажлисидаги мәърузаси, ҳалқ сўзи 12 январ 2001й.

юртларыда бозор иқтисодиётининг хисобот тизими асослари, унда ишлатыладиган таснифлар иктисолд бўйича ҳамма куллиётларда ўқитилмаяпти. Ўқитилаётган куллиётларда мавзулар кўлами жула тор<sup>1</sup>. Шу соҳада олиб борилаётган илмий ишларнинг кўлами давр талабидан орқада колмокда, чоп этилган ўкув қўлланмаларининг савияси паст. Ўкув листурлари, кўп ҳолларда ўқитувчининг билим савиясига мослаб тузилган, мавзулар кўлами ва мазмуни халкаро андозалар ва квалификация талабларига тўла жавоб бермайди.

«Миллий ҳисобчилик асослари»ни ёзишдан кўзланган асосий мақсад, шу соҳада ҳосил бўлган бўйлиқни бироз бўлса-да тўлдириш ва кўрган-билганларимизни оммалаштиришдан иборат. Шоядки, бу мамлакатимизнинг равнақига озгина бўлса ҳам ўз хиссасини қўшса.

---

<sup>1</sup> «Миллий ҳисоблар гизими» курси Тошкент молия институтида ҳамма куллиётларла, Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунинида факат иккى куллиёсла. Тошкент дипломатия университетида З куллиётла ўқитилаларни. Ўқитилаётган дарс соатлари бор иёти 30 соат. Иктисолд бўйича магистратураларда ҳам дахвал бўндан яхши эмас.

# I боб. Миллий ҳисобчилик, унинг юзага келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари

## 1. Миллий ҳисобчилик тушунчаси

Миллий ҳисобчилик деганда, мамлакат миқёсида бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси ва усуслари тушунилади. Миллий ҳисобчилик, дастлабки даврлар(17-19 аср)-да, асосан, мамлакат миқёсида яратилган миллий даромадни ҳисоблашга қарагилган эди. Ҳозирги замон миллий ҳисобчилиги назарий ва амалий жихатлаи ўта юксак даражада ривожланган ҳисобот тизими бўлиб, мамлакатдаги ва унинг тармоқлари, секторларидаги иқтисодий ва социал жараёнларни гула акс эттиришга қаратилган. Бу тизимда қабул қилинган ҳисоблаш усул ва услублари, таснифлар ва тушунчалар бошига ҳисобот (бухгалтерия, молия, банк ҳисоботлари ва бошқалар) ва статистика тизимлари (молия, банк, божхона, баҳо ва ҳ.к. статистикаси) билан уйгунлаштириб тузилган.

Ҳозирги вактда амалиётда ишлагилаётган миллий ҳисобчилик тизими «Миллий ҳисоблар тизими» (МХТ) деб ном олган. Бу тизим ҳозирги вактда халқаро стандарт сифатида ер юзининг 160 дан ортиқ мамлакатлари амалиётида ишлатиласпти. Бу тизим иқтисодиёти бозор иқтисодига асосланган мамлакатларда бўлаётган иқтисодий ва социал жараёнларни тўлақонли акс эттиришга қаратилган. МХТда мамлакатда бўлаётган ишлаб чиқариш, истеъмол, жамғариш, инвестиция жараёнлари, мамлакатнинг молиявий ҳолати ва хориж билан бўлган иқтисодий ҳамкорлик нажижалари бир-бири билан узвий боялиқ бўлган счёtlарда ифодаланади.

МХТ иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган ривожланган капиталистик мамлакатларда вужудга келди. Дастрлаб бу мамлакатларда ҳисобот тизимига зарурат унчалик сезилмаган эди. Лекин илгор технологияларнинг ривожланиши, капиталистларнинг юқори даражада фойда олишга интилишлари товар ишлаб чиқариш билан истеъмол ўргасида номутаносибликларни келтириб чиқара бошлади. Натижада, талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанат бузилиб, иқтисодий бухрон(кризис)лар содир бўла бошлади. Бундай бухронлар XIX-асрнинг охири ва XX асрнинг

бошларига келиб бугун дунё капитализмини қамраб ола бошлади. Айникса, 1929-1933 йиллардаги «буюк бухрон» йиллари капиталистларнинг силласини куритди, бу мамлакатларда социал ва сиёсий норозиликлар юзага кела бошлади. Пироварлия, ахолининг катта қатламлари қашшоқлашди, капиталистлар эса ишлаб чиқарган маҳсулотларини сота олмай катта зарап кўрдилар. Талаб хамда таклиф ўртасидаги мувозанатни тиклаш жуда катта мабтаг ва вақтни талаб этади. Бундай бухронларга асосий сабаб, бу мамлакатларнинг иқтисодиётига четдан таъсири ўтказиши (давлат идоралари томонидан уни бошқариш ёки тўгри изга йўналтириш) инкор килиниб келинар эди. Шу даврга қадар бу мамлакатларда «бозор иқтисодининг табиатида бундай бухронларни олдини олиш механизми бор, бозорда баҳонинг ўзгариши талаб ва таклифни мувозанатлаштиради» деган назария ҳукм сурарди. Лекин 1929-1933 йилги капиталистик давлатларининг чукур инқирози капиталистларни кўзини очди. Улар бундай инқирозларнинг олдини олиш зарурлигига гушуниб етдилар. Бозор иқтисодига асосланган иқтисодиёт талаб хамда таклиф ўртасидаги мувозанаг бузилганди ишламаслиги ва бу мувозанатни тиклаши учун давлаг миқёсида зарур чоралар кўриш ва унинг олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш заруратини тутдирди. Бундай ишларни амалга ошириш мамлакат миқёсида хисоб китобларни юритишни тақозо этади. Чунки тўлақонли ахборотсиз мамлакат иқтисодиётини маълум бир йўлга йўналтириш ва бошқариш мумкин эмас. Шу даврдан бошлаб, капиталистик дунёдаги давлатларда мамлакат миқёсида хисоботлар юритиш зарурати тан олинди ва бу соҳадаги ишлар кенг кўламда ривожлана бошлади.

## 2. Халқ хўжалиги баланси тизими

1917 йилда социалистик революция галаба қозонгандан сўнг дунё икки лагерга-капиталистик ва социалистик лагерга бўлиниди. Социалистик тизим мамлакатларида иқтисодиёт марказдан планли-административ бошқарув ва моддий ресурсларни марказдан тақсимлаш усулига асосланган. Бу тизимда иқтисодий ишлаб чиқариш негизида моддий ишлаб чиқариш ётади. Мамлакат иқтисодиётини бошқариш хисобот тизимини жорий этишини тақозо этади. Шу сабабли, бу мамлакатларда хисобот тизимини яратишга катта эътибор қаратилди. Бу тизимдаги хисобот тизими “Халқ хўжалиги баланси”(ХХБ) деб аталди. Маълумки, ҳар

қандай ҳисобот тизими шу тизимнинг табиатидан келиб чиқкан ҳолда қабул қилинган сиёсий иқтисод назариясига асосланади. XXБ ҳисобот тизимини яратишда методологик асос сифатида, дастлаб Адам Смит томонидан яратилган, кейинчалик К.Маркс томонидан ривожлантирилган гоялар қабул қилинган эди. Бу гояга кўра, иқтисодий ишлаб чиқариш деганда, факат моддий неъматларни яратиш ва бу моддий неъматларни истеъмолчига етказиш билан боғлик бўлган хизмат (моддий ишлаб чиқаришнинг давоми сифатида) соҳалари тушунилади. Уларнинг фикрига кўра, хизмат кўрсатиш фаолияти ноишлаб чиқариш соҳалари деб қаралиб, иқтисодий фаолият қаторига қўшилмайди, шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаларида миллий даромад яратilmайди, бу соҳага миллий даромаднинг истеъмолчиси деб қаралади. Бу гоялар асосида қурилган социалистик мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг иккиласмчи соҳалар деб қаралиши, уларнинг кам ривожланишига сабаб бўлди.

XXБ ҳисобот тизими социалистик тизимдаги мамлакатларнинг ҳисобот тизими бўлиб, у шу тизимга мос сиёсий иқтисод назарияси асосида қурилган. Бу тизим социалистик тизим табиатидан келиб чиқкан ҳолда, шу тизимда бўлаётган иқтисодий ва социал жараёнларни муфассал ифодалашга қаратилган тизимдир. 1953 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)га XXБ тизимини халқаро стандарт сифатида қабул қилиш таклифи киритилди. Лекин БМТ статистика ҳайъати XXБни халқаро стандарт сифатида қабул қилмади. Бу тизим 1990 йилларнинг ярмигача социалистик лагердаги мамлакатларда расмий ҳисобот тизими сифатида амалиётда қўлланиб келинди.

### 3. Миллий ҳисоблар тизимининг юзага келиш тарихи

Хозирги МХТнинг бунёдга келиши бир қанча интеллектуал манбаларга эга. Уларнинг энг қадимгиларидан бири миллий даромад кўрсаткичини ҳисоблаш(баҳолаш)дир. Бундай ҳисобларни бажаришга уринишлар XVII асрнинг охирларида Европа мамлакатлари - Англия, Голландия ва Францияда содир бўлди. Бу даврда иқтисодчиларни, асосан, мамлакатда яратилган миллий даромад, бойлик кўрсаткичларини ҳисоблаш, армия ва давлат харажатларини молия билан таъминлаш муммомлари қизикириар

эди. Шундай қилиб, иктиисодчилардан Англияда Петти (1665 - 1676-й.) ва Кинг(1696 й.), Францияда Вобан (1707 й.) миллий даромад кийматини хисоблаб чиқдилар. Бу хисобларни бажаришдан асосий мақсад, мамлакатда йигилаётган солик миқдорини билиш ва келажакда унинг тушумини кўпайтириш чораларини кўриш эди. Бу хисобларни баҳариш жараённида, кўйилган мақсадга яраша, мамлакатда йигилаётган соликлар таркиби ва манбалари бўйича ахборотларни ишлаб чиқдилар. Бундан ташқари, хисобларни бажариш усуллари ва манбалари ўртасидаги боягликлар ишлаб чиқилди. Натижада, соликлар таркиби (эгри ва тўғри, маҳсулотларнинг гурухлари бўйича) ва ҳажми тўғрисидаги ахборотларга эга бўлинди. Бу эса, солик миқдорини (ставкаси) белгилаш ва истикబолда йигилиши мумкин бўлган солик миқдорини аниқлашга имкон яратди.

XVIII асрга келиб иктиисодий илм соҳасида асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиши ва хисобга олиш муаммоларига каратилди. Натижада, миллий даромад кўрсаткичини хисоблаш маълум бир ишлаб чиқариш чегарасида амалга оширилди. Ўша даврдаги иктиисодий назарията асосланиб айrim фаолият турлари ишлаб чиқариш сифатида хисобга олинди, бошқа фаолият турлари эса ишлаб чиқариш сифатида хисобга олинмади. Масалан, Францияда (Маршалл) хизматларга мөддий ишлаб чиқариш билан бир қаторда ишлаб чиқариш сифатида караплан бўлса, Англияда (А. Смит) хизматларга ишлаб чиқариш сифатида қаралмади. Бунга асосий сабаб, бу даврларда хизмат кўрсатиш соҳаларининг кам ривожланганлиги ва улар салмогининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан озлигидир. Бундан кейинни даврларда миллий хисобчиликнинг ривожига француз иктиисодчиси, физиократ Ф.Кенэ (Иктиисодий жадвал), К.Марке (оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш назарияси), А.Маршалл, англиялик олим К.Кларк, америкалик иктиисодчи С.Кузнец ва Дж.М.Кейнелар катта хисса қўшлилар.

XVII аср ўргаларида физиократлар сардори бўлган француз иктиисодчиси Ф.Кенэ ўзининг «Иктиисодий жадвал»ини тузиб, бу жадвал орқали оддий товар ишлаб чиқариш ва кенгайтирилган товар ишлаб чиқариш жараёнларини ифодалаб, мамлакат иктиисодчишини яхлит тизим сифатида қандай ривожланётганлигини ўрганишга ҳаракат қилди. Албатта бу, миллий хисобчилик соҳасида қўйилган мухим қадамлардан бири эди. Лекин шунни айтиш лозимки, Ф.Кенэнинг «Иктиисодий жадвал»ида қўлланил-

тән гоялар ва түшүнчалар амалиёт синовига узок вакт дош беролмади. Шулардан бири, ишлаб чыкариш концепцияси эди. Кенэ қараашларыда факат қишлоқ хұжалиги ва кон саноати ишлаб чыкариш сифатида қаради ва унинг фикрига күра факат шу соҳалардагина қиймат яратилади.

Макроиктисодий таҳлилнинг ривожига муносиб хисса күшганд К.Маркс, оддий ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чыкариш назариясини яратди. Бу назариясида у мамлакат иктиносидётида бўлаётган жараёнларни билишга ва түшүнтиришга имкон яратадиган моделни тузишга ҳаракат қилди.

Машхур иктиносидчи А.Маршалл (1925йил) биринчилар қаторида миллий даромадни хисоблаш иринципларини ишлаб чиқди. У миллий даромад кўрсаткичини қўйидагича таърифлади. Мамлакатнинг кузатилаётган даврдаги соғ даромади мамлакатда ишлаб чыкарган ҳамма товарларнинг, хизматларнинг ва чет эл инвестициясидан олинган соғ даромадларнинг йигиндисидан шу говар ва хизматларни ишлаб чыкаришида ишлатилган товарлар ва асосий капитал аморгизацияси қийматини айрилтанига тенг. Миллий даромаднинг бу таърифи ўтган даврларда жуда кам ўзгарди ва унинг ўзаги МХТда хозирги замон талабидан келиб чиқкан ҳолда ривожлантирилди.

Миллий даромад статистикаси ва миллий хисобчилик ривожига англиялик олим К.Кларк ва америкалик иктиносидчи С.Кузнецлар жуда катта хисса кўшдилар. Улар миллий даромадни хисоблаш ва МХТ счёtlарини тузиш услугига бир қатор аниқниклар кирилдилар. Масалан, К.Кларк ўй хўжаликларининг ўз уйларида турганликлари учун «шартли равища ҳисобланган ижара» микдорини миллий даромад таркибига қўшиши кераклигини асослаб берди. Бундан ташқари, у инфляция натижасида қийматнинг ўсишини миллий даромаддан чегириншини ва миллий даромадни бозор баҳоларыда хисоблашни таклиф қилди. К.Кларк биринчилар қаторида миллий даромад ва миллий маҳсулот категорияларини фарқлади ва миллий хисобларни чораклар мобайнида хисоблаш зарурлитини асослаб берди. Унинг бу соҳада қўлган ишлари хозирги замон миллий хисобчилигида кенг қўлланилмокда.

С.Кузнец макроиктисодиёт ва миллий хисобчилик соҳасининг асосий түшүнчалари ва қоидаларига мухим таклифлар кирилди. Жумладан, миллий бойлик ва миллий даромад категорияларига, давлат бошқарув идораларининг нобозор хизмат-

ларини баҳолаш усулларига аниқликлар киритди. У, пировард истеъмолни оралиқ истеъмоддан фарқлаш заруратини ва давлат бошқарув идораларининг кўрсатаётган хизматларини қай бирини пировард истеъмол ёки оралиқ истеъмол сифатида қараш керак-литини асослаб берди. Унинг фикрига кўра, давлат бошқарув идораларининг аҳолига кўрсатаётган хизматларининг бевосита фойдаси бўлган қисми (медицина, маориф, маданият ва санъат соҳалари) миллий даромад таркибига киритилиши лозим. Қолган хизмат соҳаларини (милиция, хавфсизлик ва мудофаа, умум-давлат бошқаруви) оралиқ истеъмол сифатида қараш ва булар миллий даромад таркибиغا қўшилмаслиги керак, деган гояни илгари сурган. Лескин, унинг бу таклифлари МХТда инобатга олинмай, давлат бошқарув идораларининг ҳамма хизматлари пировард истеъмол сифатида қаралалиган бўлди.

1930-йиллар бошларида Кузнец ўзининг «Социал фанлар энциклопедияси» асарида Америка қўшма штатлари(АҚШ) миллий даромадини ҳисоблаш принципларини баён этди. Бу асарда у, жумладан, миллий даромадни учта усул: ишлаб чиқариш, даромад ва истеъмол усуллари билан ҳисоблаш мумкинлигини асослаб берди. Натижада, ҳисобланган «миллий даромадлар» бир-биридан фарқли бўлиб, уларнинг ахборот манбалари турли иқтисодий жараёнларни ифодалаши кўрсатиб берилди. Бу эса, иқтисодий таҳлилнинг максади ва йўналишига мос равишда миллий даромадни ҳисоблаш усули ва ахборот манбаларини танлаш имконини яратди. Масалан, миллий даромадни ҳисоблашнинг «ишлаб чиқариш усули» ва унинг кўрсаткичлар тизими мамлакатнинг тармоқлари ва секторларида ишлаб чиқаришининг ҳолаги қандайлигини билишга ва бу жараёнларни тахлил қилиши учун етарли имкон яратади. Миллий даромадни ҳисоблашнини «даромад усули» яратилган миллий даромадни мамлакат иқтисодиётида катнашувчилар ўргасида қандай таҳсилланганлигини, натижада, иқтисодиёт секторларининг иқтисодий фаолият натижасида қай микдорда бирламчи даромадларга эга бўшанликларини ифодалайди. Миллий даромадни ҳисоблашнинг «истеъмол усули» мамлакатда яратилган миллий даромаднинг қанчаси пировард истеъмолга ва экспортга ишлатилганлигини, мамлакат миқёсида жамгариш (асосий капиталнинг йигилмаси, айланма фондларнинг ўсиши ёки камайишми, соф активлар)нинг кўламини билишга имкон беради.

Шуни айғиб ўтиш лозимки, миллий даромадни ишлаб чиқариш, даромад ва истеммол нұқтаи назаридан таҳлил қилиш гоясина совет иқтисодчесі А.Первухин 30-йилларнинг бошларыда Кузнец шаларидан хабарсиз, мустакіл равишда ишлаб чиқсан. Кузнецнинг МХТни ривожига қүшіган хиссасининг буюклиги шундан иборатки, у миллий даромадни хисоблашыннан «истеммол усули»ни амалиётта тәғбик етди. Унинг бошчилигінде АҚШнинг 1929-1932 йиллардаги миллий даромади хисобланиб, АҚШ Конгрессінен гомонидан чоғ этилди. Кузнецнинг миллий хисобчиликни ва миллий даромад концепциясін назарий ҳамда амалий жиһаттан ривожлантиришига қўйиган хизматлари муносаб тақдирланиб, бу соҳадаги ишлари учун у Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Миллий даромад концепцияси назариясининг яратилиши ва унин амалиётда қўлланишига американлик иқтисодчилар М.Жильберт, Э.Денисон ва Д.Яссилар катта хисса қўшилар. Уларнинг раҳбарлиги остида АҚШнинг миллий даромад ва миллий маҳсулот кўрсаткичларини хисоблаш учун счёtlар таркиби ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбик этилди. Натижада, АҚШнин 1929-1946 йиллар учун миллий даромад ҳамда миллий маҳсулот кўрсаткичлари хисоблаб чиқи́ди ва чоғ этилди.

Миллий хисобчиликнинг ривожланишида буюк рус иқтисодчи олими В.Леонтьевнинг ҳам хиссаси катта бўлди. У мамлакат иқтисодиётіда еодир бўлаётган жараёнларни унинг тармоқлари ўргасидаги ботланишлар орқали ифодалаш усулинин ишлаб чиқди. Бу усул тармоқлараро баланс деб ном олди. Бу усул орқали у тармоқлараро ботликларни математик усуllар ёрдамида ифодалаб, уларнинг математик тенгламаларини ишлаб чиқди. Тармоқлараро баланс усулининг ярагилиши мамлакат иқтисодиёті моделини яратишга имкон яратди. Бу модель орқали мамлакатнин келажакдаги равиакини проиноз қилиш масалаларини, ҳар хил сценарийлар асосида иқтисодий сиёсатнинг натижаларини баҳолаш ва мақбул иқтисодий сиёсат йўнилишларини танлаб олиш имкони яратилди. В.Леонтьев тармоқлараро баланс соҳасидаги ишлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Миллий хисобчиликнинг юзага келиши жараённанда уч босқич яққол кўзга ташланади. Биринчи босқич - XVII асрнинг иккинчи ярмилан 1930 йилгача бўлган давр. Иккинчи босқич - 1930 йилдан 1945 йилгача бўлган давр. Учинчи босқич - 1945 - 1953 йиллар.

Биринчи босқичда миллий ҳисобчилик илк бор күртак ё за бошлади. Мамлакат миқёсида хисоблар юритишта илк бор қизиқыштар айрим олим ва иқтисодчиларда туғилди. Улар шу даврлардаги мавжуд сиёсий иқтисод назариясидан келиб чикқан ҳолда миллий даромад(маҳсулот) кўрсаткичларини хисоблаб чиқдилар. Бу даврларда, миллий ҳисобчилик ягона бир тизим сифатида шаклланмади. Бу кўрсаткичларга иқтисодиётни бошқариш (иктисодиётта таъсир ўтказиш) куроли ва мамлакат эътиборидаги иш сифатида қаралмади. Бу даврдаги изланишлар миллий ҳисобчиликнинг юзага келишига назарий ва амалий пойдевор яратди.

#### 4. Миллий ҳисобчиликнинг тараққиёт босқичлари

Юқорида қайд этилган изланишлардан кенг фойдаланилган ҳолда ва уларни замон талаби асосида ривожлантириш натижасида Америкада асримизнинг 30- йилларида ялпи ичкни маҳсулот кўрсаткичини хисоблаш концепцияси ишлаб чиқилди. Бундан асосий кўзланган мақсад-мамлакатда кечётган иқтисодий жарабён натижаларини билиш эди. Бу ҳолда ҳам шу даврда мавжул иқтисодий назария билан хисоблаш мазмуни ўргасида узвий болглиқлик сақланған эди.

1940 йилдан кейинги даврларда иқтисодий назарияда З та йўналиш вужудга келди. Бу йўналишлардан биринчиси - Кейнсинг (1936 й.) макроиктисодий назарияси эди. Бу назарията асосан, иқтисодиётни (иктисодий жарабён натижаларини) ўзаро бир-бирига bogлиq бўлган ўзгарувчilar орқали ифода этиши мумкин.

Иккинчи йўналиш (Маршалл, 1990 й.) иқтисодиёт ҳолагини иқтисодиёт секторлари ўргасида бўлаётган иқтисодий операциялар орқали ифодалашга асосланган.

Учинчи йўналици - товар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш жарабёnilаги холатининг ўзгариши ёки харакати (ишлаб чиқариш, кайта ишлаб чиқариш, истеъмол жарабёнлари)ни кузатишга асосланган (физиократлар, Күэнней, 1760 й.; Рикардо, 1817 й; Маркс, 1885 й.). Бу йўналиш амалиётга татбик этилиши учун анча вакт сарфланди. Кейинчалик, бу йўналиш Леонтьевнинг тармоклараро баланс жадвалларида ўз ривожини топди.

Хозирги замон миллий хисоблар тизими (МХТ) юқорида көлтирилгандан уч йўналишнинг узвий биринши натижасида юзага келди. Дастрраб, 1952 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг статистика департаменти ташаббусига биноан Р.Стоун раҳбарлигидан иқтисодчилар томонидан МХТнинг биринчи умумлашгандан методологияси ишлаб чиқилди ва ҳалқаро стандарт сифатида амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. 1968 йилда, ўтган 16 йил мобайнида иқтисодий статистика назарияси ва амалиётида тўплангандан тажрибалар умумлаштирилиб, МХТнинг иккинчи намунаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбик этиш учун тавсия қилинди. 1970-80 йилларда мамлакатлар ўргасида (айниқса, Европа) иқтисодий интеграция янада кучайди. МХТ амалиёти ва назариясида ҳам бир қанча ўзгаришлар юз берди. 1993 йилнинг бошларида МХТнинг янги - учинчи намунаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этиш учун тавсия қилинди. Унинг асосини (тармоқларро баланс жадваллари, макроиктисолий кўреаткичлар тизими, иқтисодий секторлар ва уларнинг ўзаро муносабаларини характерловчи операциялар) юқорида кайд этилган иқтисодий назариядаги уч йўналини ташкил этган.

Юқорида көлтирилган МХТнинг ривожланиш тарихига асосланиб шуни айтиш мумкинки, МХТ-мамлакатлар иқтисодиётинда кечётган жараёнларни ажэ эттиришга қаратилган ва иқтисодий назарияда мавжуд бўлган энг муҳим йўналишларни ўзида мужассамлаштирган ҳисбот ва статистика тизимиdir.

## 5. Миллий ҳисобчиликни юритиш зарурати

Миллий ҳисобчиликнинг юзага келиш тарихига назар ташыласак, у дасублеки даврларда айрим иқтисодчи олимларнинг ўз мамлакатларининг салоҳиятини билишга ва мамлакатнинг умумхаражатларини қонлаш учун солиқ миқдорини аниқлашга булган қизикишлари ҳосиласи сифатида найдо бўлди. Кейинчалик, иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан тез ривожланиши, иқтисодиётда хизматлар нуфузининг ошиши ва иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келувчи янги ишлаб чиқарип усувлари ва технологияларнинг жорий этилиши талаб ҳамда таклиф мувозанатини тез-тез бузилишларига олиб кела боилади. Шу даврлардаги иқтисодий назарияга асоссан, «бозор иқтисодиётинда иқтисодиётни ташқаридаи, яъни хукумат томонидан бошқарип зарурати йўқ» деб ҳисобланар эди. Чунки бозор

иктисодиётила иктисодиёт бозор конунлари асосида, яъни талаб ва тақлиф асосида ишлаб чиқарыш билан истеъмол ўртасидаги мувозанатни таъминлаиди, деб қаралар эди. Лекин, XX аср бошларига келиб, фан ва техниканинг тараққиёти ҳамда янги ишлаб чиқариш технологияларининг амалийтга кенг татбиқ этилиши натижасида йирик ишлаб чиқарыш корхоналари вужудга кела бошлади. Натижала, фойда нормаси катта бўлган говарлар кўплаб ишлаб чиқарилиб, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги номутаносиблар вужудга келди, талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанат бузилди. Бозордаги мувозанатнин бузилиши мамлакатларда бухрон (кризис)ларни юзага келтирди. Бу эса мамлакатларда иктиносидий ўсишга салбий таъсир этиб, бир томондан ишлаб чиқарувчиларнинг айланма маблагларини камайишига ва ишлаб чиқарышнинг қисқаришига олиб келган бўлса, иккинчи томондан ахоли ўртасида иш сезизликни юзага келтирди, унинг турмуш ларажасини пасайишига сабаб бўлди. Натижада, жамиятда норозиликлар юзага келди, сиёсий тузум инқизозига хавф туғили. Шу даврга келиб, бу мамлакатларда иктиносидийни ўз ҳолига қўйиб бўлмаслиги, уни бошқариш зарурлигига тушуниб етилди<sup>1</sup>. Маялумки, мамлакатда бошқариш усули (маямурий ёки иктиносидий) қандай бўлишидан қатъий назар, у мамлакатнинг иктиносидий ҳолатини ифодаловчи аҳборот базасини таянади. Шу сабабли, XX асрнинг 30-йилларига келиб, ривожланган капиталистик мамлакатларда мамлакатнинг иктиносидий-социал ривожланиш ҳолатини ифодаловчи тизим – МХТ ни яратишга киришилди. Уни яратипдан мақсад, унинг ёрдамида мамлакат иктиносидийини иктиносидий усувлар билан тараққиётга йўналтириш ва келажакда булиши мумкин бўлан бухронларни олдини олишдан иборат. Шу даврдан бошлаб, бу мамлакатларда МХТни яратиш, уни такомиллаштириш ва аҳборот базасини яратини давлат миқёсидаги вазифа даражасига кўтарилиди.

---

<sup>1</sup> Шу лаврда социалистик лагерга кирувчи мамлакатларда мамлакат иктиносидийни юкоридалан, административ бошқаринг усули билан бошқариласган эли бу мамлакатларда ҳисобот тизими сифатида Халқ ҳужжалини баланси тизими иштаб чиқилиши оли

## 6. Миллий ҳисобчиликнинг мамлакатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги роли

Иккинчи жаҳон уруши бўсагасида Америка Кўшма Штатларида ва бошқа ривожланган Европа мамлакатларида мамлакат миқёсидаги ҳисобларнинг амалга оширилиши бу мамлакатларда иқтисодиётнинг ҳолатини ва бухронларнинг сабабларини ўрганишида катта аҳамият касб этди. Бу ҳисобларнинг моҳияти ва нуфузи йилдан-йилга ошиб борди. Айника, мамлакат миқёсидаги ҳисобларнинг аҳамияти Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг янада ошиди. Чунки, уруш натижасида жуда кўп мамлакатлар вайрон бўлди, иқтисодиёт бутунлай излан чиқди. Бу мамлакатлар иқтисодиётларини ўз кучлари билан тиклашлари учун бир қанча ун йилликлар талаб этилар эди. Уларга иқтисодиётни гиклаш учун чётдан ёрдам жуда зарур эди. Бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга иқтисодиётни тиклашга ёрдам бериши учун, албагта, у мамлакат иқтисодиётининг ҳолатига тўғрисидаги маълумотга эта булинни керакдир. Чунки ёрдам обьекти ва адресини билмасдан туриб ёрдам бериши мумкин эмас. Шу даврга келиб, мамлакатларда юритилётган ҳисоблар тузилиши методологияси, услублари ва коидалари хаммага тушунарли бўлиши учун уларни ягона методология, услублар ва коидалар асосида ишлаб чикиш зарурати туғилди. 1945 йилда тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу масалани ижобий ҳал килишга туртки берди ва халқаро миқёсда Миллий ҳисоблар тизимини яратишга асос солинди. МХТни халқаро миқёсда ягона методология асосида яратилиши мамлакатлараро ягона «статистик ти.»ни вужудга келтирди ва интеграциянинг ривожланишида муҳим роль ўйнади, шунингдек жаҳон иқтисодиётида бўлиши мумкин бўлан бухронларнинг олини олишга имкон яратади. МХТ нинг вужудга келиши ва халқаро миқёсда амалиётна татбиқ этилиши дунё мамлакатларида кечачётган жараёнларни билишга ва улардан ибрат олишга, ишлаб чиқариш кучларидан, меҳнат ва инвестиция ресурсларидан оқиётона фойдаланишга, ишлаб чиқаришининг самарацорлигини оғвиришга, пировард натижада, дунё халқларинин фаровон яшашига имкон яратади.

## **II боб. Миллий хисоблар тизими ва Ҳалқ хўжалиги баланси тизими ўртасидаги асосий фарқлар ҳамда ўхшашликлар**

### **1. Миллий хисоблар тизими ва Ҳалқ хўжалиги баланси тизими предмети ва вазифалари**

Мамлакат иқтисодиётинин ҳолати, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари статистика аҳборотлари ва уларни таҳлил килиш натижасида аниқланади. Республикаизнинг мустакилликка эришунга қадар ва мустакилликнинг дастлабки йилларида “Ҳалқ хўжалиги баланси (ХХБ)” хисобот ва статистика кўрсаткичлар тизими амалиётда қўлланниб келинди. 1992 - 1993 йиллардан бошлиб мамлакатимизда Миллий хисоблар тизими (МХТ)га ўтиш тадбирлари ишлаб чиқыди ва бу тадбирлар боекичма-боекич амалга ошириб келинмокда.

ХХБ тизими социалистик тузумга хос хисобот гизими булганини учун, бозор муносабатлари асосида таркиб топаётган янни иқтисодий муносабатларни ва мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини тўлалигича ифода этмайди. Чунки ХХБ мамлакат иқтисодиётини марказлашсан маъмурӣ-бўйруқчилик асосида бошкариш шароитига мослаб курилган тизимдир. Бу тизимнинг негизитни ишлаб чиқаришни марказлашган тарзда режалаштириши ва ресурсларни марказлашган тақсимот услуби ташкил қиласди. Бу тизимла факат моддий ишлаб чиқариш ва шу билан беғлиқ хизмат кўреагиши соҳаларигина ишлаб чиқариш сифагида ҳисобга олинган. Ахолига хизмат кўреагиши соҳалари, банк ва молиявий хизмат кўреагиши соҳалари, медицина хизмати, маориф, фан, маданият ва шу каби соҳалар иккиламчи соҳалар леб қаралаб, ишлаб чиқариш жараёнидан алоҳида ҳолда, молдий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган миълий даромадни ишсемой қилувчи соҳалар деб қаралган. Бу соҳалар ишлаб чиқариш сифатида қаралмайди ва ялпи миллий даромадни яратишда катнашмайди деб ҳисобланади. Натижада, хизмат кўреатини соҳаларида яратилган даромад, бу соҳаларнинг ривожланиши тенденциялари якуний мақроиктисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмайди. Бу эса, мамлакатда юз бераста социал-иктисодий ўзгаришларни реал акс этиришта имкон бермайди. Шу билан бирга у, мамлакат

иктисодиёти күрсаткىчларини бошқа хорижий давлатлар күрсаткىчлари билан солинишириши имкониятини қийинлантиради.

ХХБ тизимида давлатнинг молиявий ахволи, нул муомаласи ва кредит ҳолати, ишбилармонлик ва воситачилик синвари бозор таркибини белгиловчи иктиносидий күрсаткىчларнинг йўклиги, статистик методларнинг юз берадиган ўзгариниларни старли даражада кузата олмаслиги иктиносидий ва сиёсий ислоҳот жараёнининг борини ва натижаларини тизмий таъсил қилиш имкониятларини оғирлаштиради, иктиносидий бошқарувнинг самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташкири, ХХБ тизими ялни статистик кузатнинг асосланганлиги учун, бозор муносабатларининг таркиб топичини натижасида ҳар ҳил турдаги мулкка асосланган минглаб майдада товар ишлаб чиқарини ва хизмат күрсагини корхоналарини ялби кузатиш усуди оркали амалда хисобга олиб бўлмайди. Чунки бу иниларни ялни усулда амалга ошириш катта маблаглар сарф этишини талаб этади.

Миллий хисоблар тизими - яхлит жамланган иктиносидий-статистик күрсаткىчлар тўплами бўлиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарини ва хизмаг күрсагини, натижада ялни миллий даромадни яратини, уларни тақсимлани, қайта тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ўзида мужассамлаштирган хисобот ва статистика тизимиdir. Бу тизимда ишлаб чиқарини ва хизматни күрсатиш, истеъмол, инвестиция, жамгариш жараёнлари кегма-кет Т кўрининшидаги хисобларда тасвирланади. МХТ баланс статистикасининг ривожланиши, миллий даромад, миллий бойлик, жамгарма каби макроиктисодий күрсаткىчларни аниглаш ишлари эволюциясинини натижасидир.

Аслини олганда, МХТ ва ХХБ тизимлари бир-бирига яқин тизимлар. Иккала тизимда ҳам моддий ишлаб чиқарини ва хизмат күрсатиш жараёнлари тан олинади. Лекин уларни хисобга олиш бу иккала тизимда бир-биридан фарқ қиласади. Яъни ХХБ тизимида ялни ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад факат моддий ишлаб чиқарини соҳларида яратилади деб хисобланади. ХХБ тизимида хизмат күрсатиш хисоботи миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараённада сарф-харажатлар сифатида хисобга олинади. МХТда моддий ишлаб чиқарини ва хизмат күрсатиш хисоботида бундай фарқ қилинмайди. Хизмаг күрсагини натижасида яратилган янги қийим товар ишлаб чиқарышда яратилган қиймат билан бир ҳил мавжуга эта деб каралади. Бу эса мамлакатда яратилган

ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромадни тўла хисобга олиш имконини яратади.

## 2. Миллий хисоблар ва ҳалқ ҳўжалиги баланси тизимлари ўртасидаги асосий фарқлар

МХТ ва ХХБ тизимлари вазифалари бир-бирига ўхшашиб булишига қарамай, улар турлича сиёсий-иктисодий назарияга асосланган тузумлар хисобот тизими бўлганлиги учун уларнинг тузиш тартиби ва кўрсағичларини хисоблаш концепцияси бир-биридан фарқ қиласди. Иккала тизим ўртасидаги асосий фарқтар сифатида қўйидагигарни келтириш мумкин:

- МХТ ХХБга нисбатан ўзининг кені қамровлидиги билан ажралиб туради. МХТла иктиносидий жараёнларда қатнашувчи барча ҳўжалик бирликларининг фаолияти натижалари, улар ўртасидаги ҳамма иктиносидий операциялар, уларнинг активлари ва пассивларидаги ўзгаришлар тўғрисидати ахборотлар кетма-кет, бир-бири билан узвий bogланган счёtlарда келтирилади. Иктиносидётда ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлашни, актив ва пассивлардаги ўзгаришларни, ва бошқа иктиносидий жараёнларни ифодаловчи миллионлаб операциялар мавжуд. Бу операцияларнинг счёtlар кўринишида ихчам ва содла ҳолда келтирилиши иктиносидётда бўластган жараёнларни тез англалига имкон яратади, иктиносидий таҳлилни ён illаштиради;

- иккала тизимда ишлаб чиқариш концепцияси бир-биридан тубдан фарқ қиласди. МХТла ҳар қандай товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш сифатида хисобланади. ХХБта эса, ишлаб чиқариш сифатида товарлар ишлаб чиқариш ва бу товарларни истеъмолчига етказиш билан бодлик хизматлариниа хисобга олинади. Натижада, хизмат соҳаларининг кўп қисми(аҳолига транспорт, алоқа, медицина, маориф коммунал ва шунга ўхшашиб бошқа хизматлар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари хизматлари) ишлаб чиқариш қаторига қўшилмайди. Бу эса, мамлакатда ишлаб чиқариш жараёнинини қандай кечастганлигини тўла ифодаламайди;

- МХТдаги даромад концепцияси хисобланши усули ва қамровлидигига кўра ХХБ тизимидагидан анча фарқ қиласди. Ишлаб чиқариш концепциясидан келиб чиқкан ҳодда ХХБда хизмат соҳалари даромад яратмайди, деб каралади. МХТда эса, ҳар қандай иктиносидий фаолият натижасида даромад яратилади;

- тармоқ ва секторлар таснифи ҳам иккала тизимда турлича бўлиб: МХТда ҳалқаро тармоқ ва секторлар таснифи ишлатилади, ХХБда эса унга ҳос бўлган тармоқ ва секторлар таснифи ишлатилади;

- жараёнлар МХТда Т-кўринишидаги счёtlарда, ХХБда эса баланс жадваллари кўрининишида ифодаланади;

- ахборотларни йигиш усули ХХБда ялпи кузатиш, МХТда эса танлаб кузатиш усулига асосланган;

- иқтисодий таҳлил усули ХХБда режа кўрсаткичларига солинтириш, МХТда эса ўтган даврларга солинтириш усулига асосланган;

- айрим кўрсаткичлар иккала тизимда бир ҳил иомлансан ҳам, ӯларнинг мазмунни ва хисоблани усувлари иккала тизимда бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Юкоридаги келтирилган асосий фарқлардан ташқари, шуни айтиши лозимки, иккала тизимда қўлланиладиган баҳолар тизими, кўрсаткичлар тизими таркиби ва хисоблаш усувлари ҳам бир-биридан катта фарқ қиласди.

### 3. Миллий ҳисоблар тизимининг ривожланишида ҳалқ хўжалиги баланси тизимининг роли

ХХБ тизими XX асрнинг 20-йилларида СССРда юзага келган. Бу тизим СССРда юзага келган иқтисодиётга мос бўлиб, шу иқтисодиёда кечётган жараёнларни ифодалашига қаратилган эди. ХХБ тизими иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда СССРдан бошқа социалистик мамлакатларда ҳам қўлланилган бўлса-да, у ҳалқаро стандарт сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинмади. Кейинчалик, XX асрнинг охирига келиб, собиқ социалистик ва мустақилликка эришган янги мустақил давлатларнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни танлаб олишлари, бу мамлакатларда ҳам хисбот тизимини МХТ асосида қуришни тақозо этди МХТ ва ХХБ тизимлари бир-биридан фарқ қилишига қарамай, МХТ нине юзага келишида ва ривожланишида ХХБ тизимининг таъсири катта бўлган. Чунки, биринчидан, ХХБ МХТга нисбатан анча олдин юзага келган бўлса, иккинчидан иккала тизимнинг асосини ташкил қилувчи асосий тушунчалар, таснифлар, операциялар характеристи-

га кўра бир-бирига яқин ёки айнан бир хил. Масалан, иккала тизимда ҳам ишлаб чиқаришнинг моддий ва номоддийлиги, товар ва хизмат бир-биридан фарқланади. Иккала тизимда даромадлар концепцияси турлича бўлишига қарамай, уларнинг ҳосил бўлиши манбаларига кўра таснифи бир-бирига ўхшац. Активларнинг молиявий ва номолиявийлиги ҳам иккала тизимда тан олинали. Иқтисодиётни тармоқларга ажратиш принципи, операцияларнинг таснифи(жорий ёки капитал), истеъмол ва жамғарини, уларнинг ички таснифлари ҳам иккала тизимда бир-бирига ўхшаш ёки айнан бир хил. Бундан ташқари, СССРнинг 1925-26 йиллар учун тузилган баланси дунёда *иљк бор* мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда ва ўрганицида макро йўналишни очиб берган. Бундай баланслар мамлакатнинг равнақини башорат қилишда ва иқтисодиётни у ёки бу йўналишда ривожлантиришида асосий восита бўлиши мумкинлигини хаётнин ўзи исботлаш берди.

Дастлабки даврларда, XXБ тизимида ишлаб чиқилган ҳалқ хўжалиги тармоқларининг бир-бирига узвий бөглиқларини ифодаловчи жадваллар, кейинчалик МХТ тизимида ҳам (тармоқлараро баланс жадваллари кўрининишида) ўз ўрнини топди. МХТ юзага келган даврдан кейинги 40 йил давомида иккала тизим ср юзидаги социалистик ва капиталистик тузум мамлакатларида (МХТ – бозор муносабатларига асосланган капиталистик лагердаги мамлакатларда, XXБ эса, социалистик лагердаги мамлакатларда) амалиётда қўлланиб келинди. Бу ўтган даврда, XXБ тизими бағрида яратилган бир қанча янгиликлар МХТнинг янги 1993 йилда ишлаб чиқилган нусхасида қабул қилинди ва унинг янада такомиллашишида мухим ўрин эгаллади. Масалан, XXБда ишлаб чиқилган ахолининг умумий истеъмолини аниклаш концепцияси ва яқуний истеъмол таснифи(коллектив ва индивидуал истеъмол) МХТда қабул қилинган. Уларнинг МХТда қўлланилиши истеъмол жараёнларини янада аникроқ ифодалашга имкон яратди.

### **III боб. Миллий хисоблар тизими бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни хисобга олиш тизимидир**

#### **1. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт**

Бозор муносабати деганда иқтисодиётда қатнашувчи бирликтар ўргасидаги товарлар, хизматлар ва активлар ўзаро бошқа активларга айирбонлашнинг талаб ва таклиф асосида юзага келтириш баҳоларда амалга оширилиши тушунилади. Бозор муносабатларининг таркиб таркибида рақобат мухити яратилганлиги мухим шартлардан бириди. Чунки, факат рақобат мухити яратилгандинга айирбонлашгувнинг ҳакиқий баҳоси юзага келади. Айирбонлаш баҳолари олатда, бозор баҳолари деб юритилади. Масалан: бозор баҳоси – товар сотувчининг ўз ихтиёри билан товар эвазига бериладиган қийматта рози бўлини ва товар олувчининг ўз ихтиёри билан шу товар эвазига шу қийматни беришга тайёрлигида намоён бўлади.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тушунчаси бирмунча иишиб бўлиб, хеч бир мамлакат иқтисодиётидаги иқтисодий бирликлар ўргасидаги операцияларнинг ҳаммаси хеч қачон юз фоиз бозор баҳоларидан амалга оширилмайди. Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган операцияларнинг аксарияти бозор баҳоларидан амалга оширилиши, бу иқтисодиётнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт дейилишига асос бўлади.

Социалистик тизимдаги иқтисодиётни бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт деб бўлмайди. Чунки, бу тизимда иқтисодий операцияларнинг кўпчилиги давлат томонидан белгиланган баҳоларда ва таксимот тизимидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Бу тизимда бозор баҳоларини факат дехқон бозорларидагина учратиш мумкин.

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришга дадил киришиди. Бозор иқтисодиётига ўтиш ўта мураккаб жараён бўлиб, жамиятда ва иқтисодиётнинг хар бир жабхасида ўзаро рақобат мухити ва бутунлай янги иқтисодий-ижтимоий муносабатларни шакллантиришни тақозо этади.

## 2. Иқтисодий ишлаб чиқариш ва унинг чегараси

Иқтисодий ишлаб чиқариш деганда, ишлаб чиқарувчи бирлик томонидан меҳнат, маблаг, товар ва хизмат сарфлари натижасида бошқа турдаги товар ёки хизматни ярагиб, истеъмолчига (пул ёки товар эвазина, ёки бендул) етказиб берин жэраёни тушунилади.

Иқтисодий ишлаб чиқариш натижасида товарлар ва хизматлар яратилади. Уларни бир-биридан фарқлаш учун ўзита хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Товарлар - эгалик хукуки тарқатилиши мумкин бўлган физик предметлардир. Товарлар молдий бўлганлиги учун уларни саклаш мумкин. Товарларга истеъмол талабининг бўлиши кагта ахамиятга эга. Агар уларга истеъмол талаби бўлмаса, улардан хеч қандай наф бўлмаиди. Шунингдек улар ҳар доим ҳам ишлаб чиқарилган даврларида сотилавермайдилар. Шу сабабли, бу омилни товарлар ишлаб чиқариш хажмини хисоблаштганда эътиборга олиш зарур.

Хизматлар - истеъмолчи талаби асосида бажарилалиган ҳар хил фаолият турлари хисобланади. Хизматларни саклавб бўлмайли. Улар аксарият истеъмолчиларга беъосита кўреатилади. Хизматлар бошқа бирликлар томонидан эҳтиёж бўлганда бажарилади. Хизматлар натижасида хизматни олувчида ва унинг буюмларида турли хил ўзгаришлар бўлиши мумкин. Масалан: а) буюмларни таъмирлаш натижасида буюм ярокли ҳолга қелади; б) даволашиб натижасида инсоннинг саломатлиги ўзгаради; в) маориф хизмати натижасида ўқувчининг билими ошади; г) сугурга натижасида иқтисодий ҳолат турғунлиги таъминланади ва х.к.

Умуман айтганда, характеристики иқтисодий фаолият нуктаи назардан маънога эга бўлмаган жараёнлар иқтисодий ишлаб чиқариш хисобланмайди. Бундай жараёнларга:

а) инсон иштирокисиз табиий жараёнлар натижасида товарларнинг кўпайishi;

б) инсоннинг ўзига ўзидан бошқалар бажараолмайдиган фаолиятлар (овқат сийищ, спорт билан шутулланиш, ухлаш ва х.к.);

в) ташки омилларнинг таъсири, яъни ташки омиллар (инфляция, валюта курслари, баҳолар ўзарини) натижасида активлар қийматининг ўзгариши;

- 1) ўғирликлар, пораҳүрлик ва таъмагирлик;
- 2) бозор ишлаб чиқарувчиларнинг ўз биноларидан ижара хизматида фойдаланишилари ёрдамчи фаолият хисобланади ва бевосита ишлаб чиқариш хисобланмайди.

Шулардан келиб чиккан холда иқтисодий ишлаб чиқариш кўламининг жуда кені ва ранг-бараплигини кўрамиз. Лекин, бу иқтисодий ишлаб чиқариш турларини хисобга олиш бир қанча кийинчиликларни юзага келтиради. Бу қийинчиликларни бироз камайтириш мақсадида МХТда иқтисодий ишлаб чиқаришини хисобга олиш бирмунча чегараланган. 1993 йилда амалиётга кириттиган МХТда қўйилаги фаолиятлар аслида характеристига кўра иқтисодий ишлаб чиқариши бўлса хам, улар ишлаб чиқариш сифатида хисобга олинмайди:

- ўй хўжаликлари аъзолари томонидан ўзлари ва ўй хўжалиги аъзолари учун бажариладиган хизматлар (ўйни сарангжом ва саришта ушлаш билан бөглиқ ишлар, таом тайёрлаш, кир ювиш, дазмол қилиш ва х.к.);
- ўй аъзолари томонидан истеъмол товарларини таъмирлаш (дазмол, радио, телевизор ва шу кабиллар);
- ўйни енгил таъмирлаши ишлари;
- ўй хўжалиги аъзоларига транспорт ва бошқа хизматлар курсатиш.

Амалий ҳаётимизда иқтисодий ишлаб чиқариш қўйилаги фаолият турларидан иборат:

- бошқа бирликларга сотиш, ўзининг истеъмоли ва асосий капиталини кўнайтириш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш;
- номодия хизматлар кўрсатиш;
- молия ташкилотларининг фаолиятлари;
- давлат бошқарув идораларининг фаолиятлари;
- жамоат ташкилотларининг фаолияти;
- ўй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ўй хизматчиларининг фаолияти;

- ўй-жой эгаларининг ўйларни ҳолатини саклаш ва яхнилаш бўйича юритадиган фаолиятлари (таъмирлаш, капитал таъмирлаш, реконструкия ва кўшимча хоналар куриш).

МХТда ўй хўжалиги деб, даромадларини биргаликда тасарруф этилган шахслар ва оиласалар гурухига айтилади. Масалан, хонадонда З оила истиқомат қилиб, улар топган – тутганларини биргаликда баҳам кўрсалар (ёки хонадонда битта қозон қайнаса) бу битта ўй хўжалиги хисобланади. Агар бу хонадонда улар алоҳи-

да-алохидә хұжалик юритеалар, у қолда бу хонадонда учта үй хұжалиғи бор деб хисобланади.

### 3. Бозор ва нобозор ишлаб чиқариш

Мамлакат иқтисодиётіда бозор муносабатларинин қанчалық даражада таркиб топғанлығини ва бу муносабагларнин ривожланиш тенденцияларини билиш мұхим ахамиятта әга. Бозор муносабатларига асоғланиб қурилған ҳар қандай иқтисодиётда ҳам, иқтисодиёттің шундай жабхалары борки, уларнин бозори йүк ёки бу соҳаларда рақобат мұхитини яратып имкони йўқ. Мисол тариқасида бу соҳаларга армия, милиция, давлат ҳавфсизлик ва бошқарув идораларинин хизматларини көлтириш мүмкін. Бундан ташқари, давлат ақолинин айрим қатламларнин ижтимоий қимоя килем мәксадида, айрим товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил қылиб, уларни ишлаб чиқариш харажатларидан анча паст нархларда ёки бесуп тарқаталы, хизматларни бесуп ёки хизмат харажатларидан анча паст нархларда күрсатади. Одатда, бундай ишлаб чиқариш бирлікларинин олдига күйгән мақсади товарларни сотищдан ва хизматларни күрсатыпдан фойда олиш эмас. Уларнинг мақсади - ақолига ёки ақолининг айрим гурухларига ёрдам күрсатыпдан иборат бўлади. Бу бирліклар, мақсад ва вазифаларига кўра, товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи ва ёрғин бозор баҳоларила сотувчи бирліклардан кескин ажралиб турадилар. Бундан ташқари, одатда бундай бирліклар махсулот учун тўланадиган соликлардан озиг қилинган бўладилар.

МХТда характеристига кўра бозор учун товар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш соҳалари **бозор ишлаб чиқариш** сифатида ҳисобга олинади. Характерига кўра бозор ишлаб чиқариш бўлмаган ишлаб чиқариш соҳалари **нобозор ишлаб чиқариш** сифатида ҳисобга олинади. Нобозор ишлаб чиқаришни бозор ишлаб чиқаришдан фарқлаш учун қўйидаги белгилардан фойдаланиш мүмкін:

-ишлаб чиқарувчи бирлікнинг мақсади фойда олини эмас;

-ишлаб чиқарилған товар ёки хизматларни истеъмолчига етказилгандан олинган даромад, шу товар ёки хизматни ишлаб чиқариш ва етказишга кетган сарф -харажатларни тула копламаслиги.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи бирликнинг ўзининг пировардистеъмоли учун ишлаб чиқарган товар ва хизматлари ўзига хўжалигининг ўзи истеъмоли учун стказган маҳсулоти, ўзи томонидан бажарилган капитал таъмирлаш), нобозор ишлаб чиқариши фаолиятини бажариш мақсадида захирага келиб тушган маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми нобозор ишлаб чиқариши сифатида хисобга олинади.

Бозор ишлаб чиқариш қўйидаги белгилар билан характерланади:

- ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни бозор баҳоларидаги сотилиши;

- ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни бошқа товар ёки хизматлари аз бозор баҳоларидан келиб чиқсан холда алмасиши (баргер операциялари).

Бундан ташкари, бозор ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ходимларига иш ҳаки сифатида берган товар ва кўрсатган хизматлари, тайёр маҳсулот захирасига тушган маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариши ва асосий капиталнинг йитилмаси миқдорлари хам бозор ишлаб чиқариш таркибига киради.

Ҳар доим хам товар ва хизматларни бепул бериш нобозор ишлаб чиқариш бўлавермайди. Бир бирлик гомонидан иккинчи бир бирликка бирор активни, товар ёки хизматни бепул берилиши ёки эвази аҳеч нарса талаб этияласиги тақсимот ва кайта тақсимот оперциясен хисобланади. Одатда, бундай операциялар трансферлар деб юритилади. Бозор ва нобозор ишлаб чиқаришни бир-бирали фарқлаш ва алоҳида-алоҳида хисобга олиш, ишлаб чиқариши жараёнларини кечишини хисобга олишда ва ривожланиши тенденцияларини таҳдил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, айнан бир ҳил ҳажмдаги товар ёки хизматни бозор ва нобозор ишлаб чиқарувчилардаги қўйматлари бир-бирали фарқ қиласди. Масалан, бозор ва нобозор ишлаб чиқарувчи ошхоналарда бир турда и маҳсулотларнинг нархи камидаги фойда нормаси миқдорида бир-бирали фарқ қиласди.

Бозор ва нобозор ишлаб чиқариш ҳажмларини алоҳида хисобга олиш мамлакатда бозор муносабатларининг қандай таркиб тонаётганлигини ва иқтисодий сийосат йўналишларини билишга имкон беради. Бозор иқтисодиётига ўттаётган мамлакатларда, умумий ишлаб чиқариш ҳажмида бозор ишлаб чиқариш ҳажми улушининг динамикада ўсиб бориши иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланаётганлигини, иқтисодиётни бош-

каришда административ-буйруқ усули ўрнини иқтисодий механизмдар орқали бошқариш усули эгаллаётганлигини, бозор учун зарур бўлган рақобат мухитининг яратилаётганлигини билдиради.

Бозор муносабатлари таркиб тоиган ривожланган мамлакатларнинг умумий ишлаб чиқариши ҳажмида нобозор ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиб бориши мамлакатда социал йўналтиришган сиёсат олиб борилаётганлигини билдиради. Бундан кўринниб турибдикি, мазкур хисобот тизими мамлакатда юритилаётган иқтисодий сиёсат<sup>1</sup> натижаларини акс этиради.

#### 4. Иқтисодий фаолият ва унинг турлари

МХТда иқтисодиётда бўлаётган жараёнлар кенг қамраб олинган. Шу сабабли, иқтисодий фаолият кент маънода қаралади. Иқтисодий фаолият деганда, товарлар ишлаб чиқарини, хизматлар кўрсатиш, истеъмол ва жамгарини жараёнлари тушунилади. Иқтисодий фаолиятнинг бу таснифи иқтисодиётла кечакётган жараёнларни гўларок ва аникроқ ифодалашга имкон яратади.

Олдинги мавзуларда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарини тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлигимиз учун, қўйида истеъмол ва жамгарини фаолиятлари мазмунини ёритишга ўгамиз.

Истеъмол деганда, институцион бирликнинг ўзи ёки бонка бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларини ишлатиши (гасарруф этилиши) тушунилади.

Товарлар ва хизматлар нимага ишлатилаётганига караб оралиқ ва яқуний (пировард) истеъмолга фарқланади. Оралиқ истеъмол деб, товар ва хизмагни ишлаб чиқаришда тўлални ича ишлатилган товарлар ва хизматлар микдорига айтилади.

Оралиқ истеъмол ҳаражатлари хисобланадиганда бу ҳаражатларнинг бевосита ишлаб чиқаришда ишлатилганини ёътиборга олиш лозим. Масалан, ишчиларга бепул иш киними ёки суг маҳсулотларини бериш ҳаражатлари ишлаб чиқарини технологиясида кўзда тутилган бўлса, оралиқ истеъмол ҳаражат-

<sup>1</sup> Масалан, бир мамлакат президентлигига помзо чашловодли настурич мамлакатда ижтимоий йўналтиришлан сиёсат юритини вайла берган бўлса, буни қандай текнириши мүмкун? - деган савол туттилди. Ҷонни учун, ячни йўчи маҳсулотда нобозор ишлаб чиқарини улушининг ўтиш йиллариз солинириш кифоя. Нобозор ишлаб чиқарини улушининг ўстанини вайланни баъзи тилиги билдиради

ларига қўшилади. Акс ҳолда, бу харажатлар натура ҳолидаги иш ҳақи сифатида ҳисобланishi керак. Яна бошқа бир мисол. Пойафзал ишлаб чиқарувчи корхона ўз ишчилари ёрдамида бирор иншоот қурди ёки капитал таъмирлади. Бунга килинган сарф харажатлар оралиқ истеъмол ҳисобланмайди. Кайд этилган фаолият ишлаб чиқариш сифатида қаралиши керак. Ишлаб чиқариш натижаси эса, асосий капиталнинг кўпайиши сифатида қайд этилиши тўғри бўлади.

Якуний истеъмол деб, аҳолининг қундалик истеъмол талабларини қондириш учун ишлатилган товар ва хизматлар миқдорига айтилади. Якуний истеъмол товарларига аҳоли ўз эҳгиёжини қондириши учун ишлатадиган барча товарлар(озик-овқатлар, шахсий гигиена маҳсулотлари, кийим-кечаклар, телевизорлар, ва радио-видео аппаратлар, музлатгичлар, бошқа уй-рўзгор буюмлари) киради. Якуний истеъмол хизматларига эса коммунал хизматлар, транспорт ва алоқа хизматлари, медицина, маориф ва бошқа шу каби аҳоли талабини қондиришга қаратилган индивидуал хизматлар киради.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараённида ишлатилаётан хамма товарлар ҳам гўлалигича ишлатилавермайди. Бундай товарларга мисол тариқасида стапокларни, биноларни, ишлаб чиқариш қуролларини, машина ва ускуналарни, компьютерларни ва шуярга ўхшашиб товарларни келтириш мумкин. Булар каби товарлар бир ишлаб чиқариш даври(цикли)да ўз қийматларини тўла йўқотмайдилар. Ўз қийматини бир ишлаб чиқариш даври(бир йил ва ундан кўпроқ вакт)да тўла йўқотмайдиган товарларга капитал товарлар деб юритилади.

Юкоридагилардан маълум бўлдики, иктисадиётда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади ва уларнинг бир қисми оралиқ ва пыровард истеъмол учун ишлатилади. Иктисадиёт бирликлари – корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятлари натижасида маълум бир даромадга эга бўлалилар. Бу даромаднинг бир қисмини ишлаб чиқариш харажатлари (оралиқ истеъмол), амортизация ажратмалари, соликлар ва бошқа тўловлар ташкил қиласи. Хамма харажатлар чиқариб гашлангандан сўнг корхонанинг ўз ихтиёрида қолған миқдор соғ жамғариш дейилади. Агар жамғариш мусбат ишора билан чиқса, корхона ўз фаолиятини соғ фойда билан якунлаган ва у ишлаб чиқарини кенгайтириш учун маблагга эга деб ҳисобланади. Агар, жамғариш манфий ишора билан чиқса, корхона ўз фаолиятини қарз билан якунлаган бўлади.

Мамлакат миқёсида эса, барча иқтисодиёт секторларинин ихтиёрдаги даромадлари йигинглисидан уй хўжаликларинин хақиқий якуний истеъмолини ва асосий қапигалини истеъмоли харажатларини айириб ташласак, мамлакат миқёсидаги соғ жамгариш кўрсаткичига эга буламиз.

## 5. Иқтисодий бирликлар, резидентлик, иқтисодий худуд

МХТда иқтисодий фаолият билан шугулланувчи бирликларни ҳисобга олишда қайта-қайта ҳисобларнинг олдини олиш ва ҳисобларнинг тўлалигини таъминлаш мақсадида институционал бирлик тушунчаси киритилади.

Институционал бирлик ҳеб, иқтисодий фаолият билан шугулланиш ҳукуқига эга бўлган ва бошқа иқтисодий бирликлар билан ўзаро иқтисодий фаолиятда ва операциялар қилиш ҳукуқига эга бўлган ишлаб чиқарувчи бирликларга айтилади.

Институционал бирлик қўйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

- активлар эгаси бўлиши, яъни мустақил равишда ишлаб чиқарган маҳсулоти ва кўрсатган хизматини сотиши, алмашини, тескинга бериб юбориши мумкин;
- ўзига мажбуриятлар олиши (шартномалар тузиши, кредит олиши ва х.к.);
- бошқа бирликлар билан мустақил иқтисодий фаолият ва операциялар олиб бориши;
- бухгалтерия ҳисобини юритиши ёки давлат олдида (конун билан белгиланган тартибда) ҳисоб бериб туриши;
- ўз фаолияти натижасига ўзи жавобгар.

Институцион бирликлар икки турга бўлинади:

- алоҳида шахслар ва уларнинг гуруҳлари - уй хўжаликлари шаклида;
- ҳукукий ва жамоат бирликлари шаклида-улар конун билан белгиланган тартибда гузилан ва тан олинадиган ишлаб чиқарувчи бирликлардир (корхоналар, завод ва фабрикалар, жамоат ташкилотлари, хиссалорлик жамиятлари, корниорациялар, кичик ва ўрта ишлаб чиқарувчи корхоналар, вазирликлар ва бошқа бошкарув идоралари).

Бир неча кишидан иборат уй хўжаликларининг аъзолари алоҳида-алоҳида институцион бирлик хисобланмайди, улар ягона бирлик сифатида қаралади. Бунга сабаб, уй аъзолари биргаликда харажат қиласидилар, уларнинг харажатларини алоҳида-алоҳида хисоблаш кийин.

Институцион бирликлар ўз фаолиятларини юритишда бошқа мамлакат институцион бирликлари билан иқтисодий операциялар қилишлари мумкин. Шу сабабли, бу бирликларни бир-биридан фарқланаш мақсадида резидентглик тушунчаси киритилдади.

Резидент институцион бирлик деб, иқтисодий манфаати (қизиқиши) шу мамлакатнинг иқтисодий ҳудудига қаратилган (ёки жойлашган) институцион бирликларга айтилади.

Иқтисодий қизиқиши қуйидаги белгилар мавжудлигига содир бўлади:

-доимий яшаш учун турар жойи бўлса;

-узоқ муддат давомида (одатда, бир йил ва ундан ортиқ) иқтисодий фаолият олиб бориши учун ишлаб чиқариш жойлари бўлса.

Бошқа мамлакатнин резидент бирликлари биз учун норезидент бирликлар хисобланади.

Мамлакатда жойлашган чет эл элчихоналари, ҳалқаро ва дипломатик ташқилотлар, қисқа муддатга (одатда, 1 йилдан кам) келган мавсумий ишчилар, артистлар, спортчилар, туристлар ва ҳ.к.лар резидент хисобланмайди.

Мамлакатлар ўз жўғрофий ҳудудларидан ташқарида ҳам иқтисодий ҳудудларга ёки резидент бирликларга эга бўлишлари мумкин. Масалан, мамлакатнинг дунё океанида иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқи бўлса, бу ҳудуд шу мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди хисобланади. Бу ердаги иқтисодий фаолият эса резидент бирликнинг фаолияти ҳисобланади. Бундан ташқари, бир мамлакат иккинчи мамлакат жўғрофий ҳудудида нефть, газ, олигин, кўмир ва бошқа маъданларни ишлаб чиқариш ҳуқуқини шартнома асосида қўлга киритиб, бу ерда ишлаб чиқаришини ташкил қиласиган бўлса, бу институцион бирлик, шу мамлакатда узоқ муддатда бўлишига ва муқим инш жойига эга бўлишига қарамай, бу мамлакат учун резидент бирлик хисобланмайди.

Юқорида келтирилган фикрларга кўра, иқтисодий ҳудуд жўғрофий ҳудуддан бирмунча фарқ қиласига экан. Иқтисодий ҳудуд деянда, резидент бирликларнинг шу мамлакат жўғрофий ҳудуд

дида ва мамлакат ташқарисида, бошқа мамлакатлар жүргрофий худудида ва дунё оксанида иқтисодий фаолият күрсатыши хуқуқига эта бўлган худудлари мажмуаси тушунилади. Одатда, иқтисодий худудда шахслар, товарлар ва капитал эркин харакатда бўлади.

Миллий иқтисодиёт ва ташки дунё тушунчалари жүргрофий худуд, миллий валюта ва миллатга эмас, балки резидентлик кри-терийсига қараб аниқланади. Миллий иқтисодиётнинг натижалари резидент институцион бирликларнинг иқтисодий фаолиятлари натижаларининг мажмуасидан иборат бўлади.

*Резидентлиликни аниқлашдаги муаммоли ҳолатлар.* Қуйидагилар шу мамлакатнинг резидент бирлиги ҳисобланмайди:

- резидент бирликлар томонидан ва улар иштирокида ташкил қилинган чет элдаги қўшма ёки бошқа корхоналар;
- мамлакатда жойлашган халқаро ташкилотлар;
- мамлакатда фаолият кўрсатувчи норезидент бирликнинг мустакил бўлмаган бўлимлари ва вакиллари (қурилиш, кутқарувчилар, мураккаб техника ва ускуналарни созловчилар, маслаҳатчилар ва х.к.);
- мамлакатда жойлашган армия бўлинмалари;
- муддатидан қатъиназар, шу мамлакатда ўқиётан чет эллик студентлар, малака оширувчилар, даволанувчилар;
- шу мамлакатта инвестиция киритувчи чет эллик инвесторлар, халқаро ташкилотлар ва банклар (Халқаро валюта фонди, Дунё банки, Осиё ривожланиш банки ва х.к.).

## IV боб. Миллий ҳисоблар тизимидағи мұхим түшунчалар ва таснифлар

### 1. Иқтисодий операциялар, оқимлар ва захиралар

Институцион бирликлар ўртасидаги ҳар кандай иқтисодий маңынға зәға бўлган муносабатлар-иқтисодий операциялар дейилади. Иқтисодий операциялар икки бирлик ўртасида бўлади ва иккала бирлик бу муносабатни иқтисодий операция сифатида қайд этади. Масалан, А бирлик В бирликка 1000 сўмлик товарни сотди. Бу товар айирбошли операцияси хисобланади. Агар, А бирлик резидент институцион бирлик, В-норезидент бўлса, бу операция А учун экспорт, В учун эса импорт операцияси хисобланади. Майдумки, иқтисодистда минглаб институцион бирликлар мавжуд. Улар ўртасида миллионлаб операциялар бажарилади. МХТда операцияларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки маълум тартибда гурухланган ҳолда тармоқ ва секторлар миқёсида қайд этилади.

Иқтисодий операциялар қўйидаги гурухланади:

- товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни айирбошли, ишлатиш ва истеъмол килиш билан боғлик операциялар;

- даромад тақсимоти ва қайта тақсимот операциялари;

- молия инструментлари билан боғлик операциялар(молия активлари ва пассивларига зәға бўлиш, уларнинг ўзгариши, кредитлар олиш ва бериш, қарзларни тўлаш, дивиденdlар ва фоизлар олиш ва тўлаш, қарздан воз кечиш ва х.к.);

- табиий оғнатлар, урушлар натижасида активларнинг ўзгаришини ифодаловчи бошқа операциялар.

Операцияларга тармоқ ва секторлар ўртасидаги товар ва хизматларни айирбошли, улар ўртасида даромадларнинг тақсимоти ва қайта тақсимоти, ички иқтисодист секторлари билан норезидент бирликлар(ташқи дунё сектори) ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи операцияларни мисол килиб кўрсатиш мумкин.

Операцияларни қайд этишда *оқимлар ва захираларни* фарқлаш лозим.

*Окимлар* - қузатилаётган маълум бир даврдаги иктиносидий ўзгаришларни ифодаловчи операциялардир. Масалан, товар ва хизматни айирбошлиш, актив ва пассивларнинг ўзгаришини ифодаловчи операциялар, маълум бир даврдаги ишилаб чиқариш ҳажмини ёки олинган (ёки берилган) даромадларнинг миқдорини қайд этувчи операциялар окимга мисол бўла олади.

*Захиралар* эса – иктиносидий ўзгаришларни маълум бир санадаги ҳолатини ифодаловчи операциялардир.

Мисол тариқасида, омбордаги маҳсулотларнинг ой бошидаги ёки охиридаги ҳолатини, асосий капиталнинг маълум санадаги ҳолатини, аҳолининг йил бошидаги ва охиридаги ҳолатини, мамлакатнинг олгин ва валюта захираларининг маълум бир санадаги ҳолатини ифодаловчи операцияларни келтириш мумкин.

Одатда, оким ва захира операциялари ёрдамида биридан иккинчисини келтириб чиқариш мумкин. Масалан, давр бошидағи ва охиридаги захиралар ўртасидаги фарқ, шу ўтган даврдаги ўзгариш(оким)ларни ифодалайди. Динамикада окимларни ифодаловчи кўрсаткичлар орқали захира кўрсаткичларини топиш мумкин. Масалан, ишилаб чиқариш ва сотиш ҳажмини билган ҳолда омбордаги маҳсулотнинг маълум бир санадаи ҳолатини билиш кийин эмас. Бир даврдаги оким ва захирани ифодаловчи кўрсаткичлар орқали, шу даврга ёки кейинги даврлар учун оким ёки захира характеристидаги кўрсаткичларни топиш мумкин. Масалан, тайёр маҳсулот захирасининг давр боши ва охиридаги ҳолати ҳамда шу даврдаги сотиш ҳажмини билган ҳолда ишилаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш мумкин.

## 2. Икки томонлама ва бир томонлама операциялар

Одатда, операциялар икки бирлик ўртасида бўлади. Масалан, бир бирлик иккинчи бирликка товар ёки бошқа активни берса, иккинчи бирлик бунинг эвазига бошқа активни(шу товар кийматига тенг пул, товар, хизмат) беради ёки шу товар қиймати миқдорида қарз(мажбурият) бўлади. Бундай характердаги операциялар икки томонлама операциялар дейилади. Бу операцияларда ҳар доим бир томоннинг иккинчи томонга талаби ортса, ўз навбатида, иккинчи томоннинг биринчи томон олдидаги *мажбурияти* оргади.

Иқтисодиётла шундаі операциялар борки, бу операцияларда бир бирлик иккінчи бирликка ўз товар ва хизматларини, бошқа активларини берганды әзатига иккінчи бирликтен ҳеч нараса талаб қылмайды, яғни бириңчи бирликтің *талаби*, иккінчи бирликтің эса — *мажбурияти* ошмайды. Бу характеристикалық операциялар *трансфертлар* дейилади.

Трансфертлар - бир томонлама иқтисодий операциялардан иборат. Бу операциялар орқали бир институцион бирликтің бошқа институцион бирликтарга товар ва хизматларни, молиявий ва номолиявий активларни, номоддий активларга әгалік хукуқини бепул беріш операциялари акс эттирилади.

Трансферт операциялари мамлакат иқтисодиётінде ишпирок этувчи резидент институцион бирликтар ва резидентлар билан норезидентлар ўргасыда бўлиши мумкин. Норезидентлар билан бўладиган трансферт операциялари тўлов балансыда ва МХТнинг ташки дунё счёtlаридаги қайларни.

МХТда трансфертлар характеристига кўра - *жорий* ва *капитал* трансфертларга ажратилади. Тўлов баланси методологиясида улар 1993 йилгача жорий ва капитал трансфертларга ажратилмаган. Тўлов балансининг 1993 йилги нашрида МХТдаги каби жорий ва капитал трансфертлар алохидаги операциялар сифатида қайларни.

МХТда жорий трансфертлар *пур ва натура холидаги жаромалларни қайта тақсимлаш* счёtlаридаги қайд қилинса, капитал трансфертлар капитал харажатлар счётида қайд қилинади. Тўлов балансида эса, жорий трансфертлар *жорий операциялар* счётида, капитал *трансфертлар капитал операциялар* счётида қайларни.

Трансфертларнинг жорий ва капитал трансфертларга ажратилишининг сабаби уларнинг кейинчалик қай тарзда ишлатилишига боялик. Агарла трансферт сифатида бериладиган ёки олинаётган активлар ишлаб чиқариш воситаеси сифатида ишлатилса, бундай активлар капитал трансфертлар, оралик ва якуний иетсемол сифатида ишлатилса - жорий трансфертлар хисобланади. Одатда, капитал трансфертлар бир хисобот йилидан кўпроқ вактда<sup>1</sup> ишлатиладиган активлардан иборат бўлади. Яғни, бу

---

<sup>1</sup> Уй хўжаликлигини ўз аъзолари фойдаланишлари учун согиб олинган автомобиллар, телевизорлар, музказичлар ва бонка рузгорла фойдаланилган техник асбоб-ускуналар капитал трансферт саналмайди

активлар бир ҳисобот йилида ўз қийматини йўқотмайди ва кейинги даврларда ҳам ишлаб чиқарувчи асосий восита сифатида ишлатилади. Жорий трансферлар – бир ҳисобот даврида истеъмол қилингани учун, кейинги даврларда уларнинг қиймати нолга тенг бўлади. Улар счетларда оралиқ ва пировард истеъмол сифатида қайд этилади.

Капитал трансферт операциялари эвазига ҳеч қандай актив талаб қилинмасдан бериладиган (ёки олинадиган) операциялар киради. Уларга ишлаб чиқарилмаган (масалан, ер ва конлардан фойдаланиш хукуки), номоддий характердаги активлар(масалан, патентлар, товар белгиларидан ва муаллифлик хукувидан фойдаланиш хукуки), иш жойлари, иншоотлар, станоклар, машина ва механизмлар, технологик линиялар ва шу каби активлар билан боғлиқ операциялар киради<sup>1</sup>. Булардан ташқари, капитал трансферларни норезидентларга берилганда олинадиган соликлар<sup>2</sup> (меросга ва совга сифатида берилганда олинадиган солик, берилган мулкдан солик) ва қарздан воз кечиш операциялари ҳам капитал трансферт операциялари ҳисобланади.

Жорий трансферларга капитал трансферлар таркибида киритилмаган барча трансферт операциялар киради. Уларга истеъмол товарларини ва хизматларни бошқа бирликларга бепул бериши ва кўрсатиш; инсонпарварлик ва техник ёрдамлар кўрсатиш мисол бўла олади.

Трансферлар пул ва натура ҳолатида берилиши мумкин. Пул ҳолатидаги трансферлар бир бирликнинг иккинчи бирликка накд пул ёки ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан берилган пул микдоридан иборат. Натура ҳолатидаги трансферлар леганда, бир бирликнинг иккинчи бирлик эвазига ҳеч нарса олмай, товар ва активларни бериш ҳамда хизматларни кўрсатиш жараёни

<sup>1</sup> Харбии мақсадларда фойдаланиш учун берилган ҳарбии техника ва қуроллар капитал трансферлар ҳисобланмайди. Улар қабул қилинсан коилага кўри, асосий фонилар каторига қўшилмайди ва жорий трансферт сифатида ҳисобланади. Агарла, иллари ҳарбий мақсадларда фойдаланишган машина ёки техника воситалари бошқа ишлаб чиқарувчи бирликларга бепул берилса, бу капитал трансферт ҳисобланади юнусининг асосий воситаси саналади.

<sup>2</sup> Масалан, уй-жой чег ўддати меросхурга берилсан вақидишу давзат қонунларига белгиланган гартибла меросхур-премьерлент солик тўйлайди. Кейинчалик меросхур-премьерлент уй-жой учун мулк солиги тулааб туради. Агарда, кейинчалик меросхур-премьерлент резидентга айланса, мулк солиги капитал трансферт бўлмайди.

тушунилади. Натура ҳолатидаги трансферлар улар олинган(бесирлган) давр бозор баҳоларидаги микдорида қайд этилади.

МХТда ҳар бир операция 2 мартадан қайд этилади. Икки томонлама операцияларда бу ҳолат активни берган бирлик счётининг “ишлатилиши” тарафида қайд этилади. Активни олган бирлик учун - счётининг “ресурс” тарафида қайд этади. Трансферлар эса, мос равища олингани “ресурс”да, берилгани “ишлатилиши”да “трансферлар” деб қайд этилади.

Операцияларни қайд этишда жорий ва капитал харажатларни фарқлаш лозим. Капитал операцияларга икки бирлик ўргасидаги ишлаб чиқариш воситалари(ср, бинолар, иншоотлар, станоклар, техник курилмалар ва ускуналар, машиналар ва х.к) ни айирбошлиш жараёнлари киради. Ишлаб чиқарувчи бирликлар ўргасидаги капитал операциялар натижасида бир томоннинг асосий капитали канчага кўпайса, иккинчи томонники шунчага камайди.

Операцияларни қайд этишда, уларнинг қайси гурухга ва қайси бирликларга тегишилигини билиш мухим аҳамиятга эга. Масалан, товар ва хизматларни сотищдан, трансферлар сифатида, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида олинган даромадларни бир-биридан фарқлаш лозим. Уларнинг фарқланмаслии мамлакат миқёсида даромадларни хисоблашда ноаникликларга олиб келади. Хулоса килиб айтганда, ишлаб чиқариш натижасида яратилган даромадларни иқтисодий бирликлар ўргасида шакланниши, тақсимот ва қайта тақсимот операцияларини белтиланган тартибда мос счёларда алоҳида-алоҳида қайд этилиши лозим.

### 3. Миллий ҳисоблар тизимида даромадлар, сарфлар

Иқтисодиётда қатнашувчи бирликлар ўз фаолиятларини юритиши учун маълум бир даромад манбасига эга бўлишлари мумкин. Маблағиз иқтисодий фаолият юритиш мушкул. Ҳар турдаги институцион бирликлар учун даромад манбай турлича бўлади. Масалан, бозор учун товар ва номолиявий хизматлар, ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий даромад манбай шу товар ва хизматларни сотищдан тушган тушумлардан, мулкан олинган

даромадларидан<sup>1</sup> ва трансфертлардан иборат бўлини мумкин. Бир қараашда бу даромадларнинг ҳаммаси шу корхонаникдек қўринади. Аслида эса, корхона яратган даромадларининг бир қисминигина ўз ихтиёрида қолдириши ва ўзи хоҳлагандек ишлатишни мумкин. Яъни, корхона даромадининг кўп қисми бошқа бирликларга тегишли эканлигини яққол қўриш мумкин. Масалан, иш ҳақи ишчиларники, соликлар давлат бошқарув идоралариники, ишлаб чиқаришида ишлатилган товар ва хизматлар сарфи эса шу товар ва хизматларни ишлаб чиқарган ишлаб чиқарувчи бирликларни кидир. Бундан, шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай тушумлар ҳам шу бирликнинг даромади бўлавермайди.

МХТда даромадлар кўйидаги турларга бўлинали:

- бирламчи даромадлар;
- ихтиёрдаги даромадлар;
- ўзгартирилган ихтиёрдаги даромадлар.

Бирламчи даромадларга иқтисодий бирликларнинг ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашгани учун ва мулкдан олинган даромадларга айтилади. Бирламчи даромадлар таркибига иш ҳақи, соликлар ва субсидиялар, фойда ва аралаш даромад, олинган фоизлар ва дивиденслар киради.

Ихтиёрдаги даромадлар таркибига бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар сальдоси киради.

Ўзгартирилган ихтиёрдаги даромад қўрсаткичи-давлат бошқарув идоралари, уй хўжаликларига хизмат қўрсатувчи нотижорат ташкилотлар ва уй хўжаликлари секторларига хос бўлган қўрсаткич хисобланади. Бу қўрсаткич, юкорида санаатган секторлар “ихтиёрдаги даромад” қўрсаткичларини натура ҳолидаги трансферт операциялари хисобига ўзгаришини ифодалайди(VII бобга қаранг).

Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи бирликлар ўртасидаги айирбошлиш операцияларида бир бирлик учун даромад хисобланган операция иккинчи бирлик учун сарф-ҳаражат хисобланади, ёки аксинча, бир бирлик сарф-ҳаражат қилса, иккинчи бирлик учун даромад хисобланади. Демак, даромадлар билан

---

<sup>1</sup> Иш ўринлари (масалан фермалар) олга да турган сри билан бирталиклла ижарата берилади. Бундай ҳолатларда иложи бўлса ер рентаси микдори алоҳида хисобланади. Чунки рента мулкдан олинган даромад, ижара эса хизмат (яъни ишлаб чиқарини) хисобланади. Бунинг иложи бўлмаса, ернинг қиймати уй-жонини билан кўп бўлса ижара суммасининг ҳаммаси рента ёки акс ҳолда ижара хизмати сифатига қаралади.

сафлар бир вақтда содир бўлади ва иккала бирлик счёгларида алоҳида-алоҳида операция сифагида қайл этилади.

#### 4. Миллий ҳисоблар тизимида соликлар, субсидиялар ва уларнинг таснифи

##### *Асосий тушунчалар ва гаърифлар.*

Институционал бирликлар томонидан давлат бирликларига мажбурий (конун билан белгилантган тартибда) равишда тўланадиган ва ўрни қопланмайдиган тўловларга *соликлар* дейилади.

*Субсидиялар*<sup>1</sup> - давлат томонидан институционал бирликларга ишлаб чиқариш фаoliyatiini юритиш, четга товар ва хизматни сотин ва бошқа фаoliyatlariдаги харажатларини қисман қоплан учун тўланадиган ва қайтариб олинмайдиган тўловлардан иборат. Аслини олганда соликлар ва субсидиялар характеристига кўра бир-бирига ўхшаш. Бири институционал бирликлар томонидан давлат бирликларига тўлансан, иккинчиси аксинча. Шу сабабли, субсидияларни минус ишорали соликлар деб қараш мумкин. Уларнинг таснифи, тўлов кўрининшилари ва иктисодиётда улар бажарадиган вазифалар ҳам ўхшаш.

Соликлар ва субсидиялар пул, товар ва хизмат кўрининшида бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда, улар яширин кўрининшида бўлиши мумкин. Агар ишлаб чиқарувчи товар ва хизматни бозор баҳосидан паст нарх билан давлатга сотса, бозор баҳоси билан сотиб олинган нарх ўртасидаги фарқ яширин солик бўлади. Аксинча, эса субсидия бўлади. Бундан ташқари, иктисодиётда бир неча валюта айирбошлиш курслари мавжуд бўлганда ва ташки савдо эркинлашмаган ҳолатларда ҳам яширин соликлар ва субсидиялар мавжуд бўлиши мумкин.

Солик ва субсидияларнинг иктисодиётни бошқаришида тутган ўрни ва вазифаси жуда муҳим. Бозор иктисодиётида мамлакат иктисодиётини бошқариши ва уни керакли томонга йўналтириш бошқа молиявий воситалар билан бирга соликлар ва субсидиялар ставкаси орқали амалга оширилади. Шу сабабли,

<sup>1</sup> Бевосита субсидияларни ташқари билвосига субсидияларни англанг муҳим аҳамиятига эга. Масалан, бундай субсидиялар, институцион бирликларнинг чең эл валютасини бозор курсидан наст курсларда миллий валютага алмандиртишларила, банк кредитларини бозор ставкаларидан наст фонз ставкаларира олланларила ва шу каби ҳолаларда нашло бўлади

солиқ ва субсидияларнинг табиати ва таснифини тұғри ифодалай мұхим ахамияттаға эга.

**Солиқлар** ва субсидиялар мөхияттыға ва тұланиң жараённан күра бир неча турларға бўлинади.

**Қўшилган қиймат солиги** - товар ва хизмат тайёр бўлгандан сўнг ва ишлаб чиқарувчи бирлик томонидан истеъмолчига берилаетган(состаётган, айирбошлаётган) вақтда тўланадиган солиқ бўлиб, уни истеъмолчилар тўлайди. Солиқка тортиш базаси сифатида ишлаб чиқарувчи бирликнинг шу товар ва хизматни яратишдаги хиссаси, яъни қўшилган қиймати олинади.

**Импорт солиги** - товар ва хизматлар норезидентлардан резидентларга ўтганда тўланадиган солиқ бўлиб, товар ёки хизматларнинг божхона(давлат) чегарасидан ўтиш вақтида тўланади. Солиқ ставкаси сифатида жорий баҳолардаги импорт хажми олинади.

**Экспорт солиги** - товар ва хизматлар резидент бирликлардан норезидент бирликларга ўтганда тўланадиган солиқ бўлиб, товар ва хизматлар иқтисодий худуддан чиқиб кетиш вақтида тўланади. Солиқ ставкаси жорий баҳолардаги экспорт хажмига нисбатан белгиланади.

**Бевосита ишлаб чиқариш учун соликлар** - ишлаб чиқарувчи бир-ликларнинг ишлаб чиқариш жараёнида олган фойдаларидан (даромадларидан) тўланадиган соликлардан иборат, амалиётда у тўғри солиқ деб ҳам юритилади. Бу солиқ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ер, иш жойлари, иншоотлар ва бинолар, инчи кучидан фойдаланганиларни учун тўланадиган соликлар(ср ва мулк солиги, экология, транспорт тўловлари ва х.к.)дан иборат.

**Махсулот ўчун солик** - ишлаб чиқарувчи бирликларнинг товар ёки хизматни бошка институционал бирликларга сотиш (ёки бериш ва алмашиш) вақтида тўлайдиган солиги бўлиб, товар ва хизматнинг микдорига нисбатан аниқланади ва у амалиётда эгри солиқ деб ҳам юритилади. Солиқ ставкаси маҳсулот хажмига нисбатан белгиланади. Мисол тарикасида маҳсулот учун соликларга қўшилган қийматта акциз соликларини келтириш мумкин.

*Бевосита ишлаб чиқариш учун субсидиялар* - институцион бирликларнинг маълум бир иктисодий фаолият билан шугулланганликларини кўллаб-кувватлаш максадида давлат томонидан тўланган тўловлардан иборат. Масалан, корхона учун ташки муҳитга экологияни бузувчи чикитлар миқдорини камайтирадиган технология жорий этгани учун субсидия берилиши мумкин. Ёки, электр ишлаб чиқариш станциясида газ ўрнига кўмир ишлатгани учун, импорт товарларни ишлатувчи корхонага маҳаллий хом ашё ишлатгани учун субсидиялар жорий килиниши мумкин.

*Маҳсулот учун субсидиялар* - давлат томонидан институционал бирликларга ишлаб чиқарган товарлари ёки кўрсатган хизматларининг хар бир бирлигига нисбатан бериладиган тўловлардан иборат. Маҳсулот учун соликларнинг бир кисемини ишлаб чиқарувчи бирликларда қолдирилиши ҳам субсидия сифатида ҳисобга олинниши лозим. Масалан, корхона учун солик базаси 1000 бирлик ва қўшилган қиймат солиги ставкаси 20% белгиланган бўлсин. Соликнинг 40%ини (яъни ставканинг 8%) корхона ихтиёрида қолдириш белгиланган бўлсин. Бу мисолда қўшилган қиймат солиги 200га тенг ва маҳсулот учун субсидия 80 га тенг бўлади.

*Импорт субсидияси* - давлат томонидан институционал бирликларга, уларнинг резидент бирликларга белгиланган турдаги импорт маҳсулотини етказган ёки хизматини бажарган вактларида бериладиган тўловлардан иборат. Импорт субсидияси ставкаси, одатда, импорт ҳажмига мос равишда белгиланади. Масалан, корхона чет элдан аҳоли учун зарур маҳсулотни импорт қилиши ва ички бозорда сотиши натижасида зарар кўрса, бундай холларда, ички бозорда бу маҳсулотлар танқислигининг ва нархининг кўтарилишини олдини олиш мақсадида, импорт субсидияси белгиланиши мумкин.

*Экспорт субсидияси* - давлат томонидан институционал бирликларга улар товар ёки хизматларни экспорт қилганларида бериладиган тўловлардан иборат. Экспорт субсидияси ставкаси экспорт ҳажмига мос равишда белгиланади. Экспорт субсидияси ички бозорда товарларнинг кўпайиши натижасида унинг нархини кескин тушиб кетишини олдини олиш(ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш) ва бу турдаги товарларни экспортга йўналтиришни рагбатлантириш мақсадида берилади.

*МХТда соликлар ва субсидиялар таснифи. МХТда соликлар таснифи күйидагиша:*

- I. Жорий соликлар(1 + 2)
  1. Ишлаб чиқариш ва импорт соликлари(1.1+1.2)
    - 1.1.Маҳсулот учун соликлар(күшилганкүймат солиги, акцизлар ва бошқалар)
    - 1.2.Бевосита ишлаб чиқариш учун соликлар (ср, бинолар, иншоотлар ва ишчи кучи учун соликлар, экология ва йўл солиги, лицензия тўловлари, молия операциядари солиги ва бошқалар)
  2. Даромад ва мулк соликлари (фойдадан солик, даромад солиги, ишлаб чиқаришида ишлатилмайдиган мулк солиги)
- II. Капитал соликлар (меросдан қолган мулк, совга қилинган мулк ва бўшқа капитал операциялар солиги)
- III. Ҳамма соликлар(I-II)

Субсидиялар характеристига кўра капитал кўри нишида бўлмайди. Давлат томонидан бепул берилган капитал трансферлар, одатда давлат томонидан киритилган инвестиция сифатида талқин қилинади. Шу сабабли, субсидиялар жорий трансферлар кўринишида бўлиб, институцион бирликларга маълум бир фаолият билан шугулланганиллари ва ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир технологияларни(масалан, энергияни тежашга, экологияни ва камёб табиий ресурсларни тежашга қаратилган технологияларни) кўллаганларни учун берилиши мумкин. Бундан ташкари, субсидиялар экспорт ва импортни мувоффлаштириш, валюта тушумларини кўнайтириш, тежаш ва ташки бозорни саклаш (ёки эгаллаш), ички бозорда нарх-навони мувоффлаштириш максадида ҳам берилиши мумкин. Субсидиялар таснифи ишлаб чиқариш ва импорт соликлари таснифи билан бир хил. Яъни, субсидиялар ҳам маҳсулот учун субсидияларга ва бевосита ишлаб чиқариш учун субсидияларга ажратилади.

## **5. Миллий хисоблар тизимида операцияларни баҳолаш қоидалари ва баҳолар тизими**

Операциялар улар содир бўлган даврдаги бозор баҳоларида қайд этилади. Бозор баҳолари талаб ва таклифдан келиб чиққан холда аниқланади. Иктисолиётда бўлаётган иктисолий жараёнлар кенг қамровли бўлиб, унда бир қанча иштирокчилар ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи сифатида қатнашадилар. Товарни

ишилаб чиқаришдан то истеъмолчига етиб боргунча унинг ишлаб чиқарувчилиги, сотувчилиги ва сотиб олувчилиги баҳолари турли-ча бўлиши мумкин. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарувчидан бошқа бирликларга сотилаётганда маҳсулот нархига кейинчалик, маҳсулот учун соликлар, транспорт ва савдо устамалари кўшилиб, маҳсулот истеъмолчига етиб боргунча унинг нархи ўзгариб боради.

Шу сабабли, бу жараёнларни ҳисобга олишда қайта ҳисобларга йўл кўймаслик ва уларни ўзаро мувоғиклаштириш ягона баҳолаш тизимини ишилаб чиқишини талаб этади.

МХТда иктиносидий жараёнларни ҳисобга олишда, омил баҳосидан, асосий баҳодан, ишилаб чиқарувчининг баҳосидан ва сотиб олувчи (истеъмолчи)нинг баҳосидан фойдаланиш мумкин. Бу баҳоларнинг таркиби ва биридан иккинчисини келтириб чика-риш гартиби қўйидаги схемада келтирилган:

### *МХТда баҳолар тизими*

Оралиқ истеъмол	Омил баҳоси	Асосий баҳо	Ишилаб чиқарувчи баҳоси	Сотиб олувчи баҳоси (истеъмолчи) баҳоси
Мехнат ҳаки				
Ялти фойла				
Бевосита ишилаб чиқарини учун соғ соликлар				
Маҳсулот учун соғ соликлар				
Савдо-транспорт устамаси				

Бу баҳоларнинг таркибини чукурроқ билиш бир баҳодан иккинчисига ўтишида катта аҳамиятга эга. Шу сабабли бу баҳоларни ташкил қилувчи омилларга тўхталиб ўтамиш.

Омил баҳоси таркибига ишилаб чиқарувчи бирликнинг оралиқ истеъмолла ва ишчи кучига килисан харажатлари (мехнат ҳаки) хамда ялти фойда микдори киради.

*Оралиқ истеъмол* таркибига ишилаб чиқаришда бошқа ишилаб чиқарувчи бирликлардан олиб ишлатилган ва ишилаб чиқарилган товар ёки хизматни сотиш қийматига киритилган товар ва хизматлар микдори киради.

*Мехнат ҳаки* таркибига ишилаб чиқарувчи бирликнинг ишчи-хизматчиларга берган иш ҳаки ва иш ҳаки характеристидаги тўловлари (кўшичча иш ҳаки, мукофотлар, натура ҳолидаги иш ҳаки) ва мажбурий ижтимоий сугурта тўловлари киради.

*Ялпи фойда* – ишлаб чиқарувчи бирликнинг ишлаб чиқаришдан олган ялпи фойдасидан иборат.

Асосий баҳо омил баҳо билан бевосита ишлаб чиқариши учун соф соликлар йигиндисидан иборат.

*Бевосита ишлаб чиқариш* учун соф соликлар ишлаб чиқарувчи бирликнинг бевосита ишлаб чиқариши учун тўлаган соликларидан давлатдан олган шу турдаги субсидияларни айриши натижасида топилади.

Ишлаб чиқарувчи баҳоси - асосий баҳо билан маҳсулотлар учун соф соликлар йигиндисидан иборат.

*Маҳсулотлар* учун соф соликлар ишлаб чиқарувчи бирликнинг маҳсулот учун тўлаган соликларидан шу турдаги субсидияларни чегриши натижасида топилади.

Истъмолчи баҳоси ишлаб чиқарувчи баҳоси билан савто-транспорт устамаси йигиндисидан иборат.

*Савдо-транспорт* устамаси эса савдо ва транспорт ташкилотларининг товарни истъмолчига стқазишлаги хизматлари учун оладиган миқдордан иборат.

## 6. Иқтисодий актив ва пассив тушунчалар, уларнинг таснифи

Институцион бирликларнинг эгалик ҳукуқини тарқатиш мумкин бўлган ва уларни ишлатганда, бошқа бирликларга берганда ҳамда алмашганда бирор наф келтириши мумкин бўлган иқтисодий обьектларга активлар дейилади. Активларни беришдан ва олишдан кўзланган *нафлар* - турли хил мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Масалан:

- бир актив ўрнига бошқа турдаги активларни олиш ва улардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш;
- активларни маълум муддатларга бериш ва эвазига даромадлар ( фоизлар, дивиденdlар) олиш;
- активларни ижарага бериш ва ижара тўловлари олини;
- активларни бепул, инсонпарварлик ёки техник ёрдам сифатида бериш(маънавий наф) ;
- активлардан жамғариш воситаси сифатида фойдаланиш ва ҳ.к.

Одатда, бир бирлик ўз активини иккинчи бирликка иқтисодий наф олиш мақсадида берганда шу активга эквивалент миқ-

дордаги бошқа активга эга бўлиши керак. Лекин, амалиётда активларнинг эквивалент алмашиши ҳар доим ҳам бир вақтда содир бўлавермайди. Шу сабабли, олинган актив эвазига ҳали қайтариб бсримаган актив микдори иккинчи бирлик учун вақтинча( яъни қайтариб бергунча), биринчи бирлик олдида қарз ёки мажбурият хисобланади. Одатда бу мажбурият микдори иккинчи бирлик учун пассив бўлади. Активларнинг институцион бирликлар ўртасида алмашиши томонлар ўртасида мос равища бир томонда актив сифатида қайд этилса, иккинчи томонда пассив сифатида қайд этилади. Агар активларни беришдан мақсад иктиносидий наф кўриш бўлмаса, яъни эвазига эквивалент актив талаб этилмаса, бундай операциялар иккала томонда ҳам мос равища трансферт сифатида қайд этилади.

Иктиносидётда институцион бирликлар ўртасида турли-туман активлар алмашуви содир бўлади. Уларнинг ҳар бирини мамлакат миқёсида алоҳида-алоҳида қайд этиши амалий жихатдан мумкин эмас. Шу сабабли, уларнинг моҳиятига, келиб чиқишига, бажарадиган вазифасига ва бошқа белгиларига қараб гурухлаш иктиносидий жараёнларни хисобга олишда ва ёритишда катта аҳамиятга эга.

МХТда активлар куйидагича гурухланади:

1. Номолиявий активлар

1.1. Ишлаб чиқарилган активлар

1.1.1. Моддий асосий фонdlар

(*Уй-жой, бино ва иншоотлар, конлар, иш ўринлари, станок ва ускуналар, узумзорлар, мевазорлар, ишлаб чиқаришда фойдаланиластган чорва моллари ва ҳ.к.)*

1.1.2. Моддий айланма маблаглар

(*Захирацаги тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бутловчи материаллар, туталланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотлари, қайта сотиш учун олинган товарлар*)

1.1.3. Кимматбаҳо буюмлар, қийматини узоқ муддатларгача сақлайдиган моддий активлар

(*Кимматбаҳо металлар, тошлар ва улардан тайёрланган буюмлар, санъат асарлари*)

1.2. Номоддий активлар

1.2.1. Номоддий асосий фонdlар

(*Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган компьютерлар дастурий тэъминотлари ва ахборот базалари, геология-*

*қидирудүр ишларига бўлган сарфлар, яратилган алабий, илмий ва балий эсарлар асл нусхалари ёки уларга эгалик ҳуқуки)*

**2. Ишлаб чиқарилмаган активлар**

**2.1. Моддий активлар**

*2.1.1. Ер (бинолар, иншоотлар, йўллар, сув омборлари жойлашган срлар, қишиюқ хўжалигини юритишида ишлатилилган срлар)*

*2.1.2. Конлар (кўмир, нефть, газ, рангли металлар, ҳар хил руда конлари)*

*2.1.3. Табиий биологик ресурслар (ўрмонлар, ёввойи хайвонлар, габний сув ҳавзаларидаги батиклар ва бошқа фойдаланилган маддуотлар)*

*2.1.4. Сув ресурслари*

**2.2. Номоддий активлар**

*(патентланган иқтисодий обьектлар, ср ёки бошқа ишлаб чиқариш ўринларига ижара ҳуқуки, фаолият турни ёки ишлаб чиқариш технологиясига авторлик ёки эгалик ҳуқуки, ҳали ишлаб чиқарилмаган активларга эгалик ҳуқуки ва ҳ.к.)*

**II. Молиявий активлар**

**1. Монстар олтин**

**2. Накд пуллар ва депозитлар**

**3. Қимматбаҳо қоғозлар (акциялардан ташқари)**

**4. Акциялар ва бошқа акциядорлик капиталига эгалик ҳуқукини берадиган қоғозлар**

**5. Берилган кредитлар**

**6. Сутурта резервлари**

**7. Дебиторлик мажбуриятлари**

**8. Бошқа молиявий активлар**

Юқорида келтирилган активлар таснифи таркиби пассивтар учун ҳам ўринли бўлади. Пассивлар таснифида юқорида келтирилган активлар таснифидаги айрим кўреаткичларнин номлари моҳияти жиҳатидан пассивга мос равишда ифодаланади. Масалан, молиявий активлардаги «дебиторлик мажбуриятлари» ўрнига «кредиторлик қарзлари», «берилган кредитлар» ўрнига «олинган кредитлар» ва ҳ.к. Институцион бирликлар ўргасидаги активлар ва пассивлар операциялари бўхгалтерия хисобларида қайд этиб борилади. Мамлакат миқёсида эса, бу операциялар иқтисодиё тармоқлари ва секторлари ҳамда ташки дунё миқёсида турхланиб, маҳсус счётларда қайд этилади.

## V боб. Миллий хисоблар тизимида тармоқлар ва секторлар

### 1. Тармоқ ва секторларга гурухлашнинг зарурати ва аҳамияти

Мамлакат иқтисодиётида министри институцион бирликлар фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолият турлари ҳам хилма-хил. Бу бирликларнинг маълум бир даврдаги фаолият натижаларини котозга туширилган бўлсақ, бир неча томдан иборат китоблар ҳосил бўлади. Бу китобларни ўқиб чиқиш билан мамлакат иқтисодиёти тўгрисида гасаввурга эга бўлиш қўйин. Бундан ташқари, бозор муносабатлари шаклланган иқтисодиётида ҳар бир корхонанини иқтисодиётини билиш ва уни бошқариш зарурати ҳам, имконияти ҳам йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи бирликларнинг сони, таркиби ва фаолият турлари жуда тез узгариб гуради. МХТнинг юзага келиши гарихини эсласак, унинг асосий мақсади мамлакатда (корхоналарда эмас) кечатган иқтисодий жараёнлар ҳолатини билиш ва бу ахборотларга таянган ҳолда келажакда рўй бериши мумкин бўлган иқтисодий жараёнлардан боҳабар бўлишига имкон яратадиган ахборот базасини куришилар. Мамлакатнинг асосий иқтисодий базасини говарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ташкил қиласди. Шу сабабли, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларнинг қанчалик даражада мамлакатнинг истеъмол талабларини қондираётганлигини билиш мухим аҳамиятга эга. Товарлар ва хизматлар турли институцион бирликлар томонидан ишлаб чиқарилади. Маълум бир сифагга эга бўлган товарни қасрла ишлаб чиқаришдан катъи назар, ҳамма ерда ҳам, уни ишлаб чиқариш технологияси, сарф харажатлари, товар ишлаб чиқаришдан олинадиган наф ҳам таҳминан бир-бирига якин бўлади. Товар ва хизмат маълум бир иқтисодий фаолият тури маҳсулни бўлганлиги учун, иқтисодиётида мавжуд фаолият турларини ўрганиш орқали мамлакатда бўлаётган иқтисодий жараёнларни билиш мумкин.

Институцион бирликлар бир-бирларига, бир томондан, ўзларининг фаолият турлари билан ўхшаш бўлсалар, иккинчи томондан, олдиларига қўйган мақсадлари, вазифалари ва бу мақсадларни қандай амалга оширишларига қараб ҳам бир-бирларига ўхшайдилар. Шу сабабли, тармоқ ва секторлар тасни-

фидан амалиётда фойдаланиш иқтисодиётни ўрганишда алоҳида аҳамият қасб этади.

Тармоқ таснифининг қулайлиги, шу тармоққа кирувчи барча корхоналарни алоҳида-алоҳида ўрганиш ўрнига, йирик-йирик фаолият турларини ўрганиш билан кифояланиш имконини беради. Бу бир томондан, иқтисодий таҳлилни содлаштиреса, иккинчи томондан, тармоқлараро иқтисодий муносабатларнинг ўзгариш тенденцияларини ўрганиш орқали мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ҳолатини билиш имконини беради. Тармоқлараро хисоботлар келажак учун иқтисодий ривожланишнинг дастурларини тузишда ва асослашда ахборот базаси бўлиб хизмат қиласи.

Иқтисодиётниң ҳолатини таҳлил қилишда сектор таснифининг аҳамияти жуда катта. Бу тасниф орқали мамлакатда қандай жамият қурилганлигини ва келажакка белиланган иқтисодий ҳамда социал сиёсатнинг натижаларини башорат қилиш мумкин. Иқтисодиёт секторларининг ишлаб чиқариш, даромад, инвестиция кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва секторлараро даромадларнинг тақсимот жараёнларини қузатиш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига салбий ёки ижобий таъсири этувчи ҳолатларни билиш мумкин.

## 2. Тармоқ тушунчаси ва унинг таснифи

Институцион бирликлар ишлаб чиқарини фаолиятининг ўхшашлиги ёки бир хиллигига караб тармоқларга гурухланадилар. Тармоқларга гурухлаш натижасида иқтисодий жараёнларни ихчам ва содда ҳолда ифодалаш мумкин. Мамлакат миқёсида ягона тармоқ таснифини татбик этилиши корхонадан то йирик гармоқлар ва миллий иқтисодиёт даражасигача ягона ахборог тизимиши ишлаб чиқишга ҳамда иқтисодиётни бошқаришида ёки йўналтиришида тармоқларга хос умумий жиҳатларни хисобга олган ҳолда иқтисодий сиёсат юритишга имкон яратади.

XX асрнинг охирларига қадар дунёда иккита тармоқ таснифи амалиётда қўлланиб келинди. Бунинг биринчиси, XXБ гизимида ишлатиб келинган тармоқ таснифи бўлса, иккинчиси, МХТ тизимида ишлатилаштган Халқаро тармоқ таснифидир (ХТТ). Бу иккала тармоқ таснифлари бир-бирига жуда ўхшаш. Бу таснифларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг икки иқтисодий назарияга

асосланған тизимларға хослигидан келиб чиқади. Қуйда бу иккала тизим тармоқтарининг әңгімі тармоқтарини көлтирамыз (1-жадвал).

Дунё миқёсіда ХТТни юзага келиши нафқат алохидан олинған мамлакат, балық мамлакаттараро иктиесодий ва социал мұаммаларни билишта вә уларни бартараф килишідә мұхым ахамият қасб әтади. Масалан, шу тасниф асосында дунё миқёсіда озиқонқат, ёқилги ва бошқа шу каби маҳсулоттарға талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатни ўрганиши, улар ўртасидаги мувозанатни таъминлашға қаратылған чора табдирларни ишлаб чиқиши, дунё миқёсіда бўлиши мумкин бўлган бухронларни(дон, нефть маҳсулотлари стицомовчилиги) олдини олиш мумкин.

### *MХТда тармоқ таснифи*

1- жадвал

ХХБ тармоқ таснифи	Халқаро тармоқ таснифи
1 Моддий инплаб чиқарушы	Кипиок хұжалиғи, оғызлик ва ўрмон хұжалиғи
Сапоат	Балықчылық
Кипиок хұжалиғи	Кон сапоати
Курилиш	Тайёрлов сапоати
Транспорт(юк транспорти)	Электр энергияси, газ, сув газминоти
Алоқа	Улгуржи ва якка савдо, автоМобилль, могоцикл, теле-радио аппаратураларни таъмирлап Мехмонхоналар, ресторанлар
Савдо, тайёрлов, моддий - техник таъминот	Транспорт, алоқа, омборхоналар хизмати
Моддий инплаб чиқарушинин бопика тармоқтары	Молия воситачиличи
2 Номоддий хизметлар күрсегешін	Кўчмас мулк, аренда ва бопика тижорат фралияти
Якка хизметлар курсагаш	Давлат бопқаруви ва мудофаа, мажбурий социал таъминот
Уи-жой коммунал хизмати	Маориф
Маинний хизметлар	Мелицина ва социал хизметлар
Маориф	
Маданият ва саньят	
Медицина	
Социал таъминот	
Физкультура	
Туризм	
Коллектив хизметлар	
Фан ва илмий хизметлар	

Бу тасниф асосида тайёрланган ишлаб чиқариш ва истеммол жараёнлари түгрисидеги ҳисоботлардан фойдаланган холда ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятларини истеммол талаби юкори бўлган фаолиятлар билан шугулланишга йўналтириш мумкин. Бозор иктисодиёти шароитида, бу йўналтириц, асосан, иктисодий механизмлар орқали амалга оширилади. Масалан, мамлакатла у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун солик ставкаларини бошқа тармоклар (фаолият турлари)га ишбатан камайтириш (ёки солик йўқ бўлса, субсидиялар бериш) орқали амалга оширилади. Бозорда истеммол талабидан кўп ишлаб чиқарилаётган фаолият турларига солик миқдорини ошириш орқали ортиқча маҳсулотларни ишлаб чиқаришни олдини олиш мумкин.

### 3. Сектор тушунчаси ва унинг таснифи

ХХБ ҳисобот ва статистика тизими ҳамда МХТда миллий иктисодиётни секторларга гурухлаш бир-биридан тубдан фарқ қилиади. ХХБ гизимида секторларга гурухлашта, асосан, институционал бирликларнинг қандай мулк шаклида эканлинига қараб, яъни бу бирлик умумхалқ (социалистик) ёки хусусийлинига қараб секторларга гурухланади.

### ХХБдаги секторлар таснифи

#### I. Социалистик сектор

##### 1. Давлат сектори

1.1. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар

1.2. Молия корхоналари

1.3. Бюджет ташкилотлари

##### 2. Кооперативлар

3. Жамоат ташкилотлари

4. Ишчи-хизматчиларнинг ёрдамчи хўжалиги

5. Кооператив аъзоларининг ёрдамчи хўжалиги

#### II. Хусусий сектор

МХТда эса, институционал бирликлар иктисолий фаолият юритиши турлари ва бажарадиган вазифаларининг ўхшашлиги ҳамда мамлакат иктисодиётида ўзларини тутишларига қараб

секторларга бирлаштырилади (2-жадвал). Секторлар ўз навбатыда, қуйи(кичик) секторларга ажратылади. Қуий секторларға ажратылған хар бир мамлакаттнинг ахборотта бўлган эҳтиёжидан келиб чикқан ҳолда амалга оширилади. Иқғисодиётни секторларга туруғланып натижасида мамлакат ишлаб чиқаришида бу секторларнинг ўрни ёки улуши қандай бўлганлигини ва бу жараёнда ҳосил қилингандаромадларни улар ўргасида қандай(кай даражада адолатли) шаклланганлиги хамда тақсимланганлигини ўрганиш мумкин. Масалан, молия секторининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг мутгасил ўсиб бориши молия хизматининг «юки» асосиз равишда ошиб, реал ишлаб чиқариши соҳаларига оғирлик килаётганлигини билдиради. Давлат секторининг ЯИМлаги улушкининг катта ёки кичиклигига қараб, мамлакатда бозор муносабатларининг кай даражада ривожланётганлигини билиш мумкин. Уй ҳўжаликларига хизмат курсатувчи ташкилотлар сектори ишлаб чиқарини курсаткичларининг динамикада ўсиши мамлакатда демократик ва умуминсоний қадриятлар равнақини билдиради.

Номолия корхоналар сектори. Бу секторга асосий фаолиятлари товар ва хизматлар ишлаб чиқариши бўлган ва фаолиятларини ўз маҳсулотларини сотишдан тушган тушумлар эвазига юритувчи институцион бирликлар киради.

Одатда, бу бирликлар, ўзлари ишлаб чиқарган товар ҳамда хизматларини талаб ва таклифдан келиб чикқан ҳолда бозор баҳоларида соталилар. Уларнинг пировард мақеадлари фойда олишига қаратилган бўлали. Бу корхоналарнинг фаолияти учун керак бўлган ресурслар (айланма маблаглар, асосий ишлаб чиқариш воситалари), асосан, ишлаб чиқарган говарларини сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушган маблаглар хисобига вужудга келади. Улар деярли ҳамма (конун билан чегараланмаган) фаолият турлари билан шугулланадилар. Бу секторга киравчи институцион бирликларга мисол тариқасида, барча завод ва фабрикаларни, қурилиш, қишлоқ ҳўжалигига, савдо, майший хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналарини келтириш мумкин. Ҳўжалик хисобида фаолият юритувчи маориф ва медицина хизмати кўрсатувчи корхоналар ҳам шу секторга киради.

Бу секторга киравчи корхоналар турли хил мулклар асосида ташкил қилинганд бўлиши мумкин. Масалан, давлат назоратидаги номолия корхоналар, нодавлат номолия корхоналари, но-резидентлар назоратидаги номолия корхоналар, аралаш мулк

Секторлар	Иктисолий вазифаси	Фаолияти учун ресурслар манбай
1.Номолиявий корхоналар 1.1. Давлат сектори 1.2. Нодавлат (хусусий) сектор 1.3. Чет өз фирмалари	Товарлар ишлаб чыкашында хизматтар күрсатиш	Товар ва хизматларни сотинидан түнгиз түпшумлар, мулкдан олинган даромадлар
2.Молия ташкилотлари 2.1. Марказий банк 2.2. Пул корпорациялари 2.3. Ёрдамчы молия ташкилотлари 2.4. Сугуртта ва нафака фонилари	Молия ресурсларини йигит, ўтказиш ва таксимлаш. Сугуртта ва нафака фониларини ташкил килинүү	Молия операцияларидан олинган фойзлар, фойдалар. Сугуртта ва нафака бадаллари. Мулкдан олган даромадлари
3. Давлат бөлүктерүү идоралари 3.1. Марказий хукумат идоралари 3.2. Махаллий хокимият идоралари 3.3. Социал таъминот фонилари	Ахоли гурухларига, уй хўжалигига нобозор хизматлар күрсатиш, миллний даромад ва бойликни таксимлаш ва қайта таксимлаш	Бевосита ёки билвосита олинган соликлар
4.Уй хўжаликлариңа хизмат күрсатувчи иогижораг ташкилотлар	Уй хўжаликларига, ахоли турухларига нобозор хизматлар күрсатиш	Ихтиёрий тўловлар, бадаллар, мулкдан олган даромадлари
5.Уй хўжаликлари 5.1. Иш берувчилар 5.2. Ўзи учун ишловчилар 5.3. Ёлланган ишчин-хизматчилар 5.4. Хусусий мулкдан даромад олувчилар	Товар ва хизматларни истеъмол килип, товар ишлаб чыкашинда хизмат күрсатиш	Иш хаки, мулкдан олган даромадлари, трансферлар, товар ва хизматни сотинидан түнгиз түпшумлар

ишироқида қурилған номолия корхоналар бўлини мумкин. Ҳар бир мамлакат ўз эҳтиёжидан келиб чиқсан холда қўйи секторлар таркибини аниқлайди.

Молия ташкилотлари сектори. Бу секторга молиявий воситачилик ёки унга боғлик бўлган ёрдамчи молиявий фаолият билан шутулланувчи ташкилотлар киради. Уларнинг асосий вазифаси институцион бирликлардаги бўш молия ресурсларини йигиб, бошқа институцион бирликларга кредитлар бериш, турли хил фонdlарни ташкил қилиш ҳамда сугурта фаолиятидан иборат. Бу секторга марказий банк, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва ҳар хил фонdlар киради.

Молиявий воситачилик деганда - институцион бирликинг ўзига молиявий мажбуриятлар олиши эвазига молия бозорида активларга эга бўлиш максадидаги фаолияти тушунилади. Молия воситачиларининг асосий вазифаси қарз берувчилардан маблагларини келишилган мажбурият эвазига олиб, бошқа институцион бирликлар (қарз олувчилар)ни молия ресурслари а бўлган талабини қондирипдан иборат. Воситачи қарз олувчидан хизмати эвазига устами фойзлар олади. Воситачилар ўз фаолиятларида аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш маблагларини жамлайдилар, уларни молия бозорида тақсимлайдилар ва қайта тақсимлайдилар. Бундан ташқари, улар ўз хисобидан (ўзларига мажбурият олган холла) векселлар, облигация ва қимматега қозулар чиқариш ҳамда сотиш натижасида молия ресурсларига эга бўладилар. Бу ресурслардан молия бозорида янги активларга эга бўлишида фойдаланидилар.

Бу секторга кирувчи банклар, сугурта ва бошқа молия ташкилотлари ташкилий структурасига кўра корпоратив ёки нокорпоратив бўлгани холда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда хусусий шахслар томонидан ташкил қилинган бўлиши мумкин. Уларни кичик секторларга бўлиш ҳар бир кичик секторнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишга имкон беради. Одатда, Марказий банк олдига қўйилган вазифаларга кўра бошқа молия ташкилотларидан тубдан фарқ қиласди. Унинг асосий вазифаси иқтисодийётни пул билан таъминлаш, пул массасини муқобилигини таъминлаган холда инфляцияни олдини олишдан иборат. Бундан ташқари, Марказий банк мамлакатнинг олтин ҳамда валюта захираларини сактайди ва бошқаради, халқаро молия ташкилотлари билан мамлакат номидан ҳамкорлик қиласди. Мамлакатда пул-кредит сиёсатини юритади.

Тижорат банклари ўз маблаглари ва бошқа секторларнинг бўш маблагларини йигиб, институцион бирликлар талабига мувофик уларга кредитлар беради. Бу банклар молия маблагларини олаётган ва бераётганда олиниадиан ҳамда бериладиган фоизлардан ҳосил бўладиган маблаглар эвазига фаолият юритадилар.

Сугурта ташкилотлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида иқтисодиёт билан бөглиқ кўзда тутилмаган йўқотишларни суғурга киладилар. Улар ўз фаолиятларини сугурта бадаллари ва бўни маблагларини инвестиция қилишдан тушган маблаг эвазига юритадилар.

Бу секторга, юқорида келтирилганландан ташқари, инвестиция, нафақа ва турли хил жамгарини фодлари ҳам киради.

Давлат бошқарув идоралари сектори. Бу секторга мамлакат ахолисига колектив хизматлар кўрсатувчи ва давлат назоратидан бўлган ташкилотлар киради. Бу корхоналар, асосан, давлат бюджетидан молия билан таъминланали.

Бу секторга кирадиган институцион бирликларнинг мухим белгиларидан бири, уларнинг асосий бажарадиган вазифаси - мамлакат ахолисига нобозор хизматлар кўрсатиш (мудофа, милиция, хавфсизлик, суд ва прокуратура хизмати, социал таъминот, маориф, медицина, мадаигият, санъат, ахборот восита-лари ва х.к.) эканлигидир. Улар аҳоли талабини қонлириш мақсадида ва мамлакат қонунларида белгиланган тартибда инди-видуал ёки колектив (жамоа) истеъмоли учун нобозор товар ва хизматларни ишлаб чиқарадилар. Мамлакатда бюджет маблагларининг йигилишини ва бу маблагларни қонунда белгиланган тартибда тақсимланишини таъминлайдилар ва назорат қиладилар. Қонунларда белгиланган сиёсий ва иқтисодий ривожланиши тадбирларини амалга оширадилар. Мамлакатнинг хавфсизлигини, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқнинг фаровонлигини таъминлаш тадбирларини кўрадилар. Ўзбекистон шароитида бу секторга кирувчи институцион бирликларни марказий ҳукумат идоралари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бошқарув идоралари ва соғнал сугурта тизими қуйи секторларига турухлаш мақсадга мувофик бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошқарув идоралари секторига кирувчи ташкилотлар, умуман олганда, нобозор товар ва хизматларни ишлаб чиқарадилар ва уларнинг асосий мақсади даро-

мал ёки фойда олиш эмас. Номолия корхоналари секторига кирувчи корхоналар ўз маҳсулотлари ва хизматларини иктисодий аҳамиятга молик нархларда сотадилар. Даъват бошқарув секторига кирувчи ногижорат ташкилотлари эса ўз маҳсулотлари ва хизматларини, одатда, бепул бералилар ёки иктисодий аҳамиятга молик бўлмаган нархларда сотадилар.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори. Бу секторга ахолининг индивидуал ва умум (коллектив) талабини кондиришда банд бўлган институцион бирликлар киради. Бундай ташкилотлар, одатда, аҳоли гурӯхлари томонидан ихтиёрий равишда тузилали ва аксарият холларда ўз аъзоларига хизмат кўрсатадилар. Бу ташкилотларнинг ресурслари, асосан, ташкилот аъзоларининг бадаллари, аҳоли ва бошқа резидент, норезидент институцион бирликлар томонидан тўланган ихтиёрий тўловлардан ҳамда ташкилотнинг мулқдан олган даромадларидан хосил булади.

Бу секторга кирувчи институцион бирликларга партияларни, қасаба уюшмаларини ва диний ташкилотларни, турли хил илмий-маданий жамиятларни, инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи ва атроф мухитни химоя қилиш гашкилотларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Уларнинг бошқа секторлардан асосий фарқи фаолиятларини нотижорат характеристи, уларнинг уй хўжалиги (ахоли)га хизмат қилиши, давлат бошқарув идоралари ёки бошқа корхоналар томонидан назорат қилинмаслини ва фаолият юритишни учун ресурсларнинг ихтиёрийлик тамоийли асосида хосил бўлиши билан изохланади.

Уй хўжаликлири сектори. МХТда уй хўжалиги алоҳида хисобот бирлиги сифатида институцион бирлик хисобланади. Уй хўжалиги-ўз даромадларини биргаликда тасарруф этувчи алоҳида оила, ёки оиласалар гурухи, ёки якка хусусий шаҳс бўлиши мумкин. Яъни, алоҳида институцион бирлик бўлишининг муҳим шарти уларнинг топсан-туттган моддий ёки молиявий маблагларига биргаликда эгалик қилишади.

Ўзбекистон шароитида, аксарият холларда бир уй(хона-дон)да бир неча авлод биргаликда истиқомат қиласди. Улар, бир неча оиласалан иборат бўлиши мумкин. Бу оиласалар топган-туттганларини ўрталла биргаликда баҳам кўриб, ягона рўзгор юритесалар ёки хонадонда бир қозон қайнаса, улар бир уй хўжалиги хисоб-

ланадилар. Улар биргалиқда турсалар-у, лекин рұзгорларини алохила-алохидә юритсалар ягона уй хұжалиғи хисобланмайды.

Үй хұжалиғи сектори бошқа секторлар орасыда алохидә мавкега эта. Бу сектор бирліклари бошқа ҳамма іктисодиёт секторларига ишчи күчини стказиб беради, улар ишлаб чиқарған товар ва хизматтарни истеммол қиласы. Бундан ташқары, бу сектор бирліклари бевосита ишлаб чиқарни фаолияти билан ҳам шүгүлланадилар.

Үй хұжалигини күйидаги кичик секторларга гурухлаш мүмкін:

- иш берувчи уй хұжаликлари;
- мұстакил фаолият юритувчи уй хұжаликлари;
- ёлланма ишчи-ходимлар уй хұжаликлари;
- мулқдан даромад олувчи уй хұжаликлари;
- бошқалар.

Иш берувчи уй хұжаликлари қуїн секторіңа уй хұжалиғи қошида нокорпоратив корхоналари бор ва бу корхоналарда уй хұжалиғи альзолардан ташқары бошқа ёлланма ишчи-хизматчиларға иш берувчи уй хұжаликларини киритиш мүмкін.

Мұстакил фаолият юритувчи уй хұжаликлари қуїн секторига бошқа институцион бирлікларда ёлланма меңнат билан шүгүлланмайдынан уй хұжаликлары киради.

Ёлланма ишчи-ходимлар уй хұжаликлари қуїн секторига яшащ учун асosий даромадларини ёлланма меңнат өзөвлі топадынан уй хұжаликларини киритиш мүмкін.

Мулқдан даромад олувчи уй хұжаликлари қуїн секторига яшащ учун асosий маблагларни ўзларига тегишли акция, облигация, кимматли қоғозлардан ва бошқа активлардан даромад(ливиденд, фоиз)лар оладынан уй хұжаликларини киритиш мүмкін.

Хар бир мамлакат уй хұжаликларининг амалиётдеги таркии-бидан келиб чиққан қолда қуїн секторлар таснифини ихтиёрий равища құллаш мүмкін.

Ташқи дунё сектори. Биз юкорида мамлакат іктисодиёстағы фаолият юритувчи институцион бирлікларни 5 та секторіңа аж-ратдик. Үшбу институцион бирліклар ўз фаолиятларыда бу бешта секторға киравчы бирліклардан ташқары чет эл резидент бирліклари билан ҳам операциялар қиласылар. Чет эл резидентлары мамлакат резидентлари учун норезидент бирлик хисобланады. Резидент ва норезидент бирліклар мұносабатини ёритиши ва қулагайлық учун МХТла ташқи дунё сектори киритилган.

Бу секторга мамлакат резидент бирликлари билан операцияларни амалга оширадиган барча норезидентлар киради. Бу операциялар товар ва хизматлар, актив ва пассивлар, инвестициялар ва кредитлар, даромадлар ва трансферлар айирбошлиши кўрининшида бўлиши мумкин. Норезидент бирликлар мамлакат ичкарисида бўлиши мумкин. Масалан, мамлакат ҳудудида жойлашган чет эл элчихоналари, ҳарбий базалар, чет эллик туристлар, талабалар, артистлар, спортчилар, даволанишга келгандар ва ҳ.к.

#### 4. Институцион бирликларни гурухлашдаги муаммолар

Институцион бирликларни тармоклар ва секторларга гурухлашда айрим чегаралаш муаммоларига дуч келиш мумкин. Уларнинг айримлари тўғрисида мулохазалар билдириб ўтамиз.

Иш жойлари, биноларни боциқа бирликларга вактинчалик бериб туриш, ташқаридан караганда, ўз мулкини бериб ундан даромад олаётгандай кўринади. Аслида, бу мулкка эгалик ҳукуки ўй эгасида қолади. Уни олувчи факат вактинчалик фойдаланиш ҳукукига эга. Мулк эгаси мулкини изжарага бераяпти холос. Шу сабабли, бу фаолият ишлаб чиқариш сифатида изжара хизмати хисобланади. Бу ўринда, ўйни изжарага бериш билан меҳмонхона хизмати ўртасида фарқ ўйқлигини эслаш кифоя.

Корхоналар турлича номланиши мумкин. Уларнинг номларига қараб, уларнинг қайси секторга тегишли эканликларини билиш осон эмас. Масалан, давлат корхоналари, қўшма корхоналар, бирлашмалар, масъулияти чекланган корхоналар, хусусий корхоналар ва ҳ.к. Секторларга гурухлашда корхоналарнинг номларига қараб эмас, аввало, уларнинг олдиларига қўйган мақсадларига, бу мақсадларга қандай эришаётгандилкларига ва ўз фаолиятларини юритиш учун маблагларни қайси манбалардан олаётгандилкларига эътиборни қаратиш зарур. Айрим ҳодларда, корхона бир вақтнинг ўзида бажараётган вазифаларига, ўзини тутишига кўра турли секторларга тегишли белгиларга эга бўлиши мумкин. Масалан, давлат тасаррӯфидаги ва назоратидаги диагностика маркази бир вақтнинг ўзида бозор ва нобозор хизмати кўрсатади. Бу марказ ахолининг маълум бир гурухларига бепул ва қолганларга пулли хизмат кўрсатади. Мосравицда давлат бюджетидан ва пулии хизматдан тушган маблаг эвазига фаолиятини

юритади. Бу марказ қайси секторга тааллукли? – деган савол туғилади. Бундай мұаммодавлатта, уй хұжаликларига ғана чет әл резидентларига қарағыз корхоналарда ҳам күпілаб учрайди. Шу сабабли, иккі секторга мойил бундай корхоналар шартты равишила иккі институционал бирлікке ажрагылады. Шартты равишида хосил бұлтандырылған – *квазикорхона(квазикорпорация)* деб аталади. Хосил бұлған бу иккі корхона мөсравиеттің секторларға кириллады. Келтирилген миссияның диагностика марказы иккита бүлиннеди. Биринчесі, давлат бошқарув идоралари секторига кирудың корхона, корхонаның нобозор хизметтерін күрсатады. Иккінчесі, пуллы хизмет күрсатувиш килемі – шартты равишида хосил бұлған *квазикорхона* номолия корхоналар секторига кириллады.

Чет әл корхоналарининг бизнині мамлакаттады бүлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари мустақил корхона хисобланмаса-да, уларнинг фаолиятлари мустақил корхоналарниң тарифінде үхшаша ва ўзларининг фаолиятлари чегарасыда мустақил бұлышларды мүмкін. Улар мамлакатта узок вакт иктиносидің фаолияттың жаңынан мақсадынан күзілаб ташиғанда мүмкін. Шу сабабли, уларни резидент бирлік сифатыда квазикорхона хисоблаб, ички иктиносидің секторлары таркибига кириш мүмкін. Бундай квазикорхоналарга мамлакатта узок муддат давомида фаолият күрсатады. Чет әл корхоналарининг курилиш бригадаларини мисол килиб күрсатып мүмкін. Уй хұжаликлари тасаруғында да назоратида бұлған нокорноратив корхоналарнинг айрымларының фаолият жүргізушилары ва ўзларини түтишларига күра күйроқ номолия корхоналар секторига қарағыз хүсусий корхоналарға үштайды. Шу сабабли, уларни ҳам квазикорхона сифатыда номолия секторига кириш мүмкін. Бунга, уй хұжалиги томонидан лицензия асосыда ташиғил қилинганды да ташқаридан ёлланма ишчи-хизматчылар жағдайынан оған ошхона, курилиш бригадаларини мисол килиб күрсатып мүмкін.

*Нотижорат ташкилоттарни* секторларға ажратында ҳам бир қанча чегаралық мұаммолар мавжуд. Бу ташкилоттар ташқаридан қаралғанда «нотижорат» бўлиб кўринса-да, фаолиятларига кўра ҳар доим ҳам уларни уй хұжалигига хизмет күрсатувиш нотижорат ташкилоттар секторига киритиб бўлмайди. Нотижорат ташкилотлар давлат томонидан, резидент ёки норезидент корхоналар, ахоли гурухлари ва алоҳида шахслар томонидан турли макеад-

ларни кўзлаган ҳолда тузилиши мумкин. Уларнинг олдига кўйган мақсад ва вазифаларига қараб тўтидан-тўгри кайси секторга киришларини билиш анча мушкул. Уларнинг асосийлари устида тўхталиб ўтамиз.

*Бозор учун товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи нотижорат ташкилотлар.* Бюджет маблағларидан молиялаштириладиган мактаб, багчা, касалхона ва бошқа даволаниш масканлари, ногиронлар учун аравача ёки протезлар ишлаб чиқарадиган заводлар, олий ўкув юргари аҳолига бепул хизмат кўрсатадилар. Бу нотижорат ташкилотлар билан бир қаторда, ҳудди шу товар ва хизматларни ҳақ эвазига кўрсатувчи ташкилотлар ҳам бор бўлиши мумкин. Улар аҳолига бозор хизматларини кўрсатадилар. Бу ташкилотлар вазифаларига ва мақсадларига кўра номолия корхоналари секторига киради. Кўп ҳолларда, бир ташкилотнинг ўзи бозор ва нобозор хизматлар кўрсатиши мумкин. Масалан, касалхона бепул ва пулли хизмат кўрсатади. Бундай ҳолларда, бу бирлик шарғли равишда иккита бирликка бўлинади ва мос равишда давлат бошқарув идоралари ва номолия корхоналар секторларига киритилади.

*Бозор ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.* Бу ташкилотлар ўз аъзоларининг манфаатини химоя килишига қаратилган хизматлар кўрсатади. Улар ўз аъзолари томонидан тўланган бадаллар ёки ажратмалар ҳисобига фаолият юритадилар. Бу тўловлар уларнинг хизматларига тўланган ҳақ деб қаралади. Шу сабабли, улар бозор ишлаб чиқарувчилар қаторига қўшилади ва номолия корхоналар секторига киритилади. Масалан, фермер ва леҳкон, хунармандлар ва бошка ишлаб чиқарувчилар уюшмалари фаолияти ташқаридан карапланда, нобозор ишлаб чиқариша ўхшаса-да, улар аслида бозор ишлаб чиқарувчиларлар. Уларнинг фаолияти бир жихатдан давлат бошқарув идораларини кига ўхшаса, иккинчи жихатдан уй хўжалигига хизмат кўрсагувчи нотижорат корхоналарга ўхшайди. Бундай ташкилотларни номолия корхоналар секторига киriteга тўгри бўлади.

*Давлат томонидан молиялаштириладиган ва назорат қилинадиган нотижорат ташкилотлар.* Бу ташкилотлар давлат томонидан алоҳида ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, давлат бюджетидан молия ресурслари билан таъминланади. Буллар қаторига илмий-текшириш инситутлари, соғликни сақлаш билан баглиқ хизматларни бажарувчи ташкилотлар, маориф,

атроф-мухитни химоя қилиш билан бөглиқ ташкилотларни киритиш мүмкін. Бу ташкилотлар ўз соҳалари миқёсіда давлат бажарадилган вазифаларни бажарадилар ва давлат назоратида бўладилар. Улар хўжалик хисобидаги ёки бюджет ташкилоти бўлиб, номларидан номолия корхоналарига ўхшашлари мүмкін. Масалан, «Кибернетика», «Қуёш» илмий-ишилаб чиқариши бирлашмалари. Бундай ташкилотлар номи ва фаолияти қандай бўлишидан қатъи назар давлат бошқарув идоралари секторига киритиладилар.

Институцион бирликларнинг резидент ёки норезидент бирлик эканлигини билишда ҳам чегаравий муаммолар мавжуд. Масалан, институцион бирликнинг иктисадий манфаати қайси мамлакат иктисадий ҳудудига қаратилғанлигини билиш бу бирликнинг қанча муддатга келғанини билан(бир йил ва ундан ортиқ), иш жойлари бор ёки йўклиги, бирликнинг олдига қўйган мақсадига кўп жиҳатдан бөглиқ. Бу белгилар орқали институцион бирликнинг резидент ёки норезидент эканлигини билишга маълум бир вақт керак бўлади. Лекин, операциялар уларнинг келган кунидаёқ бўлиши мүмкін. Шу сабабли, резидент ёки норезидентлиликни белгилашда дастлаб уларнинг мақсадларига қараб ажратиш тавсия этилади. Масалан, чет эллик фуқаро Ўзбекистонда юз фоиз ўз капитали хисобига корхона очди. Корхонага Ўзбекистон фуқаросидан ижрочи директор тайинлайди. Бу мисолда, корхона ташкил килинган вақтидан бошлаб резидент бирлик хисобланади. Чунки корхонанинг мақсади шу мамлакатда унинг қонунлари асосида иктисадий фаолият кўреатиб, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳамда фойда кўриш. Бу корхона 100 фоиз чет эл (фуқароси) назоратидаги корхона хисобланади. Шу сабабли, корхона этаси(чет эллик фуқаро) норезидент бирлик хисобланади. Чунки, унинг капитал олиб киришлан мақсади фойда олишdir. Бу мисолда корхонанинг солик тўлагандан кейин қолган фойдаси унинг ихтиёрида бўлади.

# VI боб. Миллий хисоблар тизими ва бухгалтерия хисоби ўртасидаги боғлиқлик, ўхшашлик ва тафовутлар

## 1. МХТ ва бухгалтерия хисоби ўртасидаги боғлиқлик, даромад концепцияси

Маълумки, МХТ мамлакат миқёсидаги хисоблар мажмуудан иборат бўлса, бухгалтерия хисоблари корхона миқёсидаги, яъни корхонани бошқариш учун мўлжаллаб тузилган хисоблар мажмуудан иборат. Бухгалтерия хисоби тизимидағи кўрсаткичлар МХТ учун асосий аҳборот базаси бўлиб хизмат қиласи. Ташқаридан қараганда, МХТ кўрсаткичларини<sup>1</sup> бухгалтерия хисоблари-даги кўрсаткичларни оддий йигиш натижасида олиш мумкин-дай кўринади. Бу масалага яқиндан ёндошиягандан, МХТ кўрсаткичларини тўғридан тўғри бухгалтерия кўрсаткичларини йигиш орқали хисоблаб бўлмаслиги аён бўлади. Чунки,

1) бухгалтерия кўрсаткичлари МХТ кўрсаткичларини хисоблаш учун старли эмас;

2) бухгалтерия ва МХТ кўрсаткичларини хисоблаш усууллари ўртасида услубий тафовутлар мавжуд.

Энг муҳим тафовутлардан бири, даромад кўрсаткичини хисобланш услубидадир. Маълумки, бухгалтерия хисобида даромаднинг миқдори кўп жиҳатдан мамлакатда амалда бўлган солиқка торғиши қонуни ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган норматив ҳужжатлардаги кўрсатмаларга боғлик бўлади. Бу кўрсатмаларда таннарх таркибига киритилиши лозим бўягандар таркиби, амортизация ажратиш тартиби ва корхона билан бюджет ўртасидаги муносабатлар белгилаб кўйилади.

МХТдаги даромадни хисоблаш концепцияси асосида Англиялик иктисадчи Ж.Хикс томонидан ишлаб чиқилган концепция ётади. Бу концепциянинг маъноси қўйидагича: маъдум бир даврда яратилган даромад миқдори, шу давр бошидаги капиталнин миқдорини камайтирунган ҳолда, истеъмол учун ишлатилиши мумкин бўлган энг катта миқдордан иборат. Бу концеп-

<sup>1</sup> МХТ кўрсаткичлари деганда, мамлакат ва унин тармоқлари ҳамла секторлари миқёсида хисобланадиган кўрсаткичлар пазарда тутилянти

цияга асосан, даромад хар кандай түшүмлардан иборат эмас. Инсигтицион бирликтар томонидан ўз мүлкини бошқа инсигтицион бирликтарға ёки мамлакат ўз бойликтарини бошқа мамлакаттарға сотиши натижасыда түшгөн түшүмлар янги яратылған даромад сифатыда қаралмайды. Чунки, бу мүлклар илгари яратылған бўлиб, бундай операциялар натижасыда мүлкнинг шакли ўзгарайти, холос. Масалан, бир инсигтицион бирлик ўзига тегишли уй(инциоат)ни бошқа бирлиқке сотса ва эвазига пул олеа, илгари бу бирлик уй сифатидаги активига эга бўлиб қолади. Мамлакат захирадати олтинни бошқа мамлакатга сотса, мамлакатнинг олтин активлари камайиб, эвазига олган пул ёки бошқа турдаги активлари эквивалент миқдорда ўзгаради. Хике концепциясига асосан турли кўринишларни даромад ва молия операциялари, жорнӣ ва хар замонда тушадиган түшүмлар, товар ва хизматларни ишлаб чиқариши натижасыда олинган даромадлар билан қайта тақсимлаш операциялари натижасыда хосил бўлған түшүмлар бир-биридан фарқланади. Бу концепцияга асосан активларнинг шаклан ўзгариши ва активларнинг инфляция жараёнлари(активларниң узок муддатда захирада туриб қолиши) натижасыда уларниң кийматининг кўпайиши ёки камайиши(холдинг фойдаси ёки зарари) даромаднинг кўпайини ёки камайиши сифатида қаралмайды. Юкорида айтилганлардан МХТда Хике концепцияси асосида ҳисобланадиган даромад кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобидаги даромад кўрсаткичларидан фарқли эканлиги яқол кўриниб турибди.

МХТ ва бухгалтерия ҳисобидаги даромад курсаткичларининг бир-биридан фарқ қилиши сабабли амалиётда ишлатилаётган бир қанча кўрсаткичлар( маҳсулот, харажат, фойла, активлар ва х.к.) иккала тизимда мазмунан ва ҳисоблаш усуслари билан фарқ қиласи. Кейинги мавзуларда бу кўрсаткичлардан айримлари устида муфассалроқ тўхвалиб ўтамиш.

## 2. Маҳсулот концепцияси ва унинг турлари

*Маҳсулот* кўрсаткичи МХТ ва бухгалтерия ҳисобида бир-биридан мазмунан ва ҳисоблаш(баҳолаш) усули билан фарқ қиласи. МХТда ишлаб чиқариши натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида ялни маҳсулот(товарлар ва хизматлар умумий киймати), оралиқ истеммол ва ялни маҳсулот(кўшилган

күймат) күрсаткичлари тушунилади. Бухгалтерия хисобида эса корхонанинг хўжалик юритиши фаолияти натижаси қўйидаги кўрсаткичлар гизими орқали ифодаланади: 1)соф сотилган маҳсулот(товарлар ва хизматлар) қиймати; 2) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; 3) молия фаолиятидан олинган даромадлар; 4) фавқулодда олинган(йўқотилган) даромадлар. Бу турархияга кирган кўрсаткичларни таркибини таҳлил этиш натижасида иккала тизимда ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари турлича талқин этилишини кўриш қийин эмас. Масалан: а) 1-турархга киравчи кўрсаткичларни аниқлашда сотилаётган маҳсулот қайси даврнинг маҳсули сифагида қаралади. Вахоланки, МХТда согилаётган маҳсулот қайси даврда ишлаб чиқарилган бўлса, ўна даврнинг маҳсули сифагида қаралади; б) 2-турархга кирган кўрсаткичлар таркибида асосий капитал(весита)-ни ва бошқа мулкни сотишдан тушган даромадлар, ўтган даврларга тегишли фойда(зарар), хўжалик шартномаларига риоя қилмаганинига ва бошқа сабабларга кўра олинган(тўланган) жарималар, келтирилган зарарни қонлаш тўловлари, иенялар ва шу каби кўрсаткичлар бор. Бу кўрсаткичлар МХТда ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси сифатида қаралмайли; в) 3-турх таркибига кирган дивидендлар, фойзлар, валюта курслари ўзгариши натижасида хосил бўладиган даромад(зарар)лар ва бошқа шу каби кўрсаткичлар МХТда даромадларни хосил бўлиш концепцияси бўйича ҳисобланади. Корхонанинг мулкларидан бошқа институцион бирликлар фойдалантганликлари учун олинган (тўланган) даромадлар, акциялардан туниган дивидендлар - мулкдан олинган даромад сифатида қайд этилади. Валюта курсининг ўзгариши натижасида хосил бўлган “даромадлар(ёки зарар)” МХТда яширин субсидия(ёки яширин солик) сифатида галкин қилинади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибеки, бухгалтерия хисобида бевосига ишлаб чиқарини фаолиягининг натижалари билан корхонанинг маълум бир даврда олган даромадлари фарқланмайди. МХТда эса, ишлаб чиқариш фаолиятининг кўрсаткичлари (ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўшилган қиймат) ишлаб чиқарини концепцияси асосида, даромад кўрсаткичлари (ялпи миллий даромад, секторлар бўйича бирламчи даромадлар сальдоси, ихтиёрдаи даромад) даромаднинг хосил бўлиш концепцияси асосида ҳисобланади.

МХТда маҳсулот (товар ва хизматлар) пировард истеъмол ва оралиқ истеъмолга ажратилади. Бундай ажратиш бухгалтерия

хисобида йўқ. Умуман айтганда, ялпи маҳсулот ва қўшилган қиймат кўрсаткичларини бухгалтерия хисобидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда хисоблаб топиш мумкин. Масалан: ялпи маҳсулот миқдорини топиш учун сотилган маҳсулот миқдорига тайёр маҳсулот захирасининг ўзгаришини қўшиб қўйиш керак. Қўшилган қиймат кўрсаткичини хисоблаш учун бухгалтерия хисобидаги бир қанча кўрсаткичларни қайта баҳолаш ва қўшимча хисоб-китобларни амалга ошириш керак. Бундан ташқари, МХТ ва бухгалтерия хисобида маҳсулот кўрсаткичлари турли баҳоларда қайд этилганлиги учун хисоб-китоблар анча қийинлашади. Масалан, бухгалтерия хисобида маҳсулотларнинг асосий баҳолардаги қиймати маҳсулот учун субсидияларни қўшган ҳолда хисобланади. Сотилган маҳсулот эса ишлаб чиқарувчи баҳоларида хисобланади. МХТда маҳсулот миқдори асосий баҳоларда ҳисобланганда маҳсулот учун субсидиялар маҳсулот миқдорига қўшилмайди. Бундан ташқари, бухгалтерия хисобидаги кўрсаткичлар таркиби макроиктисодий даражада ялпи маҳсулот миқдорини хисоблашда етарли эмас. Масалан: давлат корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулоти учун хом ашё ва бутловчи материалларни четдан сотиб олиб, корхонага ўз қийматидан арzonроқ баҳода берган бўлса, корхонанинг ишлаб чиқаралган маҳсулоти қийматида давлат томонидан билвосита берилиган субсидия миқдори алоҳида хисобга олинмайди ва бухгалтерия хисобларида қайд этилмайди. МХТ концепцияси бўйича макроиктисодий хисобларда бу кўрсаткичлар алоҳида қайд этилади.

МХТ ва бухгалтерия хисобларида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда қўпилган қиймат миқдорини баҳолаш вақти ва услуби бир-биридан тубдан фарқ киласди. МХТда товар ва хизматлар миқдори товар ва хизматнинг ишлаб чиқарилган вақтдаи и бозор баҳоларида хисобланади. Бухгалтерия хисобида эса, маҳсулотнинг ҳакиқий сотилган баҳоларида қайд этилади. Иккала тизимдаги маҳсулот миқдорида асосан икки сабабга кўра фарқ бўлиши мумкин:

1) инфляция даражаси юкори бўлиши ва маҳсулот туриб қолиши натижасида маҳсулотни ишлаб чиқарилган ва сотилган вақтидаги баҳоларда фарқ бўлади; 2) маҳсулот бозор баҳоларидан паст баҳоларда сотилса. Буни қуйидаги мисоллар орқали тушунтирамиз: 1) корхона қузатиласётган даврда(ой) 1000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг баҳоси 100 сўмдан бўлсин. Шу ой мобайнида ишлаб чиқа-

рилган маҳсулотнинг 900 бирлиги 100 сўмдан сотилган. Колган 100 бирлик маҳсулот кейинги ойда сотилган. Бу ойда маҳсулот нархи 10%га ошган, яъни 110 сўмдан бўлсин. Бухгалтерия хисоби бўйича ялпи ишлаб чиқариш хажми  $900 \times 100 + 100 \times 110 = 101000$  сўмга тенг, МХТ бўйича эса  $1000 \times 100 = 100000$  сўм. Орадаги фарқ  $100000 - 101000 = -1000$  сўм инфляция натижасида (холлинг фойдаси) хосил бўлди. Холдинг фойдаси ( $100000 - 101000 = -1000$ ) ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулти бўлмаганини учун, бу киймат ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот мидорига кўшилмайди;

2) корхона кузатилаётган ойда 500 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Маҳсулотнинг 400гаси ҳар бири 100 сўмдан шу ойнинг ўзида бозор баҳоларидан сотилган. Колган 100 та маҳсулот шу корхонанинг ичишиларига арzon нархла 80 сўмдан сотилган. Бухгалтерия хисобида ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори  $400 \times 100 + 100 \times 80 = 48000$  сўм. МХТ бўйича  $500 \times 100 = 50000$  сўм.

Олатда, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш хажми сотилган товарлар ва хизматлар микдори ҳамда тайёр маҳсулот захирасининг ўзгариши кўреаткичлари орқали хисобланади. Захиранинг ўзгариши кўреаткичини хисоблаётганда холдинг фойдаси ёки зарарини хисобдан чиқариб ташлаш керак. Чунки холдинг фойдасти(зарари) ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси эмас.

### 3. Ҳаражатлар ва уларнинг турлари

МХТда ҳаражатлар икки турга ажратилади: оралиқ истеъмол ва бирламчи ҳаражатлар. Оралиқ истеъмол корхонанинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун бошқа институцион бирлосклардан сотиб олган товар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи материаллар, аудиторлик хизмати, ижара тўловлари ва х.к.) микдоридан иборат. Бирламчи ҳаражатлар таркибига ишлаб чиқаришила бирламчи омилларга бўладиган ҳаражатлар киради. Улар таркибига иш хақи (ижтимоий сугурта билан бирга), ишлаб чиқариш соликлари, асосий капиталнинг истеъмоли киради. Бирламчи ҳаражатлар ва оралиқ истеъмолнинг умумий йигиндиси ялпи ишлаб чиқариш хажмига тенг бўлади.

Бухгалтерия хисобида ҳаражатлар мөндалар ва элементлар бўйича гурухланади. Албатта, бу гурухланиш МХТ принципларидан тубдан фарқ қиласи. Бу гурухланиш корхонанинг у ёки бу маҳсулотни отказишга кетган ҳаражатлари микдорини аниглаш, маҳсулот таниархини билиш ва фойдадан солик олиш базасини

аниқдашга қаратылған. Бу күрсаткічлардан МХТда тұғридан-түтри фойдаланыш анча мушкүл. Бу күрсаткічлардан фойдаланыб, МХТ күрсаткічларини ҳисоблаш учун бир қанча құшимча ҳисобкитобларни бажарып керак бўлади. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобида харажатларни баҳолаш вакти ва услуби МХТдагидан анча фарқ қиласи. МХТда товар ва хизматларнинг қийматини ишлаб чиқаришда ишлатилаётган вақтдаги баҳоларда баҳолаш тавсия этилади. Бухгалтерия ҳисобида эса, бу товар ва хизматларнинг қиймати сотиб олинган вақтдаги баҳоларда қайд этилади. Бухгалтерия ҳисобида инфляция жараёнлари натижасида ва товарнинг туриб колиши натижасида уларнинг баҳоларидағи ўзгаришлар ҳисобга олинмайди.

Бухгалтерия ҳисоби билан МХТда асосий капиталнинг қийматини ҳисоблашда ҳам анча фарқ бор. МХТда асосий капиталнинг иsteъмоли унинг тикланиш қийматида, бухгалтерия ҳисобида эса уларнинг бошлангич сотиб олинган қийматларида ҳисобланади ва ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади. Асосий капиталнинг узлуксиз қайта баҳоланиб турилмаслиги икки тизимда асосий капитал иsteъмоли кўрсаткичининг турлича баҳоланишига олиб келади. Бундан ташқари, корхоналарда “тезлаштирилган амортизация” методининг кўлланиши ҳам икки тизимда асосий капиталнинг иsteъмоли кўрсаткичи ўртасида фарқ бўлишига сабаб бўлади.

МХТда капитал таъмираштирилганда ҳаражатларига жамғариш фондларининг ўсиши сифатида қаралади. Бухгалтерия ҳисобида эса, бу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади. Ўз навбатида, капитал таъмираштирилганда асосий капиталнинг қиймати ўсади. Бу ўсган қийматдан ҳам амортизация ажратмаси ҳисобланыб, асосий капиталнинг иsteъмолига қўшиб қўйилиши керак. Умуман айтганда, амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида қаралади. МХТда эса, асосий капиталнинг иsteъмоли янги яратылган ялпи қўшилган қийматнинг элементи сифатида қаралади.

МХТ ва бухгалтерия ҳисобида меҳнат ресурсларига бўлган харажатлар турлича талқин этилади. МХТда иш ҳақи кўрсаткичи таркибиға бевосита ишчи-хизматчиларга тўланган иш ҳақи (даромад солиги билан бирга), мажбурий ва ихтиёрий равищада социал сугурта фондларига иш берувчилар(корхоналар) томонидан ҳақиқатда тўланган тўловлар ва шартли равищада ҳисобланган социал сугурта ажратмалари киради. Бухгалтерия ҳисобларида

эса, бу ажратмалар иш хақи фондиға кирмайды. Бундан ташкари, бухгалтерия хисобида ишлаб чиқариш билан бөглиқ сафар харажаттарининг ҳаммаси ишлаб чиқариш харажатларига күшилади. МХТда эса сафар харажаттарининг бир қисми- күнлик харажатлар иш хақи деб талқин қилинади, қолган қисми-йўл ва ётк ҳаражатлари, оралиқ истесьмол сифатида хисобланади.

#### 4. Фойда, активлар, инвестициялар

*Фойда.* МХТ ва бухгалтерия хисобида фойда кўрсаткичи-нинг иқтисодий маъноси турлича бўлишига асосий сабаб маҳсулотнинг ҳажмини ва харажатлар миқдорини иккала тизимларда турлича талқин этилиши ва хисобланишидир. Бундан ташкари, майда хусусий корхоналарда корхона эгаларининг иш хақи фойда таркибида бўлади. МХТда эса, бу корхоналарнинг фойда кўрсаткичи “аралаш фойда” деб аталиб, унбу корхоналарнинг «даромадларни хосил бўлиши» счётидаги мувозанатлаштирувчи кўрсаткич сифатида топилади.

*Активлар.* МХТда активлар молиявий ва номолиявий активларга бўлинади. Номолиявий активлар эса, ишлаб чиқарилган ва ицлаб чиқарилмаган активларга бўлинади. Иккала тизимда активлар таснифи бири-бирига ўхшаёт.

МХТ ва бухгалтерия хисоби бир-биридан, асосан, активларни баҳолаш услуги билан фарқ киласи. МХТда активлар баҳоланаётган давридаги бозор баҳоларида баҳоланади. Бухгалтерия хисобида эса, бошлангич сотиб олинган вактдаги баҳоларда ёки қайта баҳоланганди баҳоларида қайд этилади.

*Инвестициялар.* МХТда инвестициялар қуйидагича гурухланади: асосий капиталнинг ялпи йигилмаси; материал айланма фонdlарнинг ўсиши; қимматли мулкни сотиб олиш; соф кредитлаш. Биринчи уч кўрсаткич давр мобайнида ҳақиқатда амалга оширилган инвестициялар миқдорини кўрсатади ва капитал операциялар счётида қайд этилади. 4- кўрсаткич молиявий инвестициялар ҳажмини билдиради. Мамлакатнинг четдан молия активларини олган миқдори ва олинган молиявий мажбуриятларнинг миқдори молия счётида қайл этилади.

Бухгалтерия хисобида инвестициялар МХТдан бирмунча фарқлирок гурухларга ажратилади: капитал сармоялари; материал айланма фондларнинг ўсиши(туталланмаган ишлаб чиқаришни хисобга олган ҳолда); молия сармоялари. Бу кўрсаткичлар

аталишига кўра МХТдагига ўхшаш бўлишига қарамай, уларнинг таркиби, мазмуни ва баҳолаш услублари бир-биридан анча фарқ қиласди. Масалан, бухгалтерия хисобида капитал сармоялар таркибиға асосий фондларнинг ҳақиқий қийматини оширмайдиган ҳаражатлар ҳам қўшилади. МХТда эса бундай ҳаражатлар асосий капиталнинг жамгармасига киритилмайди.

Материал айланма фондлар иккала тизимда таркиби ва мазмуни бир хил бўлишига қарамай, уларни баҳолаш усуллари бир-биридан фарқ қиласди. Юкорида таъкидланганисек, уларнинг захирада анча вақт туриб қолиши натижасида қийматнин ўсиши(камайиши) МХТда ишлаб чиқаришнинг натижаси сифатида хисобга олинмайди. Бухгалтерия хисобида материал айланма фондлар бошлангич сотиб олинган қийматларида қайд этилиши натижасида, яширии ҳолда ҳолдинг фойдаси юзага келади. Маълумки, ҳолдинг фойдаси МХТда чегириб ташланади.

Биз юкорида, МХТ ва бухгалтерия хисоби кўрсаткичлари ўртасидаги мавжуд айрим услубий ва концептуал фарқлар устида қисқача тўхталиб ўтдик. Бухгалтерия хисоботларидан МХТ счётларини тузишда манба сифатида фойдаланилаётган вақтда бу тафовутларни хисобга олиш мақсадга мувофик бўлади.

## 5. Бухгалтерия хисоби кўрсаткичларини МХТ концепциясига ўтказиш

Миллий хисобчиликда счёtlарни тузишда турли ахборот манбаларидан фойдаланилади. Бу манбалар қаторига бухгалтерия хисоби асосида тайёрланган корхоналарнинг статистика хисоботлари, давлат бюджети ва солик статистикаси, аҳоли бюджетини кузатиш якунлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг хисоботлари ва бошқа ахборот манбалари киради. Миллий хисобчиilar юкорида келтирилган ахборот манбаларидан ташкари, қўшимча кузатишлар ўтказадилар, эксперт хулосаларидан фойдаланадилар. Бухгалтерия хисоби миллий хисобчилик учун асосий манба бўлишига қарамай, уни юритишда, кўрсаткичларнинг аталишида ва хисобга олиш услубларида бирмунча фарқлар мавжудлигини юкорида кўрдик. Корхонанинг маълум бир давр(ой, чорак, йил)даги иктиносий фаолияти натижаларини бухгалтерия хисоблари бевосита ифодаламайди. Чунки, бухгалтерия хисобида ишлаб чиқариш хажмини ифодаловчи ва бошқа

бирликлар билан тақсимот ва қайта тақсимот операциялари натижаларини якъол ифодаловчи курсаткичлар йўқ. Шу сабабли, корхона, ташкилот (микро даражада) юритилаётган ҳисобларни МХТ концепцияси асосида ифодалаш иқтисодиёғини ҳолатини микро даражада гаҳлил қилинга имкон яратади.

Бухгалтерия ҳисобидаги курслаткичларни МХТ концепциясига ўтказишнанда бир қанча уседубий узгаргиришлар ва қўшимча ҳисобларни бажаришга тутирилалди. Буни бир корхона мисолида кўриб чиқамиз.

А корхонанинг даромадлари, асосан, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарини ва сотиндан, узида сакланадиган бошқа корхоналарнинг акцияларидан тунишдан даромадлардан иборат бўленин. Бундан ташқари, корхона ишлаб чиқарини учун субсидия олади. Корхона харажатларинин асосий қисемини ишлаб чиқаринида ишлатиладиган ҳом аниё, бутловчи материаллар, материаллар ва хизматлар сарфи, ишлаб чиқарини учун тўланган соликлар ва корхона хизматчиларининг иш ҳаки, сошил сугурта фонdlарига тўловлар таникли қиласи. Корхонанин кузатилаётган даврда и курслаткичлари 3- жадвалда келтирилган.

### *Корхона тўргисидаги маълумотлар*

3- жадвал

Курслаткичларини поми	Киймаги
I 1. Товар ва хизматларни солиш	5000
ишу жумлашт. корхона хизматчиларига	300
2 Олингани фойзлар	20
3 Олингани субсидиялар	10
Жорий яромат ( $1 + 2 + 3$ )	5030
II 1. Сошиб олинган материаллар ва хизматлар	2000
2 Амортизация ажрагаси	200
3 Соликлар(ишлаб чиқарини учун)	130
4 Ишсониарварлик фойдига тўлов	50
5.1 Иш ҳаки	1500
5.2 Натура билан иш ҳаки	300
6. Сонетрах	60
7. Тўланган фойзлар	40
Умумий харажатлар( $1+2+3+4+5+6=+7$ )	4280
III Корхона фойзи(солик олингунча)	750
ишу жумлашт. фойдалан солик	150
ливисенълар	200
колик фойда	400

3-жадвалдаги күрсаткичларни бухгалтерия хисоботлари-дан олиш мүмкін. Бу күрсаткичларни МХТ тартиби бүйіча Т күрінишидеги счётда ресурслар ва уларни ишлатилиши тартибіда ёзіп чиқамиз (4-жадвал).

4-жадвал

Ишлатилиши	Ресурслар
Материалдар ва хизмалдар	2000
Аморгизация	200
Солиқлар(иншаб чиқарып учун)	130
Инсониарварлық тұлови	50
Иш хаки	1500
Натура билан иш хаки	300
Соцстрах	60
Тұлаптан фойзлар	40
Корхона фойласи (солиқ олингүнч)	750
шп жумлалан:	
фойдалан солик	150
тұлаптан ливиденттар	200
қолдик фойда	400
<b>Жами</b>	<b>5030</b>
	<b>Жами</b>
	<b>5030</b>

Биз юқорида корхонанинг даромадлари ва харажатлари хакида фикр юритдик. Маълумки, маҳсулотни сотищдан түшган даромадлар корхонанинг хисобот даврида иншаб чиқарған маҳсулотидан ташқари, тайёр маҳсулот захирасидаги маҳсулотни сотиши өзазига олинган бўлиши мүмкін. Шунинг учун, корхонанинг хисобот даврида яратган даромадини билиш учун, захиранинг хисобот боши ва охиридаги холати тұғрисидаги ахборотлар керак бўлади. Фараз килаильик, тайёр маҳсулот захирасинини хисобог бопидаги холати 500 га ва охирида 900 га тенг бўлсин. Бундан хулоса шуки, захиранинг ўзгариши  $900-500=400$ га тенг, яъни 400 бирлик маҳсулот хисобот даврида сотилмай захирага түшган. Бу маҳсулот хисобот даврида ишлаб чиқарилгани учун унинг миқдори ялпи ишлаб чиқариш хажмиға қўшилади. Бу маҳсулот харажатларини, бор ахборотлардан фойдаланган холда хисоблаб чиқамиз.

Бу маҳсулотни ишлаб чиқаришида кетган маҳсулот ва хизматлар харажати(оралиқ истесьмол):  $2000:5000 \times 400 = 160$ ;

Иш хаки  $(1500+300):5000 \times 400 = 144$ ;

Соцстрах  $60:1800 \times 144 = 5$ ;

Фойдалан солик (400-160-144-5) x (150:750)=18;

Колдик фойда 91-18=73;

Бажарилган хисоб натижаларини мос равишида турұхлаймиз, яғни даромад күрсаткичларини ресурста ва харажаттарни мос равишида ишлатилишта ёзиг, 5-жадвалта әга бўламиз.

5-жадвал

Ишлатилиши		Ресурслар	
Материаллар ва хизматлар	2160	Согин ҳажми	5000
Амортизация	200	-товарлар	3000
Соф соликлар(и.ч учун)	120	-хизматлар	2000
Сонетрах	65	Захиранини ўярини	400
Соф фоизлар 40-20	20		
Корхона фойласи (фойдалан солик олиннунча)	841		
шу жуммадан: фойдалан солик тўланган дивидендиар	168		
коллик фойда	200		
	473		
Жами	5400	Жами	5400

5-жадвалда келтирилган ахборотлардан фойдаланиб, корхонанинг қўшилган қиймат күрсаткичи бўйича ҳисоботини тузамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Ишлатилиши		Ресурслар	
Оралик ишеммол	2160	Согин ҳажми	5000
Ялии қўнилишан қиймат (5400-2160)	3240	-товарлар	3000
Асосий капиталини ишеммои	200	-хизматлар	2000
Соф қўнилишан қиймат (3240-200)	3040	Захиранини ўзгарини	400
Жами	5400	Жами	5400

Топилган ялпи(соф) қўшилган қиймат күрсаткичи корхонанинг кузатилаётган даврдаги ишлаб чиқариш фаолиятини характерлайди. Бу күрсаткичда қайта ҳисоблар йўқ. У корхона томонидан янги яратилган қийматни миқдорини ифодалайди.

## VII боб. Миллий хисоблар тизими счёtlари таркиби

### 1. Счёtlарни тузишнинг умумий қоидаси ва схемаси

МХТда счёtlар мухим ўрин тутади. Улар институцион бирликлар ўртасида буладиган узиро иктисолий операцияларни қалы этиш учун ишлатилиди. Кайд этилаётган операциялар резидент ва норе зилен институцион бирликлар ўртасида булаётган иктисолий операцияларни қамраб олади. Счёtlари ёзувлар система-да қабул қилингандар тармок, сектор(куни сектор) ва бошқа классификациялар бўйича (ҳар бир иктисолий операция бўйича эмас) операциялар гурӯчлари(ялни ишлаб чиқарин, истеъмол, экспорт ва х.к.) бўйича умумланган ҳолда ёзib борилади. Айрим ёзувлар икки иктисолий бирлик ўртасидаги операциялар натижалари бўлмай, табиий оғаф ёки инфляцион жараёнлар оқибати ва активларнинг ўзгарини натижаларини ифодалайти. Бундан ташкари, бир қанча кўrsatkiчлар иктисолий жараёнларни таҳлил қилиш, умумлангирин ва аналитик хисоблани асосида тоғилиб, счёtlарда ёзилади. Масалан: қўшилган киймат, жамгарма, бирламчи ларомад кўrsatkiчлари баланс методи бўйича жами ресурслар ва уларнинг ишлатилиши ўртасидаги фарқ сифатида хисоблаб топилади. МХТда энг мухим кўrsatkiчлар *аргентлар* деб юритилади. Бунга мисол сифатида Ялпи ички маҳсулот, Ялни миллий даромад, Мислий бойлик курсагтичларини келтирини мумкин.

Счёtlарнинг ёзилиши шакли бухгалтерия счёtlарнга ўхшани. Улар Т-кўринишнда бўлиб, унинг бир томонида ресурсларни, иккинчи томонида уларнинг ишлатилишини ифодаловчи кўrsatkiчлар ёзib борилади. Счёtlарнинг икки томони ҳар доим баланслаштирилади. Баланслаштириш 2 хил усул билан амалга оширилади: 1-баланс усули, яъни счёtnинг ишлатилиши тарафига баланслаштирувчи кўrsatkiч ёзилади. Бу кўrsatkiч кейинни счёtgа ресурс сифатида ўтказилади. Масалан, ишлаб чиқарини счёtiла қушилган киймат кўrsatkiч баланслаштирувчи кўrsatkiч сифатида аниқланади ва кейинги ларомадларнинг хосил бўлиши счёtgiga ресурс сифатида ёзib қўйилади. 2-усул 1-усулдан фарқ қиласи. Бу усулда счёtlарнинг ресурсе ва ишлатилишини таркибида келтирилган иктисолий кўrsatkiчларнинг йигинилилари

бир-бирига тенг келиши лозимлiği асосида тузилганлиги ўз-үзидан бу счёtlарни мувозанатлаштиради. Бундай счёtlарни мисол тариқасида товарлар ва хизматлар йигма счёtlини келтириш мумкин. Бу счёtlини ресурслар ва ишлатилиш кўrsatkiчлари таркиби шундай танланганки, улар тўгри хисоблаб топилганда иккала томон ўзаро мувозанатлашади. Лекин, амалиётда кўrsatkiчларни аниқлаш манбалари турлича ва кўrsatkiчларни хисоблашла эксперт баҳолаш усуллари кўлланилганлиги сабабли "ресурслар" ва "ишлатилиши" кўrsatkiчлари йигиндилари бир-бирига ҳар доим ҳам тенг (ёки якин) бўлавермайди. Орадаги фарқ олагла статистик хатолик деб аталади. Бу хатоликни катта-кичичилиги қараб, ҳисобларнинг қандай дараражада аниқ бажа-рилганлигини билиш мумкин.

МХТда иқтисодиёт секторлари, тармоқлари, ташқи дунё ва бутун мамлакат иқтисодиёти бўйича турли счёtlар тузилади.

Иқтисодиёт секторлари бўйича жорий счёtlар, жамғариш счёtlари, активлар ва пассивлар баланси тузилади.

Жорий счёtlарга куйидаги счёtlар киради:

- ишлаб чиқариш;
- даромадларнинг шаклланиши;
- бирламчи даромадлар тақсимоти;
- ларомадларнинг қайта тақсимоти:
  - пул ҳолидаги даромадларни қайта тақсимлаш;
  - натура ҳолидаги даромадларнинг қайта тақсимоти;
  - иhtiёрдаги пул даромадларининг ишлатилиши;
  - тузатилган иhtiёрдаги даромаднинг ишлатилиши.

Жамғариш счёtlари куйидагилардан иборат:

- капитал ҳаражатлар(операциялар) счёti;
- молия счёti;
- активлар ва пассивларда бошқа ўзгаришлар счёti:
  - а) актив ва пассив ҳажмларида бошқа ўзгаришлар счёti;
  - б) актив ва пассивларни қайта баҳолаш счёti.

Активлар ва пассивлар балансларига куйидагилар киради:

- давр бошига активлар ва пассивлар баланси;
- давр охирига активлар ва пассивлар баланси.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича факат 2ta счёti: ишлаб чиқариш счёti ва даромадларни ҳосил бўлиш счёti тузилади.

Ташки дунё сектори бўйича жорий операциялар счёти, капитал харажатлар счёти ва молия счёти тузилади.

Мамлакат иқтисодиёти бўйича товарлар ва хизматлар йигма счёти тузилади.

## 2. Ишлаб чиқариш счёти

Бу счёт ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнларни ифодаловчи қўрсаткичлар (Ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истемол, қўшилган киймат)нинг ҳосил бўлишини ифодалайди.

### *Ишлаб чиқариш счёти тузилиши схемаси*

Ишлатилиши	Ресурслар
2.Оралиқ истемол	1.Ялпи ишлаб чиқариш
3.Ялпи қўшилган киймат(1-2)	
4.Асосий капиталнинг истемоли	
5.Соф қўшилган киймат(3-4)	

Бу счётнинг қўрсаткичлари ишлаб чиқариш натижаларини таҳдил қилиш имконини беради. Ишлаб чиқариш натижалари биринчи бор ялпи ишлаб чиқариш (**ЯИЧ**) қўрсаткичи орқали қайд этилади. Умуман айтганда, бу қўрсаткич барча ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматларининг йигиндисидан иборат. Бу қўрсаткичининг таркибида ишлаб чиқариш даврида ишлатилган товарлар ва хизматлар қиймати бор. Шу муносабат билан ялпи ишлаб чиқариш қўрсаткичи таркибида қиймаглар қайта-қайта хисобга олинган.

Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва секторларида ялпи ишлаб чиқариш (**ЯИЧ**) қўрсаткичини хисоблаш методлари турлича. Айниқса, хизмат қўрсатиш ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш, бозор ва нобозор ишлаб чиқариш соҳаларида бу қўрсаткичини хисоблаш методлари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Қўйида иқтисодиётнинг турли секторларида **ЯИЧ** қўрсаткичини хисоблаш усусларини кўриб чиқамиз.

Номолия корхоналари секторига кирувчи корхона ва гани-килотлар **ЯИЧ** қўрсаткичи қўйидағи формула орқали аникланади:

$$P = C + Z, \quad (1)$$

бу формулада

P - ялпи ишлаб чиқариш;

С - сотилган маҳсулот ва хизматлар қиймати;

З - тайёр маҳсулот захирасининг ва туталланмаган ишлаб чиқаришнинг ўзгариши.

Тайёр маҳсулот захирасининг ўзгариши қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$3 = 3_1 - 3_0, \quad (2)$$

бу формулада

$3_1$  - захирадаги маҳсулотнинг давр охиридаги қиймати;

$3_0$  - захирадаги маҳсулотнинг давр бошидаги қиймати.

Юқорида келтирилган формулалардан фойдаланилганда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим: 1) маълумки, бу сектордаги корхоналар товар ёки хизматлар ишлаб чиқарадилар. Товарлар моддий несъмат бўлгани учун уларни саклаш мумкин. Товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш даврлари ҳар доим ҳам бир даврга мос келавермайди. Шунинг учун, ЯИЧни ҳисоблаганда захиранинг ўзгаришини ҳисобга олиш керак. Хизматлар эса, моддий эмас. Уларни саклаб бўлмайди. Яъни хизматлар захираси бўлмайди. Одатда, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш даври бир вақтга тўгри келади. 2) МХТда ишлаб чиқариш натижаларини баҳолаш иктисодий жараён юз берган вақтда ва шу даврдаги бозор баҳоларида амалга оширилиши талаб этилади. Шунинг учун ЯИЧ кўрсаткичини ҳисоблашда товар ва хизмагни сотилган вақтидаги эмас, ишлаб чиқарилган вақтидаги баҳоларда ҳисоблаш керак. Айнинса, инфляция жараёнлари юқори бўлган даврларда ёки маҳсулотни узок давр мобайнида сакланиб қолиши натижасида унинг сифати пасайиши ёки ортиши мумкин ва натижада маҳсулотнинг баҳоси камайиши ёки ортиши мумкин) ЯИЧни ишлаб чиқариш ва сотиш даврларидаги қийматида фарқ катта бўлади. Бу фарқ МХТда холдинг фойдаси(ёки зарари) деб юритилади. Бундай ҳолатларда захирадан сотишга олинган тайёр маҳсулотнинг баҳолар ўзгариши ҳисобига хосил бўлган қўшимча(холдинг фойдаси) ёки йўқолпан қиймат(холдинг зарари) миқдорини қўйидаги формула орқали ҳисоблаш тавсия этилади:

$$X = L - M, \quad (3)$$

бу формулада

X - холдинг фойдаси(K) ёки зарари(-);

L - захирадан сотишга олинган товарнинг захирадан олинаётган вақтдаги баҳодаги қиймати;

M - захирадан согишга олинган товарнинг захирага жўнатилаётган вақтдаги баҳодаги қиймати;

Инфляция миклори юкори бўлган ҳолатларда ЯИЧ кўрсаткичини хисоблашада (3) формулани қўйлаш мумкин. Бунинг учун (1) формула билан аниқланган ЯИЧ кўрсаткичидан ҳоддини фойдаси  $X$  ни айриб ташлаймиз ва натижадаги формулага эга бўламиз:

$$P = C + Z - X, \quad (4)$$

Шу ўринда айтиш жоизки, (3) формулалан фойдаланганда ҳолдинг фойдаси плюс ишора билан, ҳолдинг зарари эса минус ишора билан чиқади. Шу муносабат билан, ҳолдинг фойдаси (1) билан аниқланган ЯИЧ кўрсаткичидан айрилиган, ҳолдинг зарари эса қўшиб қўйилган бўлади. Юкорида айтишларни кўйидаги мисолда кўрамиз. Мисолда юкорида ишлатилган белгилардан фойдаланамиз. Кузатилаёттан ( $T$ ) даврда корхонада 100 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу даврда маҳсулот баҳоси 10 сўмдан бўлган. Шу даврда сотилин маҳсулог миклори 150 бирлик, ёки  $C = 150 \times 10$ ; Захирадан 50 бирлик маҳсулот олинганини хисобга олсак, захиранинг бошлангич ва шу даврнини охиридаги ҳолати қўйилатча бўлади:

$$Z_0 = 200 \times 5; \quad Z_1 = 150 \times 5;$$

Берилганлардан  $L$ ,  $M$  ва  $X$  ларни топамиз:

$$L = 50 \times 10 = 500; \quad M = 50 \times 5 = 250;$$

$$X = L - M = 500 - 250 = 250.$$

Топилганларни (2) ва (1)га қўямиз:

$$Z = Z_1 - Z_0 = 750 - 1000 = 250;$$

$$P = C + Z - X = 1500 + (-250) - 250 = 1000;$$

Шуңдай қилиб, юкорида келтирилган мисоддан кўриниб турибдики, ЯИЧ хажми 1000га тент, захиранинг ўзгариши -250 га тент, ҳолдинг фойдаси 250га тенг. Агарда (1) формулани тўғридан-тўғри қўллаганимизда ЯИЧ хажми  $(1500 - 250) = 1250$  га тент бўлар эди. Бу эса, ЯИЧ хажмини тўғри ифодаламайди.

Давлат бошқарув ташкилотлари ва уй хўжалигини хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар ЯИЧ кўрсаткичини келтирилган (1) формула билан аниқлаб бўлмайди. Чунки бу ташкилотларда молдий неъма (маҳсулог)лар яратилмайди ва, ўз навбатида, маҳсулотлар захираси ҳам йўқ. Бундай ташкилотлар коллектив ва индивидуал хизматлар кўрсатадилар. Бу ташкилотлар ЯИЧ кўрсаткичи уларнинг фаолиятига кетган харажатлар йигиндиси микдорида аниқланади. Бу харажатлар кўйидагилардан иборат:

- оралиқ истесъмол учун сарф қилинган маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати;

- фаолият юритишига кетган иш хақи харажатлари миқдори;

- ишлаб чиқаришни юритиш учун тўланган соликлар миқдори;

- асосий ишлаб чиқариш воситаларини тиклаш учун ажратилиган ажратмалар (асосий капиталнинг истесьмоли).

Айрим ҳолларда, юқорида келтирилган нобозор хизмат кўрсагувчи ташкилотлар хизматлари эвазига маълум миқдорда (одатда, хизмат киймагидан кам) хақ олишлари ва айрим маҳсулотларни сотишилари мумкин. Масалан: болалар бοгчалари отаоналардан болалари бοгчага бοргани учун қисман хақ(лекин бу тўланган хақ болаларнинг бοгчада бўлгани учун ҳамма харажатни тўла қопламайди) оладилар. Кутубхоналар китобни уйга берганлиги учун ҳақ оладилар. Бундан ташқари, музейлар эсдалик маҳсулотлари(сувенирлар) сотиши мумкин. Шунга қарамасдан, ЯИЧ миқдори бу корхоналарда ишлаб чиқаришга қилинган сарф харажатларнинг умумий миқдори сифатида хисобланади. Агарда корхона бозор ва нобозор ишлаб чиқариш билан шугулланса, уларнинг миқдори алоҳида — алоҳида хисобланади. Бу ҳолда нобозор ишлаб чиқариш миқдори корхонанинг умумхаражатларидан бозор ишлаб чиқаришдан олинган даромадни айриш орқали топилади.

Молия корхоналари секторига кирузчи корхоналарнинг ЯИЧ кўрсаткичи ҳам (1) формула билан аниқланмайди. Банк ташкилотларининг ЯИЧ кўрсаткичи кўйидагича аниқланади:

$$P = P_1 - P_0, \quad (5)$$

бу формулада,

P- банк ташкилотларининг ЯИЧ кўрсаткичи;

$P_1$ - банклар томонидан қарз ва кредит берганлиги учун олган даромад (фоиз)лари миқдори;

$P_0$  - банклар томонидан олинган ресурслар учун тўланган харажат(фоиз)лар миқдори.

Формуладан кўриниб турибдики, банкларнинг ўз маблагларидан қарз ва кредит бериб турганлигидан оладиган фоиз даромадлари ва бошқа тушумлар (5) формулада хисобга олинмайди. Бу даромадлар ва тушумлар МХТда мулкдан олинган даромад хисобланади ва ЯИЧ хажмига қўшилмайди. Чунки банкларнинг ЯИЧ кўрсаткичи, рисолага кўра, уларнинг воситачилик фаолиятларининг натижасини характерловчи кўрсаткичdir. Банкларнинг асосий вазифаси бўши молия ресурсларини топиб, жамлаб,

истеъмолчиларға сіказиб беришдан иборатли ини ҳисобға олсақ, (5) формула уларнинг фаолият натижасини түгри ифодалайды.

Шуни айтиш лозимки, банклар юкорида айтилган фаолияттадан ташқари, мижозларга уларнинг қимматли қогоzlарини саклаш, валютаны алмаштириш ва бошқа хизматлар кўрсатадилар. Уларнинг бу хизматлари эвазига олинган даромадлари ҳам ЯИЧ кўрсаткичи сифатида ҳисобга олинади.

Молия корхоналари секторига кирувчи сугурга корхоналарининг ЯИЧ кўрсаткичи куйидаги формула орқали аниқланади:

$$P = R - K + Q - N, \quad (6)$$

бу формулада

P - сугурта корхоналарининг ЯИЧ кўрсаткичи;

R - сугурта корхоналарига тўланған сугурта бадаллари;

K - сугурта корхонаси томонидан тўланған сугурта котиламаси;

Q - сугурта корхонасининг сугурта резервларини инвестиция жараёнларига жалб этиб, олган фойзлари;

N - сугурта техник резервларининг ўзгариши.

Миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари (УХ) жуда катта ўрин тутаги. Чунки, ҳар бир давлатнинг широрвард мақсади халқини фаровон турмушини таъминлашга қаратилган. УХ ни МХТда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи сифатида қаралади. Унинг иқтисодий фаолиятини 2га булиш мумкин: ўз истеъмоли ва бошқа истеъмолчилар учун товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш. Маълумки, УХда оила ва оила аъзоларини ўзлари ва оила аъзоларига кўреянган хизматлари МХТда ишлаб чиқариш сифатида қаралмайди. Лекин, УХ томонидан ўз истеъмоли ва бозор учун ишлаб чиқарилган товарлар ишлаб чиқариш сифатида қаралади. Чунки, ишлаб чиқарилётган товарларни ўз истеъмоли ёки бозор учун эканлитини чегаралашиб қийин. Масалан: оила ўз томорқасида оила истеъмоли учун картошка стиштириш ва 200 кг картошкага олди. Олинган хосил мўжалланганидан 50 кг ортиқ чиқди. 50 кг, оила истеъмолидан ортиқча маҳсулот бозорда сотилиди. Шунинг учун, УХнинг куйидаги иқтисодий фаолиятлари, ўзи ёки бозор учун бўлишидан катъи назар, ишлаб чиқариш сифатида қаралади:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиши ва уларни саклаш. Ҳар хил мева ва зираворларни, ўрмон маҳсулотларини (дўлана, доривор ўтлар, исирик ва х.к.) югиши. Дараҳтларни кесиб ёғоч ва ўтин тайёрлаш. Асалчилик, овчилик ва балиқ тувиши;

- кишилөк хүжалик махсулотларини қайта ишилаш, тери тайёрлаш, гүштли ва мевали консервалар, қази тайёрлаш, гузламалар, мураббо ва компюлторлар, мева кокилари, ёгжувозларида ёг олиш, торт, печене, кандолат махсулотлари ва турли пиширик(нон, сомса, патир, хасип ва ҳ.к.)лар тайёрлаш ва сотиш, сут махсулотларини тайёрлаш (сарёг, сузма, қатик, пишлок, курт ва ҳ.к.), вино, пиво, спирт тайёрлаш, савағчалар ва ҳар хил уй жиҳозларини түқиши ва бошқалар;

- ҳар хил кийим кечакларни түқиши, тикиш, оёк кийимларини (туфли, махси, ковуши ва ҳ.к.) тикиши, ўймакорлик ишилаши, уй жиҳозларини тайёрлаш, мебель тайёрлаш, бешик ва беланчаклар ясанш ва бошқалар.

Сирасини айтганда, юкорида көлтирилган УХларининг ишилаб чиқарини фаолиятларини яна давом эттириш мумкин. Чунки уларнинг фаолиятлари кўп қиррали ва ранг баранг. Ўйлаймизки, көлтирилганлардан УХларни ишилаб чиқариш фаолиятларининг четарасини билиб олиш учча қийин эмас.

Юкорида айғилганлардан гашқари, яна қўйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтишини зарур деб ҳисоблаймиз:

-аҳолининг ўзи томонидан ўз уйини майдада таъмираш, лекорация ҳолатини ўзгартириш билан ботлиқ кичик ҳажмдаги ишилар ишилаб чиқариш сифатида қаралмайди. Лекин, бундай ишиларниң кўлами катта бўлса(уйни янгитдан суваш, бўяш, томини янгилани, янги хоналар куриб кентгайтириш каби), бу ҳолла бу ишилар ишилаб чиқарини сифатида қаралиб, УҲнини ЯИЧ кўрсаткичига қўшилади;

-куп мамлакатларда турар жойлар, асосан, хусусий шахслар(уй эгалари)га тегинили бўлганин учун, аксарият ахоли уйларда уй ҳақи(ижара) туласаб турадилар. Уй эгаларининг уйни ижарага бериб турганликлари, МХТда уй эгаларининг уй хўжалигига ижара хизмати кўрсатиш деб талқин этилади. Ижара хизмати эса, ҳар доим ишилаб чиқарини деб қаралган. Шу муносабат билан, МХТда уй уйларнига истиқомат килювчи уй хўжаликлари учун шарғли равнишда ижара хизмати кўрсатилган деб ҳисобланниб, шарғли ижара ҳақи ишилаб чиқарини ҳажмнига қўшиб қўйилади;

-уй хўжалигига(оиласа) бажарилётган ишилар оила азвозларидан бошқа шахслар(ёлланган уй хизматчилиси, бобон, шофёр ва ҳ.к.) томонидан бажарилса, хизматнинг қайта-кичклигидан қагъи назар (уй хўжалигининг харажати миқдорида) ишилаб чиқарини сифатида қаралади.

Биз юқорида мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва секторларида ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини хисоблаш усуллари устида қисқача тұхталдик. Маълумки, ЯИЧ күрсаткичи оркали корхона, иқтисодиёттің тармоқ ва секторлари хамда бутун мамлакат иқтисодиётининг қандай ривожланаётгандығын тұғрисида тұлағасаввур ҳосил қила олмаймиз. Чunksи, ЯИЧ күрсаткичи үз таркибида ишлаб чиқариш ҳажмларини тақрор-тақрор хисобға олади. Масалан: новвойхона ЯИЧни хисоблаганда нон маҳсулотини ишлаб чиқариш учун керак бўлалиган ун, ёғ, ачитки(хамиртуруш), энергия ресурслари ва х.к.лар қиймати хам новвойхона ЯИЧ ҳажмида ва шу маҳсулотларни ишлаб чиқарған корхоналарнинг хам ЯИЧ ҳажмида хисобға олинган. Аслида, нон ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ун ва бошқа маҳсулотлар бошқа корхона томонидан яратылған қийматдир. Ўз-ўзидан куриниб турибдик, новвойхонанинг иқтисодий фалиятиның қандай кечәётгандығын тұғри аниклаш учун новвойхона ЯИЧ күрсаткичидан бошқа корхоналар томонидан қўшилған улусини айриб ташлаш лозим. МХТда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол(ишлатилган) товар ва хизматлар қиймати *оралиқ истеъмол*(ОИ) дейилади. Келтирилған мисолда, нон маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ишлатилған ун ва бошқа маҳсулотлар қиймати ОИ бўлади.

Умуман айтганда, ОИга ишлаб чиқариш мобайнида ишлатилған хом ашё, бутловчи материаллар, ёқилғи, электроэнергия, майда асбоб-ускуна(асосий фондлар(капитал) харажатларидан ташқари) харажатлари, номоддий хизматлар (реклама, аудиторлик ва юридик хизмат ва х.к.)харажатлари ва шу каби харажатлардан(ишлаб чиқариш майдонлари, машина ва станокларни аренда харажатлари) иборат. ОИга асосий капиталнинг истеъмоли(амартизация) харажатлари кирмайди.

Оралиқ истеъмол охирги истеъмолчи сотиб олган баҳоларда, савдо-транспорт устамасини қўшган холда баҳоланади. Агарда, корхона ишлаб чиқарған маҳсулоти учун қўшилған қиймат солиги(КҚС)ни тұлаши лозим бўлса, ОИ га ишлатилған маҳсулот ва хизматлар баҳосига қўшилған КҚС ОИ таркибига киритilmайди. Акс холда, ОИ қийматини баҳолашда КҚС ҳам хисобға олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ОИ микдори уларни ишлаб чиқаришда ишлатилаётгандык(сотиб олинган баҳоларидан эмас) вақтдаги бозор баҳоларидан хисобланishi керак. Чunksи, инфляция

жараёнларининг юқори бўлиши, оралик иштимолга ишлатилаётган товарларнинг сотиб олиш ва ишлаб чиқаришла ишлатилиши вактидаги баҳоларида анча фарқ бўлиши мумкин. Баҳолар ўртасидаги фарқ натижасида корхоналар холдинг фойдаси оладилар. Холдинг фойдаси корхонанинг иккисодий фаолияти натижасида хосил бўлмагани учун, ишлаб чиқарини сифатида ҳисобланмаслини керак. МХТда бу холдинг фойдасини ишлаб чиқарини хажмидан айриб ташлаш керак.

Тушунарли бўлиши учун мисол келтирамиз. Новвойхона январь ойида 10 т унни 200минг сўмга(хар килосини 20 сўмдан) харид киради. Январь ойида 4 т (80минг сўмлик) ун сарф қилиниб, 160 минг сўмлик (асосий баҳода) нон маҳсулоти тайёрланган ва иштимолчига сотган. Февраль ойида уннинг нархи 15 % га ошган бўлесин. Маҳсулот ассортименти, бошқа оралик иштимол маҳсулотларига нарх ва солик ставкалари ўзгармаган. Бу ойда ҳам новвойхона 4 т (92 минг сўмлик) ун ишлатиб, 172 минг сўмлик(асосий баҳода) нон маҳсулоти тайёрлаган ва иштимолчига сотган. Колган 2 т ун март ойида ишлатилан. Март ойида уннинг нархи 10% ошган бўлесин. Берилганлардан новвойхонанинг февраль ойида  $20 \times 0,15 \times 4000\text{кг} = 12000$  сўм) ва март ойида  $20 \times 0,15 + 23 \times 0,10 = 3+2,3 = 5,3 \times 2000\text{кг} = 10600$  сўм) жами 22600 сўм холдинг фойдаси олганлигини ва новвойхонанинг январь ва февраль ойларидаги ялпи ишлаб чиқарини 160 минг эканлигини билиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, корхона, мамлакат иқтисодиётининг тармок ва секторлари, бутун мамлакат иқтисодиётинини равожланиш ҳолатини ялпи қўшилган қўймал (**ЯҚҚ**) кўрсаткичи орқали биғини мумкин. Одатда, бутун мамлакат иқтисодиёти иззарда тутилганда бу кўреаткич Ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**) деб юритилади. Бу кўреаткич ишлаб чиқарини счётида мувозанатлаширувчи кўреаткич бўлиб, **ЯИЧ** дай оралик иштимолни айриш орқали тошилади. **ЯИЧ** кўреаткичи қандай баҳоларда (асосий, ишлаб чиқарувчи) ҳисобланишига қараб, **ЯҚҚ** кўреаткичи ҳам ўша баҳоларда ҳисобланган бўлади. Умуман, мамлакатда иқтисодий фаолият кўрсатаётган барча резидент институцион бирликларнинг **ЯҚҚ** кўреаткичлари йигинласи **ЯИМ** га тен. Амалиёғда, **ЯҚҚ** кўреаткичини ҳисобланада кўлланилаётган баҳо тизимига мос равишда **ЯИМ** кўреаткичини қўйнаги формула сркали ифодалаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯҚҚ} + N - S, \quad (7)$$

бу формулада

**ΣЯКК** - мамлакат иктисолиётида фаолият кўрсатасётган барча резидент институцион бирликларнинг **ЯКК** кўрсаткичларининг йигиндиси (асосий баҳоларда);

**N** - маҳсулот учун олинган соликлар йигиндиси;

**S** - маҳсулот учун тўланган субсидиялар йигиндиси.

Агарда **ЯКК** ишлаб чиқарувчилар баҳосида ҳисобланган бўлса, у ҳолда қўйидаги муносабат ўринли бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma\text{ЯКК} + \text{ККС} + \text{У},$$

бу формулада

**ΣЯКК** - мамлакат иктисолиётида фаолият кўрсатасётган барча резидент институцион бирликларнинг **ЯКК** кўрсаткичларининг йигиндиси (ишлаб чиқарувчилар баҳоларида);

**ККС** - қўшилган қиймат соликлари йигиндиси;

**У** - мамлакат бўйича соф импорт(экспорт-импорт) соликлари;

**ЯИМ** ва **ЯКК** кўрсаткичларида “ялпі” сўзини ишлатилишига асосий сабаб, бу кўрсаткичлар ҳисобланганда улар таркибидаги асосий капиталнин истеъмоли(АКИ) кўрсаткичи қўшиб ҳисобланган. Аслида асосий капиталнинг микдорини алоҳида ҳисоблаш тавсия этилади. Лекин амалиётда бу кўрсаткичи аниқ ва МХТ талаблари асосида ҳисоблаш мураккаб масала. Чунки бухгалтерия ҳисобларида асосий капиталнинг истеъмоли (амортизация)ни ҳисоблаш усули МХТ қоидаларига мое келмайди. Бухгалтерия ҳисобларида бу кўрсаткич асосий фондыарни боғлангич(сотиб олинган) қиймаларида, МХТда эса асосий фондларни ишлаб чиқаришда ишлатилганда йўкотган, яъни узарни тикиш қийматлари (асосий фондларни яна ўз холига келтириб қўйишга кетадиган харажат микдори) ҳисобланади.

Агарда **АКИ**ни тўри ҳисоблаб, **ЯИМ**дан чегириб таџланса, ҳосил бўлган микдор соф ички маҳсулот(**СИМ**) дейилади. Ўз навбатида, шу усулда ҳисобланган қўшилган қиймат кўрсаткичи соф қўшилган қиймат(**СКК**) деб аталади.

### 3. Даромадларнинг шаклланиши счёти

#### Счётининг түзиллии схемаси

Ишлатилини	Ресурслар
2 Иш хақи	1. Я.ни қунилган қиймат (асосий баҳоларда)
3 Бевосита ишлаб чиқарини учун соф соликлар:	
- соликлар	
- субсидиялар(-)	
4 Асосий капиталнин иштэмоли	
5. Фойда ва аралаш даромад	

Бу счёт ишлаб чиқаришида банд бўлган институцион бирликларнинг бирламчи даромадларини хосил бўлни жараёнини ифодалайди ва ЯҚҚ курсаткичини ташкил қилувчи кўреаткичлар таркибини ифодалайди. Схемадан кўриниб туриблики, ЯҚҚ кўреаткичи иш хақи, бевосита ишлаб чиқариш учун соликлар, асосий капиталнин иштэмоли, фойда ва аралаш даромад кўреаткичлари йигиндицидан бевосита ишлаб чиқариш учун давлат томонидан берилган субсидияларни айрини орқали топилади. Одатда, ЯҚҚ ни бундай топиш даромад усули леб юритилади.

ЯҚҚ кўреаткичи мамлакатдаги барча резидент институцион бирликларнинг асосий баҳоларда хисобланган қўшилган қиймат кўреаткичлари йигиндицидан иборат.

*Иш хақи* кўреаткичи бухгалтерия хисобида ишлатиладиган “иш хақи” кўреаткичидан бирмунча фарқ қиласди. МХТ да иш хақи таркиби икки килемдан иборат: 1) ишчи-хизмагчиларга ёзиладиган иш хақи, уларга ишлаб чиқаришила қатнашганликлари учун бериладиган мукофотлар ва қўшимчалар даромад солити билан бирга; 2) иш хақидан (мажбурий) социал сугурта фондларига ажрагма(сонетрах). Иш хақи таркибига ишлаб чиқаринида катназшган барча резидент ва норезидент бирликларга берилган иш хақининг хаммаси киради.

*Бевосига ишлаб чиқарини учун соф соликлар* бевосига ишлаб чиқариш учун гўтанган соликлардан олинган субсидияларнинг айримасидан иборат. (Бу соликлар ва субсидиялар маҳеус адабиётларда ишлаб чиқариш учун бошқа соликлар ва субсидиялар деб юритилади). Бу соф соликлар ишлаб чиқарини факторлари:

ер, ишлаб чиқариш майдонлари, транспорт воститалари, ишчи кучи ва шу каби ишлаб чиқариш факторлари учун түланган ва олинган субсидияларнинг айирмасидан иборат. Олатда, бу кўрсакич соғ холда қайд қилинади.

Кейинги кўрсакич асосий капиталнинг истеъмоли кўрсакичи бўлиб, бу кўрсакич ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий фонdlар(ишлаб чиқаришда I ва ундан ортиқ йил муддатда ишилтиладиган асосий ишлаб чиқариш воститалари) ишлаб чиқариш мобайнида йўқотган қийматини тиклаш учун керак бўладиган қийматдан иборат. Бу кўрсакич МХТда асосий воститаларни сотиб олинган вақтдаги баҳоларда эмас, ишлатилган даврдаги бозор баҳоларидаги қийматида эскирганлитики тиклаш учун кетадиган харажатлар микдорида хисобланади.

*Фойда* кўрсакичи номолия ва молия корхоналарининг даромадларни ҳосил бўлиши счётидаги мувозанатлаштирувчи кўрсакич бўлиб, корхоналарнинг маҳсулотлар учун солиқлар тўлагунча бўлган фойласидан иборат.

*Аралаш даромал* уй хўжалиги секторига қарашли нокорпоратив корхоналарнинг даромадларини ҳосил бўлиши счётидаги мувозанатлаштирувчи кўрсакичидir.

Агарда ЯҚҚ кўрсакичи ишлаб чиқарувчилар баҳосида хисобланған бўлса, бу кўрсакич ўрнига ЯИМ кўрсакичи ёзилади. Бу холда счётнинг тузилиш схемаси қуйидаги кўринишга келади:

Ишлатиливи	Ресурслар
3. Иш ҳақи	1. Ялни ички маҳсулот(ишлаб чиқарувчилар баҳоларида)
4. Ишлаб чиқарили ва импорт учун солиқлар:	2 Ишлаб чиқаринг ва импорт учун субсидиялар(-) -маҳсулот учун субсидиялар; -бевосита ишлаб чиқарии учун субсидиялар
- маҳсулот учун солиқлар; - бевосита ишлаб чиқарии учун солиқлар	
5. Асосий капиталнинг истеъмоли	
6. Фойда ва аралаш даромал	

Бу счёта келтирилган маҳсулот учун солиқ кўрсакичи институцион бирликларнинг давлат секторига маҳсулот(хизмат) истеъмолчига етказилаётганда маҳсулот (хизмат) бирлигига нисбаган истеъмолчилар томонидан тўланадиган солиқлардан

иборат. Бу солик таркибига қүшилған қиймат, акциз, импорт, экспорт соликлари киради.

*Маҳсулот үчүн субсидиялар* давлат томонидан ишлаб чыкарувчиларга маҳсулот(хизмат) ишлаб чыгарғанларды, экспорт ва импорт күлгөнлөрдөрдүн маҳсулот(хизмат) бирлигиге ишбатан бериладиган субсидиялардан иборат.

#### 4. Бирламчи даромадларнинг таксимоти счёти

Бу счётда иктиисодиёт секторларда товарлар ва хизматтар ишлаб чыкариши мобайнида яратылган даромадларнин институцион секторлар ўргасыда бирламчи ларомад сифатида тақсимланыш жараёни күрсатылади. Бирламчи даромад деганда, институцион бирликларнинг ишлаб чыкаришида қатнашганларды туфайли туланиши лозим бўлган даромадлардан ва ўзларига карашли мулкдан бошқалар ишлаб чыкаришда фойдаланганларды учун тўлашлари лозим бўлган тушумлардан иборат.

#### *Бирламчи даромадларнинг таксимоти счёти*

Интилизими	Ресурслар
5 Мулк учун ларомадлар (тўланни)	1.Фойда ва арадани даромад
6.Бирламчи даромадлар салъоси (1+2+3+4-5)	2.Мулк учун ларомадлар (олингани)  3.Ишлаб чыкариши ва импорт учун соғ соликлар (соликлар-субсидиялар) 4.Иш ҳаки (резидентлар учун)

Счётнин ўнг (ресурс) тарафида секторлар томонидан олинган бирламчи даромадларнин турлари ёзилади. Счётнин чап тарафида эса, иктиисодиёт секторлари томонидан бирламчи даромад сифатида бошқа секторларга ва норе зидентларга мулк учун тўланган ларомадлар кўрсаткичи ва иктиисодиёт секторларининг бир-бирларидан ва норезидент бирликлардан олган бирламчи даромадлари ҳамда уларга тўланни ўртасидаги фарқ - *бирламчи ларомадлар салъоси* кўрсаткичи ёзилади.

Куйилда бу счётда кайд этилган кўрсаткичларни маъноени ёритишга ҳаракат қиласиз. Фойда ва арадаш даромад номология, молия ва майда нокорпоратив (уй хўжаликлари тасарруфидаги) корхоналарнинг бирламчи даромадларидан иборат бўлиб, фойда

күрсаткичи юкорида зикр этилган корхоналарнинг тақсимланмаган фойдалари йигиндисига тенг. Майдада уй ҳўжаликларига қарашли нокорпоратив корхоналарда ёлланган ишчилар иш ҳаки оладилар, корхона эгаси эса, одатда, иш ҳаки олмайди. Натижада, бундай корхоналарда фойда кўрсаткичи таркибида тўланмаган (ёки корхона эгаси томонидан олинмаган) иш ҳаки ётади. Шу сабабли, бундай корхоналарнинг фойда кўрсаткичи аралаш даромад деб юригилади.

Фойда ва аралаш даромад кўрсаткичлари одатда асосий капиталнинг истеъмоли кўрсаткичи билан бирга қўшиб хисобланади. Бунга сабаб, кўп ҳолларда асосий капиталнинг истеъмоли(АКИ) кўрсаткичини хисоблаш учун ишончли ахборот манбаларининг йўқлигидир. Агарла бу кўрсаткичлар АКИ кўрсаткичини кўйшасдан хисобланса, *соф фойда* ва *соф аралаш даромад* деб аталади.

*Мулк учун даромад* дейилганда, мамлакатнинг ва иқтисодиёт секторларининг ўзига қарашли бўлмаган мулклардан ишлаб чиқаришда фойдаланганликлари учун тўлаган ва ўзларига қарашли мулкларидан бошқа институцион бирликларда фойдаланганликлари учун олган даромадлари тушунилади. Бу кўрсаткич таркибига: олинган фоизлар, дивиденdlар, рента ва молиялантириши(инвестиция) натижасида мамлакат ички секторлари ва чет элдан олинган даромадлар киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, уй-жой ва ишлаб чиқариш майдонлари(жойлари)ни ижарага берганлиги учун олинадиган ижара ҳаки мулкдан олинган даромад сифатида талқин этилмайди. Бундай ҳолларда, ижара ҳақига - хизмат учун тўлов сифагида каралади.

*Ишлаб чиқариш ва импорт учун соф соликлар (ИЧИСС)* икки қисмдан: 1) бевосита ишлаб чиқариш учун соф соликлар; 2) маҳсулот учун соф соликлардан иборат. Соликлар институцион бирликлар томонидан давлат бирликларига мажбурий равишда тўланадиган тўловлардир. Субсидиялар эса, давлат томонидан институцион бирликларга ишлаб чиқаришни қўллаб -куватлаш мақсадида бериладиган тўловлардан иборат. Субсидиялар ўз характеристига кўра мамлакатнинг (давлат бошқарув идоралари секторининг) бирламчи даромадлари хисобидан бошқа секторларга берилгани учун минус ишора билан ёзилади. Соликлар ва субсидиялар айирмаси, одатда, *соф соликлар* деб юритилади ва у давлат бошқарув идоралари секторининг *бирламчи даромади*

хисобланади. Шуни айтиш жоизки, даромад ва бойлиқдан олиналықтар (күриниши жихатидан давлат ташкылолтариға тұланишига қарамай) бирламчы даромад сифатида қаралмайди. Улар қайта тақсимлаш операциялари сифатида қаралади.

Иш ҳақи күрсаткичи бу счётда мамлакатдаги барча резидент бирликларнинг мамлакат ичида ва ташқарисида ишлаб чиқариңында күрсатған фаолиятлари натижасида олған иш ҳақларининг(соликлар билтан) йигиндисидан иборат. Ўз-ўзидан күриниб туриблики, бу күрсаткич даромадларнин шаклланиши счётидаги иш ҳақи күрсаткичидан фарқ қиласы. Чунки, даромадларнинг шаклланиши счётида иш ҳақи мамлакат иктиносидөтида ишлаб чиқаришда қатнашған резидент ва норезидент бирликларнинг иш ҳақи йигиндисидан иборат әди.

Юкорида таъкидланғаныдек, МХТда *мұлк* үчүн(мұлқдан олинған) даромад деганда, молия ва ишлаб чиқарылмаган (ер, конлар ва х.к.) активлар эгаларининг бу активларни бошқаларга вакътинарлық фойдаланышта берганліктери учун оладиган даромадлари (процентлар, лизидендлар ва бошқалар) тушунилади.

*Мұлк* үчүн даромадлар(олингани) мамлакат резидент бирликларинин резидентлар ва норезидентлар мұлкларидан фойдаланғанлары учун олишлари лозим бўлган даромадларидан иборат.

*Мұлк* үчүн даромадлар (тўланғани) мамлакат резидент бирликларининг ўзлари яратган қўшилған қийматлари хисобидан норезидентларнинг мұлкларидан фойдаланғанларидан учун тўлашлари лозим бўлган микдордан иборат.

Институцион секторлар бирламчы даромадларининг таркиби ва ҳисоблаш усули 7-жадвалда келтирилган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жадвалда давлат бошқарув идоралари сектори ва уй хўжалигига хизмат күрсатуви нотижорат ташкылолтарнинг соф фойда күрсаткичлари (А22, А24) ёзилган. Аслини олганда, бу секторлар нобозор хизматлар күрсатганилиги учун уларнинг соф фойдаси бўлмаслиги керак, яни уларнинг соф фойдаси нолга тенг. Лекин бу секторларнинг ишлаб чиқариш күрсаткичлари тўла ва тўғри ҳисобланиши учун шартли равишда фойла күрсаткичларини ҳисоблаш тавсия этилган. Бунинг учун, агарда ушбу секторларнинг ўзларига қарашли (эгалик килаётган) уй-жой ва ишлаб чиқариш майдонлари бўлса, уларни ижарага олганларида кетиши мумкин бўлган харажат микдорига тенг микдорда «шартли фойда» күрсаткичи ҳисобланади, аке

**Институцион секторлар бирламчы даромадлари таркиби**

Күрсаткышлар	Институцион секторлар				
	Номология корхоналар	Данай бондаруздар и төрөлдөр	Үйл шаралыктары	Үйл шаралыктары	Үйл шаралыктары
1. Иш хақи	-	-	A13	-	-
2. Соғф фойда	A21	A22	A23	A24	
3. Соғф аралаш даромад	-	-	A33	-	
4. Ишлаб чыкарыш ва импорт үчүн солиқ (олингани)	-	A42	-	-	
5. Ишлаб чыкарыш үчүн субсидиялар (тұлангани)	-	A52	-	-	
6. Мулк үчүн даромад (олингани)	A62	A62	A63	A64	
7. Мулк үчүн даромад (тұлангани)	A71	A72	A73	A74	
8. Бирламчы даромадлар сальдоси	A21+A61 -A71	A22+A42- A52+A62- A72	A13+A23+ A33+A53 -A73	A24+A64 +A74	

Холда, уларнин «шартлы фойда» күрсаткышчи нолга тенг бўлади. Одатда, бу күрсаткич эксперт баҳолац үсули билан ҳисобланади.

А23 күрсаткышчи эса, хусусий(ўз) үйларида истикомат килувчи үй хўжаликларининг шартлы фойдаларидан (шартли ижара харажатлари микдоридан) иборат.

Иш хақи (A13) күрсаткышчи, мамлакат резидент бирликларининг мамлакат ичидә ва норрезидент бирликлардан олишлари лозим бўлган иш хақидан норрезидентларга тўланиши (ЯИМ ҳисобидан) лозим бўлган иш хақининг айирмасига тенг бўлади.

Мамлакатда ички иктиносидёт секторлари бир-бирларига мулк үчүн даромадни тўлаганниклари ва олганниклари учун,

тўлангани олинганига тенг бўлиб, мамлакат ичидан мулждан олинган соф даромадлар йигиндиси нолга тенг бўлади. Мамлакаг резидент бирликларининг норезидентлардан мулк учун олган ва уларга тўлашлари лозим бўлган даромадлар сальдосини мамлакатнинг чет элдан мулк учун олган (ёки чет элга берган) соф даромали деб аташ мумкин.

Резидент бирликларини чет элдан олган ва норезидентларга берган бирламчи даромалларини сальдоси мамлакатнинг чет элдан олган соф даромади деб аталади. Бу кўрсаткич мусбат ёки манфий микдор бўлиши мумкин.

Мамлакат иқтисодиётидаги барча секторларнинг бирламчи даромадлари сальдолари йигиндиси **миллий даромад** агрегатини досил этади.

Миллий даромад агрегати мамлакатдаги барча резидент бирликларнинг олган бирламчи даромадларининг йигиндисидан иборат бўлиб, бу агрегат ялпи ва соф усууларда, яъни асосий капиталнинг истеъмоли кўрсаткичи (фойда ёки аралаш даромад таркибига) кўшилган ёки кўшилмаған ҳолда хисобланниши мумкин. Агарда бу кўрсаткич ялпи усуулда хисобланган бўлса, **ялпи миллий даромад** (ЯМД) деб аталади. Соф усуулда хисобланганда эса, **соф миллий даромад** (СМД) деб аталади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ЯМД кўрсаткичлари бирбиридан резидент бирликларнинг норезидент бирликлардан ва норезидент бирликларнинг резидентлардан олган бирламчи даромадлари айирмасига (чет элдан олинган соф даромадга) фарқ қиласди.

Одатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ЯМД кўрсаткичи ЯИМ кўрсаткичидан кичик, иқтисодий ривожланган мамлакатларда, аксинча бўлади. Чунки ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга молия киритиб, шу мамлакатнинг ЯИМ ни яратишда катнашадилар ва бирламчи даромадлар оладилар. Бу даромадлар норезидентлар мамлакатларининг чет элдан олган соф даромадини кўпайтиради. Натижада, норезидентлар мамлакатларининг ЯМД кўрсаткичи ялпи ички маҳсулота нисбатан кўпроқ бўлади.

МХТда миллий даромад (ЯМД, СМД) кўреаткичи Халқ хўжалиги баланси (ХХБ) тизимидағи миллий даромад кўрсаткичидан фарқ қиласди. Энг асосий фарқ бу иккала тизимлардаги ишлаб чиқариш ва даромадни хосил бўлиши методологиясининг турлича эканлигидадир. Бозор иқтисодиётига ўтгаётган мамлакат-

ларда МХТнин амалиётта татбиқ этила бориши, мидділік даромад күрсаткичини МХТ методологиясі ассоциаціясынан (динамик қаторларни тиқлаш мәседиде) хисоблашын тақозо этады. Ўтган йилларда ХХБ методологиясі ассоциація хисобланған мидділік даромад ва бошқа ахборот манбалардан фойдаланған ҳолда, МХТнин мидділік даромад күрсаткичини хисобланған мумкин. 8-жадвалда МХТдағы мидділік даромад күрсаткичини ХХБ тизими күрсаткичлардан фойдаланған ҳолда хисоблаш усули көлтирилған. 9 – 13 жадвалларда есі мамлакат иккисіненің секторларининг бирламчы даромад күрсаткичларини ХХБ тизими ахборот манбалардан фойдаланған ҳолда хисобланған усуулари көлтирилған.

Шуни тақидаған лозимки, көлтирилған хисобланған усууларидан фойдаланылғанда бир қанча күрсаткичларга МХТ методологиясі ассоциація тұзатыншылар кириғилини лозим. Мисол тарикасінде бундай күрсаткичлар қаторнан хизметтегі сафарі харажатлары (турар жой харажаты билан күнлик харажаттың фарқлашы керак), захиранинг ўзгариши (нарх-наво ўзгариши билан тайёр маңсулот ва хом ашіп захираларини хисоблашында холдинг фойдааси ёки заарарини хисобба олыш, маңсулот сифаты бузилиши ва бонка сабаблар орқали захиранинг камайиши) ва ноишлаб чиқарынг сохалардати иш хаки күрсаткичларини көлтириш мумкин.

**Миллий хисоблар тизимидағи СМД күрсаткичини  
ХХБ тизими ахборот базасыдан фойдаланыб хисоблаш усули**

Белгиси	Күрсаткичлар	Инкораси
А	ХХБ тизимидағи миллий даромал	плюс
Б	Ноипилаб чиқарип соҳаларида ишчи-хизматчиларнинг иш хақи	плюс
В	Ноипилаб чиқарип соҳаларининг фойда ва аралан даромаллари	плюс
Г	Моддий ишлаб чиқарип соҳаларина күрсатилип номоддий хизматлар	минус
Д	Номоддий хизмат соҳалариниши ишлаб чиқарип ва импорт учун соф соликлари	плюс
Е	Резидентларниң чет ёлдан мулклари учун олган даромаллари	плюс
Ж	Норезидентларнинг мамлакатдан мулклари учун олган даромадлари	минус
З	Резидентларниң чет ёлдан олган иш хақлари	плюс
И	Норезидентларниң мамлакатдан олган иш хақлари	минус
К	Мамлакатниң норезидентлардан олини лозим бўлган ишлаб чиқарип ва импорт учун соф соликлар	плюс
Л	Резидентларниң норезидентларга тўланши лозим бўлган ишлаб чиқарип ва импорт учун соф соликлар	минус
М	Соф миллий даромал (А+Б+В-Г+Д+Е-Ж+З-И+К-Л)	

9-жадвал

**Молия корхоналари секторининг бирламчи даромадтарини  $\text{ХХБ}$  тизими кўрсаткичларидан келтириб чиқариш усули**

Белиси	Кўрсаткичлар	Инпораси
A	Молия корхоналариниң бирламчи даромадлари ( $\text{ХХБ}$ ла хисобланмайди)	
Б	Молия корхоналариниң фойласи	Плюс
В	Молия корхоналариниң мулжалан олалиган даромадлари	Плюс
Г	Молия корхоналариниң мулк учун тұрайдитан даромадлари	Минус
Д	Молия корхоналари секторинин бирламчи даромадлар салыоси (Б+В-Г)	

10-жадвал

**Номотия корхоналари секторининің бирламчи даромадтарини  $\text{ХХБ}$  тизими кўрсаткичларидан келтириб чиқариш усуни**

Белиси	Кўрсаткичлар	Инпораси
A	$\text{ХХБ}$ методологияси ассоциациядан бирламчи даромад	плюс
Б	Номиналаб чиқарини соҳалари корхоналариниң фойдалари	плюс
В	Молдий ишлаб чиқарини тармоқлариниң ишлаб чиқарини ва импортгучун сониларни	минус
Г	Молдий ишлаб чиқарини соҳаларига каранили корхоналарниң кўрсаткан номоддий хизматлар мөндори	минус
Д	Молдий инегаб чиқарини соҳалари корхоналариниң социал сұгуруға фониларига тұлаган бағдарлары	минус
Е	Шу секторга каранили корхоналариниң мулк учун олалиган даромадлари	плюс
Ж	Шу секторга каранили корхоналариниң мулк учун тұрайдиган даромадлари	минус
З	Номотия корхоналари секторининг бирламчи даромадлар салыоси (А+Б-В-Г-Д + Е-Ж)	

11-жадвал

*Үй хұжалиғи секторининг бирламчи даромадлариниң  
ХХБ тизими күрсаткышларидан көлтириб чиқариш усули*

Белгиси	Күрсаткышлар	Ишораси
А	ХХБ бүйіч ақолинині бирламчи даромадлари	плюс
Б	Ноиншаб чиқариш соҳалардаги инициативаларинің иш ҳақи	плюс
В	Ноиншаб чиқариш соҳалардаги аралаш даромад	плюс
Г	Үй әмаларинің үз үйларда турғалығындағы шартлы фойда	плюс
Д	Резидент үй хұжаликларинин мүлкдан олған даромадлари	плюс
Е	Резидент үй хұжаликларинин мүлк учун тұлғаланған даромадлари	минус
Ж	Норезидент бирліктерге тұланағынан иш ҳақи	минус
З	Резидентлеринің чет әйдан оладынан иш ҳақдары	плюс
И	Үй хұжалиғи секторининг бирламчи даромадлар салынуда (А+Б+В+Г+Д-Е-Ж+З)	

12-жадвал

*Давлат бошқарув идоралари секторининг бирламчи даромадларини ХХБ гизими күрсаткышларидан көлтириб чиқариш усули*

Белгиси	Күрсакышлар	Ишораси
А	Давлат бошқарув идораларинин (ДБИ) бирламчи даромадлари (ХХБда хисобланмайды)	
Б	Ишшаб чиқариш ва импорт солықтары	плюс
В	ДБИларинин мүлк учун олған даромадлари	плюс
Г	ДБИларинин тұлғалан мүлк учун даромадлари	минус
Д	ДБИ секторидеги тапкилоларнин шартлы фойдалалари	плюс
Е	Давлат болықтарув идораларининг бирламчи даромадлари салынуда (Б+В-Г+Д)	

**Үй хұжалығына хизмет күрсатуучи нотижорат ташкилоттар секторининг бирламчи даромадтарини ХХБ тизими күрсакчылардан көлтириб чыкарыш усулі**

Белгиси	Күрсакчылар	Инпорасы
A	Үй хұжалығына хизмет күрсатуучи нотижорат ташкилоттар (УХХКНТ) секторинин бирламчи даромадлари (ХХБда хисобланмайды)	
Б	УХХКНТ секторига кирувчи ташкилоттарниң мүлк учун одан даромадлари	илюс
В	УХХКНТ секторига кируйчи ташкилоттарниң мүлк учун тұлғаган даромадлари	минус
Г	УХХКНТ секторига кирувчи ташкилоттарниң шарылған фойдалары	илюс
Д	Үй хужалығына хизмет күрсатуучи нотижорат ташкилоттар секторинин бирламчи даромадлари салынғоси (Б-В+Г)	

Юқоридаги жадвалларни көлтиришдан мақсад МХТтеги миллий даромад ва бирламчи даромадтарни ХХБ күрсакчылари билан қай даражада бөглиқ әканлыгини күрсатып жиберді. Ҳозирғи кунда мамлекет миқёсінде үннің тармоқлари ва секторлары икиге содиі күрсакчыларни тұғридан-тұғри МХТ усуллари билан хисоблаш мақсадта мувофиқтады.

## 5. Даромадларни қайта тақсимлаш счёtlари

Даромадтарни қайта тақсимлаш счёtlари пул ва наура холидаги даромадларни қайта тақсимлаш счёtlаридан иборат. Қуйида уларни алохіда-алохіда күриб чиқамиз.

### *Пул холидаги даромадларни қайта тақсимлаш счёtlари*

Инициаторы	Ресурслар
3. Жорий трансферлер (туланиши)	1. Бирламчи даромадлар салынғоси
4. Ихтиердаги даромад(1+2-3)	2. Жорий трансферлер (олигапи)

Бу счётда институцион секторлар бирламчи даромадларииниң жорий трансферлар сифатида секторлар ўргасида қайта тақсимлаш натижасида ихтиёрдаги даромаднинг ҳосил бўлиш жараёни аке эттирилади.

Ресурсларни бошлангич кўрсанкич - бирламчи даромадларни тақсимланиши счётининг мувозанатлантирувчи кўрсанкичи бўлиб, - бирламчи даромадлар сальдоси кўрсанкичидан иборат.

Бу счётда қайта тақсимлаш жараёнилари жорий трансферлар курсаткичи орқали амалга оширилали.

Трансферлар - бир томонлама иктиносий операциялардан иборат. Бу операциялар орқали бир институцион бирликнинг бошқа институцион бирликларга товар ва хизматларни, активларни, этапик хукукини бепул бериш жараёнилари аке эттирилади.

Трансферлар нут ва натура ҳолатида берилниши мумкин. Пул ҳолатидаги трансферлар бир бирликнин иккинчи бирликка накд нут ёки хисоб рақамига пул ўтказилиши ўйли билан берилган пул миқдоридан иборат. Натура ҳолатидаги трансферлар деганда, бир бирликнинг иккинчи бирликта ҳеч нарса олмай, товар ва активларни берини ҳамда хизматларни кўрсаниш жараёни тушунлизали. Натура ҳолатидаги трансферлар олинган(берилган) товарлар, активлар ва кўреатилган хизматларнинг шу даврдаги бозор баҳоларидаги миқдорида қайд килинади. Пул ва натура ҳолатидаги трансферлар жорий ва капитал характерда бўлиши мумкин. Уларни бир-биридан фарқлаш жуда муҳим. Чунки, жорий трансферлар пул ҳолидан даромадларни қайта тақсимлаш счётида, капитал трансферлар эса, капитал харажатлар счётида кэйд килинади.

Жорий трансферлар қаторига қуйидайлар киради:

- даромад ва мулк учун жорий солиқлар;
- социал сутурта ажратмалари;
- социал гўловлар;
- сутурта мукофотлари ва туювлари;
- турли қайта тақсимлаш тўювлари (жарималар, нафакалар, инсонпарварлик ёрдамчари ва х.к.).

Иктиносий секторларининг олган ва берган жорий трансферлар миқдори ҳар доим ҳам бир-бирига тенг бўлавермайди. Чунки жорий трансфер операцияларининг бир қисми мамлакат ички секторлари ўргасида ва қолган қисми норезидент бирликлар ўргасида солири бўлади. Олинган ва берилган жорий трансферлар ўргасида фаркни бирламчи даромадлар сальдосига қўшиб,

ихтиёрдати даромад күрсаткичига эга бўламиз. Барча иқтисодиёт секторларининг ихтиёрдаги даромадлари йигиндиси *миллий ихтиёрдаги даромад(МИД)* дейилади. Бу ЯИМ ва ЯМД агрегатлари каби муҳим агрегатлардан хисобланади. Бу агрегат ҳам ялпи(ЯМИД) ва соғ(СМИД) усуулларда хисобланади. ЯМИД агрегатининг умумий ҳажми ЯМДдан резидент бирликларнинг норе-зидент бирликлардан олган ва уларга берган жорий трансфертлари ўртасидаги фарқ (жорий трансфертлар сальдоси) миқдоридан кўп ёки кам бўлади.

Шуни айтиш лозимки, қайта тақсимот жараёнлари нуули кўринишидаги трансфертлардан ташкари натура ҳолидаги трансфертлар орқали ҳам бўлади. Бу тарнсфертлар аҳолининг айрим гурухларини ижтимоий ҳимоялаш ва ёрдам мақсадида амалга оширилиб, натура ҳолидаги социал трансфертлар деб аталади. Натура ҳолидаги социал трансфертларга аҳоли гурухларига бенул социал ва маданий хизматлар кўрсатиш, турли хил товарларни (дори-лармонлар, ногиронлар аравачалари ва автомобиллари ва х.к.) бенул бериш киради. МХТда бундай жараёнлар махсус счётда ёзib борилади. Бу счётнинг умумий тузилиш схемаси қўйила келтирилган.

### *Натура ҳолатидаги даромадларни қайта тақсимлаш счёти*

Иншатилиши	Ресурслар
3.Натура ҳолатидаги социал трансфертлар(берилгани)	1.Ихтиёрдаги даромад
4.Тузатилинг ихтиёрдаги даромад (1+ 2 - 3)	2.Натура ҳолатидаги социал трансфертлар(олингани)

Натура ҳолатидаги трансфертларнинг қайта тақсимоти барча иқтисодиёт секторларида ҳам бўлавермайди. Бу трансфертларнинг олувчиси уй хўжалиги секторидан, яъни аҳолидан иборат. Социал трансфертларни берувчилар эса, давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалиигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторидан иборат. Ўз-ўзидан маълумки, бу счёт факат шу секторлар учун тузилади. Мамлакат миқёсида олинган ва берилган социал трансфертларнинг миқдори бир-бирига тенг бўлади.

Агарда уй хўжаликлари секторининг ихтиёридаи даромадига натура ҳолатида олган социал тарнсфертларни қўшсак, уларнинг тузатилган ихтиёрдаги даромад кўрсаткичига эга бўла-

миз. Бу күрсаткыч ахолининг умумий даромадлари микдорини, узарнинг пировард истеммол ва жамгарци имкониятлари қай даражада эканлигини билдиради. Ўз навбатида, бу күрсаткыч орқали ахолининг турмуш даражаси қандай ўзгарабганлигини таҳлил этиш имконияти яратилади.

Давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторларининг тузатилган ихтиёрдаги даромади шу секторнинг пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромадидан натура ҳолатида ахолига берган социал трансфертларни чегириб гашланганига тенг бўлади.

Номолия ва молия корхоналари секторларининг тузатилган ихтиёрилаги даромадлари пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромадларига тенг бўлади. Чунки бу секторлар натура ҳолида социал трансферт олмайдилар ва бермайдилар. Улар ўртасидаги натура шаклида олинган(берилган) трансферлар жорий ва капитал трансферлар сифатида қайд этилади.

## 6. Даромадларнинг ишлатилиши счётлари

Даромадларнинг ишлатилиши счёлари пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромадни ишлатилиши ва тузатилган ихтиёрдаги даромадни ишлатилиши счётларидан иборат. Қўйида уларни алоҳида алоҳида келтирамиз.

Пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромаднинг ишлатилиши счёти

*Счётнинг умумий тузилиши схемаси*

Ишлатилиши	Ресурслар
2. Пировар(якупини) истеммол	1. Ихтиёрдаги даромад (пул ҳолидан)
3. Жамнарма (1-2)	

Бу счётда уй хўжаликлари, давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторлари бирликларининг пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромадининг ишлатилиши операциялари қайд этилади.

Счётдаги биринчи кўрсаткыч - ихтиёрдаги даромад кўрсаткичи даромадларни қайта тақсимлаш счётидаги мувозанаглаштирувчи кўрсаткыч бўлиб, бу счётига ресурсларни сифатида ўтган.

Иккинчи кўрсаткыч - пировард истеммол кўрсаткичи уй хўжаликлари, давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хиз-

мат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторларига кирувчи бирликларнинг кузатилаётган даврда ўзларининг истесьмоли учун қилган сарф-харажатлари (аҳоли харажатлари) ва ўз фаблиятларини юритили мобайнида қилган харажатларидан (давлат идоралари, уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижораг ташкилотлар) иборат.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, номолия ва молия корхоналари секторлари бирликлари учун пировард истесьмол бўлмайди. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш учун сарф этган товар ва хизмат харажатлари оралиқ истесьмол хисобланади. Гарчи бу корхоналар ўз ишчи-хизматчилари учун товар ва хизматларни пировард истесьмол учун берган бўлсалар ҳам, бу товар ва хизматлар миқдори ишчи - хизматчиларга берилган натура ҳолидаги иш ҳаки деб таърифланади.

Демак, мамлакат миқёсида пировард истесьмолнинг умумий ҳажми уй хўжаликларининг, давлат бошқарув идоралари сектори бирликларининг ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторларининг пировард истесьмолларининг йигиндисидан иборат бўлади.

Кейинги кўрсаткич - жамгарма кўрсаткичи, бу счётнинг мувозанатлаштирувчи кўрсаткичи хисобланади. Иқтисодий маъносига кўра бу кўрсаткич мамлакат бўйича ва иқтисодиёт секторларининг ихтиёрдаги даромадларни пировард истесьмолга ишлатгандан сўнг қолган даромадлар миқдорини билдиради. Жамгарма, одатда, ишлаб чиқарувчи бирликларнинг ишлаб чиқаришларини кенгайтириш ва такомиллаштириш билан бοғлиқ бўлган сарф-харажатларга ишлатиласида.

Тузатилган ихтиёрдаги даромаднинг ишлатилинии счёти

### *Счётнинг умумий тузилиши схемаси*

Ишлатилини	Ресурслар
2. Ҳакиқий пировард (якуний) истесьмол	1. Тузатилган ихтиёрдаги даромад
3. Жамгарма (1-2)	

Бу счётда давлат идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторлари томонидан уй хўжаликлари секторига берилган социал трансферлар натижасида, бу секторларнинг тузатилган ихтиёрдаги даромадларининг

ҳақиқий пировард истесьмолга ишлатилиши, ва натижада, бу секторларда қолган жамгарма мікдори ёзіб борилади.

Үй хұжаликларининг *ҳақиқий пировард истесьмоли* уларнинг уларнинг пировард истесьмоли ва давлат бошқарув идоралари ҳамда үй хұжалигига хизмат күрсатуучи нотижорат ташкилотлар секторларидан натура ҳолатида олган социал трансфертлар йиғинлисига тенг бўлади. Давлат бошқарув идоралари секторининг *ҳақиқий пировард истесьмол* күрсаткичи эса, шу секторнинг пировард истесьмол күрсаткичидан үй хұжаликларига берган натура ҳолатидаги социал трансфертлар мікдорида кам бўлади.

Үй хұжалигига хизмат күрсатуучи нотижорат ташкилотлар сектори бирликларининг асосий мақсади ва вазифаси ҳамма ахолига ёки аҳоли турұхларига нобозор хизматлар күрсатиш бўлғанлиги учун, уларнинг пировард истесьмол учун харажатлари аксарият үй хұжаликлари томонидан ўзлаштирилади. Шу сабабли ва келишувга асосан, уларнинг ҳақиқий пировард истесьмоллари бўлмайди.

Жамгарма күрсаткичи мувозанатлаштирувчи күрсаткич бўлиб, одатда, пул ҳолидаги ихтиёрдаги даромаднинг ишлатилини счётидаги жамгарма күрсаткичига тенг бўлади.

## 7. Капитал харажатлар счёти

### *Счётнинг тузилиш схемаси*

Инвестиции	Ресурслар
4. Асосий капитални ялни ийн илмаси	1. Жамгарма
5. Моддий айланма маблағлар захирасинин ўзарииши	2. Капитал трансфертлар (олингани +)
6. Сотиб олинган кимматбаҳо буюмлар соф мікдори (олингани- согилгани)	3. Капитал трансферлар (тўлангани -)
7. Соф олинган ер ва бошқа активлар (олингани-согилгани)	
8. Соф крэдитлари(+)-ёки карзлар(-)	

Бу счётда капитал харажатларнинг манбалари ва уларнинг қандай турдаги капитал харажатларга ишлатилганилиги жараёнлари ёзіб борилади. Капитал харажатларнинг асосий манбаси бўлган жамгарма күрсаткичи ихтиёрдаги даромадни ишлатилиши

счётидан ресурс сифагида ўтади. Капитал трансферлар мамлакат секторлари ўртасидаги ўзаро қайта тақсимлаш операциялари ва ташки дунё сектори бирликларидан олинган ва уларга берилган капитал характердаги операциялар натижаларидан иборат.

Капитал трансферлар З турга бўлиниди: капитал учун солиқ; инвестиция субсидиялари; бошқа капитал трансферлар. *Капитал учун соликларга* ахоли ва институцион бирликларнинг активлари (мол-мулклари) учун тўлайдиган солиқлари, мулканини бир-бирларига берганликлари учун тўланалигтан тўловлар, мерос учун қолдирилалигтан ёки бериладиган уй-жой ёки бошқа мол-мулк учун тўланадиган тўловлар киради.

*Инвестиция субсидияларига* давлат бюджетидан резидент ёки норезидент бирликларга асосий фондларни сотиб олиш учун бериладиган молия ресурслари ва натура холидаги (иш жойлари, транспорт воситалари, қурилмалар ва х.к.) трансферлар киради.

Бунга мисол сифатида давлат бюджети томонидан корхоналарга капитал характердаги харажатлар(иш майдонларини кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш, маълум бир лойихаларни тўлалигича ёки қисман молиялаштиришида қатнашиш ва х.к.) учун бериладиган маблагларни ҳамда давлат гомонидан корхоналарга бенул бериладиган иш жойлари, автөмобиллар, станоклар ва қурилмалар, компьютерлар каби асосий воситаларни келтириш мумкин. Бу мисодда давлат бошқарув идоралари сектори учун ресурслар трансферлар берилган деб ёзилади. Корхоналар сектори учун ресурслар трансферлар олинган деб ва ишлатилишида асосий капиталнинг йигилмасида деб ёзиз қўйилади.

*Бошқа капитал трансферларга* капитал учун соликлар ва инвестиция субсидияларига кирилмagan бошқа капитал трансферлар киради. Бунга мисол тарикасида давлат томонидан корхоналарга ва қуийи бўгин бошқарув идораларига асосий капитал учун қарзларини ёспиб юбориш ёки тўлаб қўйиш, корхоналар ва уй хўжаликларининг бошқа ташкилотларга уй-жойларни ёки капитал характердаги маҳсулотларни хадя этиш ёки мерос қолдириш операцияларини келтириш мумкин.

*Асосий капиталнинг ялпи йигилмаси қўрсаткичи янгитдан* (кузатилаётган даврда) қурилган уй-жой ва иншоатларнинг, сотиб олинган машиналар, қурилмалар, транспорт воситалари, станоклар ва шуларга ўхшаш асосий ишлаб чиқариш воситалари кийматларининг йигиндисидан иборат.

*Моңтий айттанма маблалар захирасининг ўзгариши кўрсаткичи орқали хом аниё ва бугловчи материаллар, ёкилги, асбобускуналар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр (сотилмаган) маҳсулотларнинг ҳисобот бошидан охирига қадар миқдорларининг ўзгаришлари (кўпайган бўлса +(плюс), аке ҳолда – (минус)) ёзилади.*

*Сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар соф миқдори кўрсаткичи барча сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар миқдори билан сотилган буюмлар айирмасидан иборат бўлади. Бундай буюмлар категорига қимматбаҳо эсдалик совгалари, зеби-зийнатлар, санъат асарлари, олтин ва кумуш каби металлар, бошқа ўз қийматини узок вақт йўқотмайдиган буюмлар киради.*

*Соф олинган ер ва бошқа активларга соф олинган срқиймати хамда номоддий ишлаб чиқарилмаган активлар(патентлар, лицензиялар, муатифлик хукуклари) қиймати киради. Бу кўрсанкич соф ҳолда, яъни сотиб олинган ер ва бошқа активлар қийматидан сотилганлари қийматини чегириб ташлаш орқали хисобланади.*

*Соф кредитлаши ёки карзлар(карз олиш) бу счётнинг мувозанатлаширувчи кўрсаткичи хисобланади. Бу кўрсанкич у ёки бу секторнинг бошқа секторларга капитал харажатларини молиялантириши учун ресурсларини бериб турганлиги ёки олганлигини билдиради.*

Юқорида келтирилган счёtlарда макроиктисодий хисоблар иктисодиёт секторлари ўргасида бўладиган товар ва хизматлар айирбошлини натижасида юзага келган ва бошқа даромадларнинг йўналишиларини аке эттиради. Бу операцияларни хисобга олинида товар ва хизматларга эгалик хукукининг ўзгариши асое қилиниб олинади. Товар ва хизматлар учун тўланини лозим бўлган пул хисоб-китоблари қачон ва ким томонидан тўланганлити эътиборга олинмайди. Иктисодиёт секторларининг молиявий холатларининг ўзгариши молия счётида ўз аксини топади.

## 8. Молия счёти

- трансферлар бўйича ахборотлар божхона статистикаси, халқаро ташкилотлар ва бошқа маълумотлар ёрдамида ҳисобланади;

- инвестиция ва кредитлар тўғрисидаги ахборотлар статистика, тижорат банклари маълумотларидан ва бошқа ахборотлардан фойдаланиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилгандардан ташкари, тўлов балансини тузишда мамлакатнинг бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик натижаларини ифодаловчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Доимий ҳисоботи ташкил қилинмаган ёки статистикада қайд этилмаган халқаро иктиносий муносабатлар натижалари танлаб кузатиш ёки эксперт баҳолаш усуллари билан ҳисобланади ва тўлов балансида қайд этилади.

Тўлов балансининг ахборот базаси қанчалик даражада аниқ бўлса, жорий операциялар, капитал ҳаражатлар ва молия счёти кўрсаткичлари бир-бирига яқин ҳамда тўлов балансининг ҳаголиги кам бўлади.

## 6. Тўлов балансида операцияларни қайд этиш

Тўлов балансини тузиш тартибидан келиб чиққан ҳолда операцияларни уларнинг умумий белгиларига қараб гурухлаш мумкин. Бундай гурухлашг учарнинг қайд этиш қоидаларини эслаб қолишини бирмунча енгиллаштиради. Операцияларни гурухлари бўйича қайд этиш тартиби қўйидагича бўлади:

- товарлар ва хизматлар экспорти - кредитда (+);
- товарлар ва хизматлар импорти -дебетда(-);
- молия мажбуриятларининг кўпайиши - кредитда(+);

- молия активларининг қўпайиши – дебетда(-);
- мажбуриятларнинг камайиши - дебетда(-);
- активларнинг камайиши - кредитда (+).

Операциялар тўлов баланси тузилётган давр учун жамтанган ҳолда ёзилади. Бу тўлов балансини ихчам ва таҳлил учун кулагай бўлишини таъминлайди. Операцияларни жамлашада экспорт ва импорт операциялари бўйича ўзаро хисоб-китобларнинг натижалари соғ ҳолда қайд этилади. Яъни экспорт ва импорт учун шу даврда мос равища тўланмаган қисемигина қайд этилади.

Операцияларнинг қайд этиш йўлларини 15-жадвалда берилган ахборотлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқамиз. Жадвалда экспорти микдори ФОБ баҳоларида берилгани учун ҳеч қандай ўзгаришсиз тўлов балансида (16-жадвал) қайд этилади. Импорти СИФ баҳоларида берилгани учун ФОБ баҳосига ўтказамиз. Бунинг учун, импорт шартномалари таҳлил қилиниб, товар импортида гранспорт ва сутурга харажатларининг улушини тонашимиз. Фараз килайлик бу микдор 8% бўлсин. Бундан фойдаланниб, товарлар импортини ФОБ баҳосига ўтказамиз. Товар импорти (ФОБ)= $9500x(100-8):100=8740$ . Хизматлар импорти қайта гаснифлаш эвазига  $9500-8740=760$ га кўпаяди. Товарлар ва хизматларни бундай аникликда соғ ҳолда қайд этишинни аҳамияти жуда катта. Бунинг аҳамияти, айниқса, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларини таҳлил этишида ва башорат қилинда яққол сизилади. Товар билан хизматнинг аралаш ҳолида ифодаланиши турли чалкашликларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқарувчи бирликларга экспорт ва импорт товарлари хажми ва баҳолари хақида тўғри тасаввур бермайди. Масалан, импорти қилинаётган товарнинг йўл харажатлари кўп бўлса, шу товарни жойида ишлаб чиқариш ёки йўл харажатларини камайтириш чора тадбирлари кўрилиши керак. Товар қийматида йўл харажатларининг бўлиши тармоқларнинг оралиқ истеъмолини бузуб кўрсатади. Масалан, икки мамлакатда бир хил технологияда нахтадан мато ишлаб чиқарилади. Пахта толасининг дунё бозоридаги нархи иккала мамлакат учун бир хил. Биринчи мамлакат ўз толасигаэга, иккинчи мамлакат эса толани импорт қиласади. Агар йўл харажатларини 10% деб олсан, иккинчи мамлакатда тола импортидан йўл харажатларини ажратмасак, бу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган мато бирлигига пахта толаси кўп ишила-тилаётгандай кўринади. Аслида эса, бундай бўлмаслиги мумкин.

*Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий алоқаларини  
характерловчи кўрсаткичлар  
(ракамлар шартли келтирилган)*

Кўрсаткичлар	Микдори, млн.сўм
1. Экспорт, хаммаси	9000
Товарлар экспорти(ФОБ)	9600
Хизматлар	1000
2. Импорт, хаммаси(СИФ)	9500
Товарлар импорти(СИФ)	8300
Хизматлар	1200
3. Даромадлар	
Россияга тўлангани	130
- фоиз тұловлари	100
- дивидендер	10
- иш хақи	20
Россиядан олингани	115
- фоиз тұловлари	60
- дивидендер	5
- иш хақи	50
4. Трансферлар	
Россияга берилгани	3
- инсонпарварлик ёрлами	2
- техник ёрдам	1
Россиядан олингани	4
- инсонпарварлик ёрдами	3
- техник ёрдам	1
5. Каниғал трансферлар	
- Россияга берилгани	3
- Россиядан олингани	3
6. Тўтри инвестициялар	
- Россияга кирилгани	18
- Ўзбекистона кирилгани	112
7. Портфель инвестициялар	
-Россияга сотилган акциялар	5
-Россиядан олишган акциялар	8
8. Судда ва қарзлар	
Россия резидентлари: - олгани	50
-асосий қарзниш қайтарилиши	5
Ўзбекистон резидентлари: - олгани	55
-асосий қарзниш қайтарилиши	10

**Ўзбекистоннинг тўлов баланси**

16-жадвал

	Кредит	Дебет	Сальдо
<b>I. Жорий операциялар счёти</b>	<b>10719</b>	<b>10833</b>	<b>-114</b>
A. Товарлар ва хизматлар	10600	10700	-100
а Товарлар	9600	8740	860
1. Экспорт ва импорт товарлари	9600	8740	860
б. Хизматлар	1000	1960	-960
B. Даромадлар	115	130	-15
1. Чет эдан келгани	115		115
2. Чет эшга тўлангани		130	-130
V. Жорий трансферлар	4	3	1
1. Чет эдан олингани	4		4
2. Чет эшига тўлангани		3	-3
<b>II. Капитал ва молиявий операциялар счёти</b>	<b>252</b>	<b>132</b>	<b>120</b>
A. Капитал бўйича операциялар счёти	3	3	0
1. Капитал трансферлар	3	3	0
B. Молия счёти	249	129	120
1. Тўтри инвестициялар	112	18	-6
1.1 Чет энга		18	
1.2 Ўзбекистон иқтисадиётига	112		
2. Портфель инвестициялар	5	8	-3
3. Башка инвестициялар	132	103	29
3.1 Активлар	50	93	-43
3.1.1 Коммерция кредитлари	45	40	5
- экспорт учун келиб туммаган тўловлар		40	
- олиничи ийли экспорт учун тўловлар	45		-3
3.1.2 Суда ва Карзлар, четга берилгани	5	53	-48
- ўзлантирилган кредитлар		50	
- асосий карзини қайтарилгани	5		
3.1.3 Накл нууллар ва депозитлар		3	
3.2 Мажбуриятлар	82	10	72
3.2.1 Коммерция кредитлари	25		25
3.2.2 Суда ва Карзлар, четга олингани	55	10	45
- ўзлантирилган кредитлар	55		
- асосий карз қайтарилгани		10	
3.1.3 Накл нууллар ва депозитлар	2		2
4. Резерв активлари			0
Статистик хаотикик		6	-6

Шунинг учун, товарлар кийматини баҳолашда транспорт, сугурта ва ортии - тушириш ҳаражатларини иложи борича аниқ ажратилиши максадлга мувофик бўлади.

Жадвалда берилган ахборотларда экспорт ва импорт эвазига тўловлар бўлгандиги ҳақида маълумотлар йўқ. Бу маълумотларни корхоналардан молия статистикаси орқали топиш мумкин. Фараз қиласайлик, бу даврда иккала томон бирликлари тўловларни белгиланган муддатларда бажаргандар. Шу билан бирга, импорт операциялари бўйича тўлов муддати ўтмаган қарзи 25 млн.сўмга кўпайган, бу йилги экспортга тушмаган тўловлар 40 млн.сўм бўлган. Ўтган йилда экспорт қилинган товарлар учун 45 млн.сўм келиб тушган. Тижорат банкларининг ахборотларига кўра уларнинг накд нул, депозит кўринишидаги мажбуриятлари 2 млн.сўмга ва активлари миқдори эса 3 млн.сўмга кўнайган. Резерв активлари миқдори ўзгармаган леб фараз қиласиз. Берилган маълумотларни тўлов балансида қайд этамиз(16-жадвалга қаранг).

Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича сальдоси минус 114га, капитал ва молиявий операциялар счёти сальдоси 120 га тенг бўлди. Назарий жиҳатдан улар бир-бирига тенг бўлиши керак эди. Лекин амалиётла кўрсаткичларнинг кўпчилиги баҳолани усувлари билан аниклангандиги учун, улар ўргасида фарқ бўлиши мумкин. Одатда, бу фарқ статистик хатолик леб юритилиди.

## 7. Тўлов баланси ва ҳалқаро инвестиция баланси

Тўлов баланси маълум бир давр (ой, чорак, йил)га тузилади. Шунинг учун, у тузилгаётган даврда мамлакат ва чет эл иктисодиётти ургасида содир бўлган ўзгаришларни ифода этиди. Масалан, январ ойига тузилган тўлов баланси январ ойидаги, чоракка тузилгани чоракдаги, бир йилга тузилгани йиллик ўзгаришларни ифода этиди. Бу ўзгаришлар кузатилган даврда мамлакатнинг мажбуриятлари ва активларининг қай миқдорда ошган ёки камайгандигини билдиради. Йиллар давомида бу ўзгаришларнинг йигилмаси мамлакат иктисодиётининг чет элга боғлиқлик даражасини белгилайди. Мамлакат ва чет эл ўргасидаги активлар ва мажбуриятларнинг йигилмаси ҳалқаро **инвестиция баланси (ХИБ)**да қайд этилади. ХИБ, одатда, йилнинг охиридаги ҳолатига тузилади. Активлар ва мажбуриятларнинг миқдори йилнинг охиридаги баҳоларда қайд этилади. Ҳалқаро инвестициялар баланси мамлакатнинг активлари ва мажбуриятларининг статистик

хисоботидан иборат бўлиб, у бир катор ташки иқтисодий счёлар мажмуудан иборат. Унинг кискаргирилган кўринишдаги таркиби 17-жадвалда келтирилган.

ХИБ счёлари икки томонли жадвал кўринишида ёзилади. Бир томонда, активлар ва мажбуриятлар таркиби келтирилган. Иккинчи томонда, мос равишда уларнинг йил бошига бўлган холати, йил давомида уларнинг ўзгариши (турлари бўйича) ва йил охиридаги холати ёзилади. Активлар ва мажбуриятлар таркиби тўлов балансининг молия счёти таркиби билан мос келади. Уларнинг ўзгаришлари иқтисодий операциялар натижасида, баҳо ва валюта айрбошлаш курсининг ўзгаришлари, шу билан бирга бошқа тузатишлар натижасида содир бўлади. Масалан, тўгри инвестицияларнинг йил давомида мамлакатга келиши ХИБнинг мажбуриятлар қато-рида *операциялар* устунида, молия бозорида акцияларнинг нархи кўтарилиши ёки пасайиши – *баҳолар ўзгариши* устунида қайд этилади. Чет эл валютасида и захираларнинг номинал қиймати валюта курси ўзгариши натижасида ўзгаради. Бу ўзгариш *валюта курси ўзгаришлари* устунида қайд этилади. Ўтган йилларда хисобта олинмаган активлар ва мажбуриятлар, уларнинг бир категориядан иккинчисига ўтказилиши (масалан, портфель инвестицияларнинг йиллар давомида йигилиб тўгри инвестицияларга айланиши) ва карздан воз кечиш холатлари бошқа тузатишлар устунида ёзилади. Булардан гашқари, монетар олтин микдорида олтинни четга сотиш ва захирата сотиб олиш билан боғлиқ ва мамлакатнинг *маҳсус қарз олини дұкукин* (*СДР*)<sup>1</sup> бўладиган ўзгаришлар хам бошқа тузатишлар устунида қайд этилади. Активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ соғи инвестиция холатини ифодалайди. Бу кўрсаткич активлар микдори мажбуриятлардан кўп бўлса, мусбат бўлади. Соғи инвестиция холатининг мусбат бўлиши, мамлакатнинг ташки дунёга нисбатан талаби, акс холда мажбурияти кўпайганлитини билдиради. Холоса қилиб айтганда, халқаро инвестиция баланси йўл давомида мамлакатнинг чет эл билан бўлган молиявий опералярининг, актив ва мажбуриятларда баҳо ўзгаришлари ва бошқа тузатишларнинг мажмуудан иборат.

<sup>1</sup> СДР ХВФ гомонидан халқаро резерв активи сифатига чиқарилали. Бу актив ХВФ резерви хисобланади. Ҳар бир мамлакат ХВФ белгилаган квота микдоридаги маблагни уз миллий валютасида ХВФ маҳсус счётига ўтказадилар. СДР ХВФнинг мажбурияти хисобланмайли. Учин курси бир печа нуфузли валюта курслариниң куплик ўзарашларини инобатга олган холда ҳар бир кунга хисобланади.

**БАЛАНСЫНДАРДЫҢ АЛМАСТАРЫ**

18-каджал

	Иил бончидаты холат	Опера- циялар	Нархлар- нин үзгөрүші	Валюта курснин үзгөрүші	Бонка үзірлік- риялар	Иил очирилдеги холат
<b>А Активлар</b>						
1 Чет зерт түрі инвестициялар						
2 Портфель инвестициялар						
3 Бонка инвестиациялар						
3.1 Коммерция кредитлари						
3.2 Судалар						
3.3 Накд пул ва депозитлар						
3.4 Бонка активлар						
4 Резерв активлари						
4.1 Монетар олтын						
4.2 Мәхсүс кәрэ олиш ҳуқуқы (СДР)						
4.3 ХВФидж резерв позициялар						
4.4 Чет ал валютасы						
4.5 Бонка табоблар						
<b>Б Мажбуриятлар</b>						
1 Иктиисодстың түрі инвестициялар						
2 Портфель инвестициялар						
3 Бонка инвестиациялар						
3.1 Коммерция кредитлари						
3.2 Судалар						
3.3 Накд пул ва депозитлар						
3.4 Бонка мажбуриятлар						

Активлар ва мажбуриятлар йигиндиси мөс равища мамлакатнинг ялпи ташки активлар(ЯТА) ва ялпи ташки мажбуриятлар(ЯТМ) микдорини билдиради.

Шуни айтиш лозимки, ЯТМ билан ташки қарз тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак. Чунки, ҳар доим ҳам мажбуриятлар қарз бўлавермайди. Қарз таркибига портфель ва тўғри инвестициялар бўйича мажбуриятлар кирмайди.

Бундан ташқари, монетар олтин ва СДР актив ҳисоблансада, норезидентлар учун мажбурият ҳисобланмайди. Шу сабабли, соф ташки активлар таркибига монстар олтин ва СДР кирмайди.

Соф ва ялпи ташки активлардан *ташки резерв активларни*(ТРА) фарқлаш лозим. ТРА мамлакатнинг резерв активлари ҳисобланади. Ҳар қандай актив ҳам ТРА бўлавермайди. Резерв активларига давлатнинг пул-кредит сиёсат юритувчи ташкилотлари тасарруфида бўлган ва уларни, керак бўлгандага ҳеч бир тўсиқсиз ишлатиш мумкин бўлган молиявий активлар киради. Бу молиявий активлар юкори даражада харидоргир ва ҳар қандай вазиятда ҳам қаттиқ валютага тез сотилиши ёки бошқа турдаги резерв активга алмасилиши мумкин бўлиши керак. Резерв активлари таркибига монстар олтин<sup>1</sup>, СДР, ХВФдаги активлар<sup>2</sup>, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва бошқалар киради. Бу таркибига факат резерв активларга қўйилган талабга жавоб берадиган активларгина киради. Масалан, чет эл валютаси гурухига қаттиқ ва барқарор валюталар: АҚШ доллари, немис маркаси, евро ва шу кабилар кириши мумкин. Қимматли қоғозлар гурухига юкори ликвидли чист эл қимматли қоғозлари киради. Бошқа резерв активлар гурухига, юкорида қайд этилмаган резерв активлар киради.

<sup>1</sup> Халқаро талабларга қўра монетар олтин тозалиги камидаги 90,5% дан кам бўлмаслиги керак

<sup>2</sup> ХВФ умумий ресурсларида ҳар бир аъзо мамлакат қаттиқ валютада ўз маблағларига эта бўлиши мумкин. Олагда, бу мабланлар бопка мамлакатлар валюталарини сотиб олиш ва тўловларни тез бажарин учун сақлаб турилади

## **Х боб. Миллий хисоблар тизими ва тўлов балансидан амалиётда фойдаланиш**

МХТ ҳаётимизда бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг қандай кечაстганилиги тўгрисидаги кўрсаткичларни ўзида мушас-самлаштирган. У деярли хамма хўжалик субъектларидаги иқтисодий операцияларни умумлашган ҳолда, ўзаро бир-бирига боғлик счёtlарда ифодалайди. Ҳар бир счёт маълум бир иқтисодий жараённи акс эттиради. Хамма счёtlар биргаликда мамлакат иқтисодий иқтисодиётининг ҳолатини яхлит тарзда ифодалайди. Тўлов баланси эса, мамлакат иқтисодиётининг ташки дунё билан бўлган иқтисодий фаолият натижаларини ифодалайди. МХТ ва тўлов баланси биргаликда ёник тизимни ташкил қиласди.

МХТ нинг ўзагини Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ), Ялпи миллий даромад(ЯМД), Ялпи ихтиёрдаги даромад(ЯИД) каби агрегат кўрсаткичлар ташкил қиласди. МХТ ва тўлов баланси кўрсаткичларидан иқтисодиётни тахлил қилишида фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

1. ЯИМ кўрсаткичи кузатилаётган давр(ой, чорак, йил)да мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар микдорини ифодалайди. Бу кўрсаткичининг динамикада тахлил этиш натижасида, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижалари қандай бўлаётганилигини ва мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ўсган(камайган)лигини билиш мумкин. ЯМДни ахоли сонига нисбати орқали ахолининг турмуш даражасининг ўзгариши(бошқа мамлакатларга ва ўтган даврларга нисбатан) тўгрисидаги тасаввурга эга бўламиз. ЯИМ кўрсаткичининг ўзгармас баҳолардаги қийматини меҳнат билан бандлик кўрсаткичига нисбати орқали мамлакатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши (камайиши) қандай бўлаётганилигини билиш мумкин.

2. ЯИМ кўрсаткичини тармоқлар ва иқтисодиёт секторлари структурасини ўрганиш натижасида, кайси тармоқ ёки сектор, қай даражада мамлакат ривожига ўз хиссасини кўшаётганилигини тахлил килиш мумкин. Бу кўрсаткичларни ўтган даврлар билан солиштириш натижасида, миллий иқтисодиёт структурасининг ўзгариш тенденцияларини кузатиш мумкин.

3. ЯИМ кўрсаткичи кузатилаётган даврда мамлакатнинг маҳсулотлар ва хизматлар бозорини қай даражада тўлдирилганилигини билдиради. Ёки бошқача қилиб айтганда, ЯИМ мам-

лакатнинг маҳсулот ва хизматлар бозори кўламини кўрсатувчи индикаторлар. Маҳсулотлар ва хизматлар тарқибини таҳлил қилиш натижасида мамлакат иқтисодиётининг тармоқ структурасини, қайси иқтисодий фаолият турлари ривожлангаётганлиги ёки ривожланмаётганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, маҳсулот ва хизмат турларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатларни билиш натижасида у ёки бу тармоқнинг ривожланишини ва бозор талабидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарининг олдини олувчи, иқтисодий жиҳатдан асосланган тадбирларни ишлаб чиқиши амалга ошириш мумкин бўлади.

4. Ишлаб чиқарилган ЯИМнинг истеъмол таркиби, яъни қанчаси пировард истеъмолга (ахоли даромадларининг кўп қисмини озиқ-овқат ва қундалик истеъмол молларига сарфланиши, давлат бюджети маблагларининг ахоли истеъмоли маҳсулотларига ишлатилиши), қанчаси жамғаришга(асосий капитални кўпайтиришга) ишлатилганлигига қараб, мамлакат иқтисодиёти ҳозирги кун учун(яъни яратилган маҳсулотнинг кўп қисми пировард истеъмолга тўгри келса) ёки келажак авлод таракқиётини кўзлаб(янги ишлаб чиқариш майдонларининг қурилиши, янги техника вosaиталари бошқа асосий фонdlарни ташкил килувчи курилмаларнинг кўпайиши) ривожлентирилаётганлиги, ахоли даромадларининг сарфланиши структурасига (пировард истеъмол, жамғариш) қараб турмуш даражасининг қандай ўзгараётганлиги тўгрисидаги тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

5. Мамлакатда яратилган ЯИМни мамлакат бўйича сарф килинган меҳнат сарфига ва умумий сарф харажатлар (меҳнат ва капитал сарфи)га солишириш натижасида мамлакатда меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини ўсиши (ёки камайинши) тўгрисидаги тасаввурларга эга бўламиз.

6. Даромадларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши счёtlари кўрсаткичларини солишириш натижасида мамлакат ва иқтисодиёт секторларининг даромадлари структурасини (бирламчи, иккиласмчи ва ихтиёрдаги даромадлар) ўзгариши тенденцияларини таҳлил килиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатда яратилган ЯИМга нисбатан ялпи миллий даромад (ЯМД) ва ялпи ихтиёрдаги даромад(ЯИД) кўрсаткичларини солишириш йўли билан мамлакат иқтисодиётида норезидентларнинг иштироки эвазига уларнинг олаётган бирламчи даромадларининг ўзгарини тенденцияларини кузатиш мумкин. Килинган таҳлиллар холосаси асосида резидент бирлик-

ларнинг бирламчи даромадларини ошириш тадбирларини (масалан, ишчи кучларини экспорт қилиш, мамлакатга четдан малакасиз ишчи кучларини кириб келишини чегаралаш ва х.к.) ишлаб чиқиш мумкин.

7. Уй хўжалиги сектори счёtlари кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида уларнинг мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқарини соҳасида тутган мавқеларини ва йиллар давомида уларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган хиссаларининг ўзгариши жараёнларини кўриш мумкин. Уларнинг даромадлари таркибини (иши хақи, мулкдан олинган даромал, трансферлар) ва уларнинг хосил бўлиш манбаларини билиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакат аҳолиси томонидан хақиқатда истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар миқдорида ўзларининг даромадлари эвазига сотиб олинган ва давлат ҳамда нотижорат ташкилотлар томонидан натура ҳолидаги социал трансферлар ва кўрсатилган нобозор хизматлар хиссаларининг ўзгариши тенденциясини ифодаловчи ва кузатишга имкон берувчи ахборотлар бор.

8. Йиллар давомида инвестиция маблагларинини ЯИМга нисбатан улушининг ўзгаришига караб, мамлакатда инвестиция жараёнларининг қандай кечайданлигини кузатиш мумкин. Иқтисодий таҳлилни снгиллаштириш учун МХТ счёtlарида инвестицияга жалб қилинган молия манбаларининг таркиби (мамлакат маблаглари, шу жумладан, бюджет, корхоналар ва аҳоли маблаглари; чет эл маблаглари) ва инвестиция таркибини кўрсатувчи ахборотлар бор.

9. Мамлакатда молия жараёнларининг қандай кечайданлигини таҳлил қилини учун МХТда иқтисодиёт секторларинин молия активларини ва молия мажбуриятларини олганликлари тўғрисидаги кўрсаткичлар бор. Бу кўрсаткичлар орқали иқтисодиёт секторларида молия маблагларининг қандай ишлатилаётганлигини, улардаги ортиқча молия ресурсларининг миқдорини ва бошқа секторларга берилган молия маблагларининг миқдорини билиш мумкин. Молия маблагларининг харакатини кузатиш натижасида кузатилаётган даврда мамлакатнинг чет эл мамлакатлари иқтисодиётини қай даражада молиялаштирганлигини (соф кредитлаш), ёки аксинча, чет эл мамлакатлари мамлакат иқтисодиётини қанча миқдорда молиялантирганлигини (соф қарзлар) кузатиш мумкин.

10. МХТда кент маънода миллий бойлик, унинг структураси ва йиллар давомида миллий бойликнинг ўзгариши тўғрисидаги

ахборотлар бор. Бу ахборотлар орқали мамлакатда мавжуд ресурсларнинг қай даражада тасарруф этилаётганлитини (табиий ресурсларнинг тежаб-тергаб, ёки аксийча, ишлатилаётганлиги, моддий ресурслар миқдорининг ошган ёки камайганлиги), асосий капитал миқдорининг ўзгариш тенденцияларини билни мумкин. Мамлакатнинг активлари ва чет эл олдидағи мажбуриялари холати тўғрисида тасаввурларга эга бўламиз.

11. Ташқи дунё счёtlари ва тўлов баланси кўрсаткичлари орқали мамлакатнинг ташқи мамлакатлар билан бўлган иктисолий ҳамкорлигининг натижаларини кўриш мумкин. Мамлакатнинг чет эл мамлакатлари билан товарлар, хизматлар экспорти ва импорти натижаларини, мулкдан олинган даромадлар, иш хақи, жорий ва капитал трансферлар оқими кўлами ҳақидаги тасаввурларга эга бўламиз. Бундан ташқари, мамлакат резидент бирликларининг норезидент бирликлар билан бўлган ҳамкорликларининг молиявий натижаларини, уларнинг активлари ва пассивларидаги бошқа ўзгаришларни кузагиш мумкин.

12. Тармоқлар ўргасилаги иктисолий боғлиқлик масалалари тармоқлараро баланс жадваллари орқали таҳлил қилинади. Бу жадваллар асосида мамлакатда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларнинг мамлакат ичида истеъмол қилинган, экспорт ва импорт ҳажмларини аниқлаш мумкин. Бу ахборотлар кейинти даврларда мамлакат иктисолиётини ривожлантиришдаги устувор йўналишларни белгилашга имкон яратади.

13. МХТ методологияси асосида регионал ҳисобларнинг бажарилиши натижасида, вилоятларнинг мамлакат иктисолиётига кўшаётган хиссаларини, жойлардаги ишлаб чиқариш структурасини ва яратилган кўшилган қиймаг миқдорига боғлиқ равишда марказий бюджет маблагларининг тақсимоти мутаносибиятини таҳлил қилиш мумкин.

14. МХТла мамлакат иктисолиётининг холатини, ахолининг турмуш даражаси ҳамда бошқа иктисолий ва социал холагларни характерловчи кўрсаткичларни бошқа мамлакатлар билан солишибтириш натижасида, мамлакатнин дунёда тутган мавқеи ва ўрни, турмуш тарзининг ҳамда ахоли турмуш даражасининг бошқа мамлакатларга нисбатан қандай ўзгараётганлигини таҳлил қилиш мумкин.

15. Сектор счёtlари кўрсаткичларини таҳлил қилиши асосида мамлакатда бозор муносабатларининг гаркиб топиш тенденцияларини ва мамлакатда юритилаётган иктисолий-социал сиёс-

сатнинг устувор йўналишларини билиш мумкин. Масалан, бозор ва нобозор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиштириш орқали ҳамда давлат бошқарув идоралари секторининг аҳолига кўрса-таётган колектив хизматларининг миқдорига караб, ҳукумат юритаётган иқтисодий сиёсатнинг моҳиятини таҳлил қилиш мумкин.

16. ЯИМ кўрсааткичини бюджет камомалига, тўлов балан-сидаи жорий операциялар сальдосига, пул массасига, сарфлан-ган энергия ва истал миқдорига солиштириш йўли билан мамлакатда юритилаётган пул-кредит, молия сиёсати ҳамда мамлакатда энергия ва ҳом аниёлардан фойдаланиш даражалари тўғрисида маълумотларга эга бўламиз.

17. МХТ счётларининг кўрсааткичлари мамлакатнинг босиб ўған йўли тўғрисида муҳим маълумотлар беригина колмай, унинг келажакдаги иқтисодий-социал ривожланиш тенден-цияларини белгилашда ва ҳукуматнинг келажак учун юритадиган сиёсий ва иқтисодий йўлини ишлаб чиқища ахборот базаси сифатида муҳим курол бўлиб хизмат қиласди. Бу ахборотлар ёрда-мида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш моделини яратиш мумкин. Ва бу модел орқали белгиланган мақсадларни амалга онириш натижаларини олдиндан хисоблаш ва таҳлил қилиб, мақбул йўлни таилаб олиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида, айниқса, ривожланган мамлакатларда МХТ услублари ва қоидалари асосида бир неча ўн йиллар учун ахборот базалари тўплланган. Бу ахборотларни ўрганадиган илм оҳлар мав-жуд улардан оқилюна фойдаланиш натижасида мамлакат иқтисо-лиётинини ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш мумкин.

## Миллий ҳисобчиликда ишлатылдиган асосий терминлар ва уларнинг қисқача мазмуни

Номлари	Мазмуни
Асосий капитал	Ишлаб чиқарыш жараёнида бир йил муддатдан ортиқ даврда фойдаланилдиган ишлаб чиқарылган активлардан иборат. Улар бир йилда буткул қийматларини йўқотмайдиган ишлаб чиқариш восьиталаридан иборат
Основной капитал	
Асосий капиталнинг иштэмоли Потребление основного капитала	Ҳисобот даврида асосий капиталнинг эскириши натижасида қийматининг камайиши. Унинг миқдори асосий капиталнинг эскиришини тиклашга кетадиган харажат миқдорида ҳисобланади.
Асосий капиталнинг ялпи йигилмаси Валютое накопление основного капитала	Маълум бир лавр мобайнида асосий капиталнин қаинчага ўзгарғанлигини ифодаловчи миқдор
Асли ва нусхасини ишлаб чиқариш Производство оригиналов и копий	Бу ишлаб чиқариш икки босқичдан иборат. 1-бочқичда “асл нусха”(асли) яратилади. 2- босқичда аслидан фойдаланиб нусхалар тайёрланади. Асли - капитал актив ҳисобланади. Уни фойдаланишга бериб туриш хизмат кўрсатиш деб талкин қилинади. Кўчирилган нусхалар капитал актив ҳисобланмайди
Аралаш даромад Смешанный доход	Уй хўжаликларига төзишли нокорпоратив корхоналарнинг фойда кўрсаткичи
Бартер операциялари Бартерные операции	Бир турда и товар ва хизматлар эвазига мос қийматдаги бошқа товар ва хизматлар олиш

Барқарор(қаттик) валюта	Йил давомида айирбошлаш курси ўзгариши жуда оз(3%дан кам) ва ҳамма операциялар бўйича айирбошлаш имкониятига эга бўлган валюталар
Бозор муносабати Рыночное отношение	Институцион бирликлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг талаб ва таклифдан келиб чиқкан баҳоларда амалга оширилиши
Бозор иқтисодиёти Рыночная экономика	Иқтисодий операцияларнинг аксарият кисеми бозор муносабатлари асосида амалга ошириладиган иқтисодиёт
Бозор ишлаб чиқариши Рыночное производство	Ишлаб чиқарилган товар ҳамда хизматларни талаб ва таклифдан келиб чиқкан баҳоларда айирбошлашга асосланган фаолият тури
Бевосита ишлаб чиқариши солиги Прочие налоги на производство	Ишлаб чиқариш факторларига тўланадиган солиқлар. Улар институцион бирликлар томонидан тўланали
Бевосита ишлаб чиқариши субсидиялари Прочие субсидии на производство	Институцион бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ва иш услубларида маълум талабларни бажарганликлари учун давлат томонидан тўланадиган тўловлар
Бирламчи даромадлар Первичные доходы	Институцион бирликларнинг ички ва ташки иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш фаолиятларидан ва мулқдан олган даромадларидан иборат
Даромаллар Доходы	Иқтисодий фаолият натижасида ва трансфертлар эвазига олинадиган наф миқдори
Дивидендер Дивиденды	Акционернинг ўз маблагини бошқа бирлика бериб қўйиши эвазига олган даромадлари

Жамгарма Накопление	Ихтиёрдаги даромаднинг якуний истеъ- молга ишлатилгандан сўнг колган қисми
Жорий операция- лар счёти Счет текущих операций	Тўлов балансининг счёти. Бу счётда жорий операциялар қайд этилади
Жорий трансфертылар Текущие трасферты	Капитал трансферт таркибига киритил- маган бошқа трансфертылар
Захиралар Запасы	Иктисадий ўзгаришларнинг маълум бир санадаги ҳолатини ифодалайди
Ижара Аренда	Иш ўринларини, уй-жойларни фойдала- ништа бериш, у хизмат кўрсатиш хисоб- ланади. Ер ва конларни ижарага бериш мулқдан олинган даромад (рента) хисоб- ланади
Импорт субсидияси Субсидии импорта	Институцион бирликларга маълум говар ва хизматни четдан келтиргани учун бериладиган субсидиялар
Институцион бирлик Институционная единица	Мустақил хўжалик юритувчи бирликлар бўлиб, улар миллий хисобчиликда хи- собга олиш бирлиги саналади
Индивидуал истеъ- мол товарлари Индивидуальные потребительские товары	Уй хўжаликлари томонидан сотиб олин- ган товарлар. Бу товарлар ўз аъзолари- нинг истеъмоли ва талабини кондириш максадида ишлатилади
Индивидуал хизматлар Индивидуальные услуги	Уй хўжаликларининг хоҳиши-талаби асосида кўрсатилган хизматлар
Инвестиция Инвестиция	Иктисадий фаолиятни молиялаштириш.
Истеъмол Потребление	Товар ва хизматларни ишлатиш, ўзлаш- тириш, тасарруф этиш

Истеммол -- фаолияти Потребление как деятельность	Истеммол фаолияти товар ва хизматларни ахолининг индивидуал ва коллектив талаб ҳамда ҳоҳишини қондириш учун ишлатилишидир
Истеммол товарлари ва хизматлари Погребительские товары и услуги	Ишлаб чиқариш жараённида қайта ишлатилимайдиган истеммол маҳсулотлари ва хизматлар (қаранг, якуний истеммол)
Истеммол баҳолари индекси Индекс потреби- тельских цен	Товар ва хизматларни истеммол(харид) баҳоларидаги ўзларишларини ифодадайди
Ихтиёрдаги даромад Располагаемый доход	Институцион бирликларнинг ички ва ташки иктисадиётдаги фаолияtlари натижасида олган бирламчи даромадлари ва жорий трансферлар сальдоси йигин-дисидан иборат
Ишлаб чиқариш Производство	Бозор ва нобозор ишлаб чиқарилдан иборат
Ишлаб чиқариш чегараси Граница производства	МХТда ишлаб чиқариш сифатида қараладиган фаолият турлари
Ишлаб чиқарилма- тан активлар Непроизведенные активы	Иктисадий ишлаб чиқариш натижасида яратилмаган номолиявий активлардан иборат (масалан ер, конлар, ўрмонлар)
Иш хақи Заработка плата	Ишчи-хизматчиларнинг ёлланма меҳнатдан оладиган даромадлари (даромад солиги билан биргаликда). Иш хақи пул ёки натура ҳолида бўлиши мумкин
Ишлаб чиқарувчи баҳоси Цена производителя	Товар ва хизматнинг ишлаб чиқарувчи-дан чиқиб кетаётганлари баҳоси

<b>Иқтисодий манфаат</b> <b>Экономический интерес</b>	Институцион бирликкінг қайси иқтисодиёт манбаатини күзлаб фаолият юритаётганligини ifодаловчы омиллар (иши жойларининг мамлакат иқтисодий худудида бўлиши, доимий ёки бир йилдан ортиқ муддатда мамлакатда яшаши)
<b>Иқтисодий фаолият</b> <b>Экономическая деятельность</b>	Товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, истемол ва жамғариш жарайнлари
<b>Иқтисодий ишлаб чиқариш</b> <b>Экономическое производство</b>	Меҳнат, маблаг, товар ва хизматлар сарфлаб янги турдаги ёки сифатдаги товарлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш
<b>Иқтисодий худуд</b> <b>Экономическая территория</b>	Резидент бирликларнинг мамлакатда ва унинг ташқарисида ҳеч қандай тўсиқсиз иқтисодий фаолият юритиш ҳукуки бўлган ҳудудларни мажмуасидан иборат
<b>Иқтисодий активлар</b> <b>Экономический актив</b>	Бошқа бирликка берилганда бирор иқтисодий наф келтириши мумкин бўлган иқтисодий объектлар
<b>Капитал трансферлар</b> <b>Капитальные трастсферты</b>	Асосий капитал (ишлаб чиқариш воситалари)ни беспул олиниши ва берилиши
<b>Квазикорпорация</b> <b>Квазикорпорация</b>	Норезидентларга тегишли бўлган нокорпоратив резидент бирлик ёки ўзини худди мустакил институцион бирликдай тулаётган резидентларга тегишли бўлган нокорпоратив корхона
<b>Корпорация</b> <b>Корпорация</b>	Коллектив мулкка асосланган, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва ҳукукий бирлик мақомини олган корхона ва ташкилотлар

Коллектив хизматлар Коллективные услуги	Бир вактнинг ўзидаги барча аҳолига ёки маълум бир аҳоли турухларига кўрсатилган хизматлар
Мажбуриятлар Обязательства (пассив)	Ўз активининг камайиши хисобига бошқа бирликка қайтариб берилиши керак бўлан иқтисодий обьектлар
Макроиктисодиёт Макроэкономика	Мамлакат, унине тармоқлари, секторлари ва худудлари иқтисодиётининг ягона тизими
Мамлакатнинг ялпи резерв активлари Валовые внешние резервные активы	Давлат ихтиёрида бўлган резерв активлар
Махсус қарз олиш хукуки(СДР) Специальное право заимствования (СДР)	ХВФга аъзо мамлакатларнинг унинг счётига у белгилаган квотга микдорида ўтказиб кўйган маблаглари
Махсулотлар учун соликлар Налоги на продукты	Махсулот тайёр бўлгандан сўнг махсулот бирлигига нисбатан тўланадиган солик. Соликни истеъмолчи тўлайди
Махсулотлар учун субсидиялар Субсидии на продукты	Тайёр махсулот бирлигига нисбатан тўланадиган субсидиялар
Мулкдан даромадлар Доходы от собственности	Ўз активларини бошқа бирликка бериб кўйиш эвазига олинадиган даромадлар
Мехнат ҳақи Оплаты труда	Ишчи-хизматчиларнинг ёлланма меҳнатдан оладиган иш ҳақлари (даромад солиги билан биргаликда) ва мажбурий социал сутурга ажратмалари

Мустақил ишловчилар Самозанятые работники	Квазикорпорация ҳисобланмаган уй хўжаликларининг нокорпоратив корхоналари эгалари
Монетар олтин Монетарное золото	Давлатнинг резерв активлари таркибига кирган олтин захираси
Микроэкономика Микроэкономика	Хўжалик юритувчи бирликлар иқтисадиёти
Молиявий лизинг Финансовый лизинг	Капигал товарни келишилган муддат ичилада тўла сотиб олиш шарти билан олиш. Тўлов ҳақи бўлиб-бўлиб тўланади. Товарнинг киймати тўла қопланмагунча харидор фоизлар тўлаб туради. Бу операция ишлаб чиқариш ҳисобланмайди. Можиятгига кўра, кредит олиш-бериш операцияси саналади
Натура ҳолидаги трансферт Трансферты в натуральной форме	Пул ҳолидаги трансфертлардан бошқа трансфертлар. Одатда, трансферт олувчи товар ёки хизматга эга бўлади
Натура ҳолидаги иш ҳақи Заработка плата в натуре	Иш ҳақига кўшимча ва иш ҳақи сифагида берилган товарлар ва хизматлар
Натура ҳолидаги социал трансфертлар Социальные трансферты в натуральной форме	Давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори аниқувчи институцион бирликларининг уй хўжаликларига берган индивидуал иштимол товарлари ва хизматларидан иборат
Нобозор ишлаб чиқариш Нерыночное производство	Ишлаб чиқарган товар ва хизматларни сотишдан фойда кўзламаган фаолият турлари
Номолия активлар Нефинансовые активы	Молия активлари ҳисобланмаган ҳамма активлар

Ногижорат тапкылолтар Некоммерческие организации	Товар ёки хизматлар ишлаб чиқарувчи хукукий ёки жамоатчилик асосида тапкыл этилган бирликлар. Улар ташкилотчилари талабига асосан фаолият юритадилар ва маъжеларига кўра фойда олишилари мумкин эмас
Омил баҳоси Факторная стоимость	Товар ва хизматнинг ишлаб чиқариш факторларига бўлган харажатлар ва корхона ихтиёрида қоладиган фойда йигиндиларидан иборат
Оралик истеъмол Промежуточное потребление	Товар ва хизматларни сифат жиҳатдан янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсагища сарфланш
Операциялар (иктисодий) Операции (экономические)	Иқтисодий маъноға эга бўлган ўзгаришларни ёки ҳолатларни ифода этади
Оқимлар Потоки	Маълум бир даврдаги ўзгаришларни ифодалайди
Операцион лизинг Операционный лизинг	Асосий ишлаб чиқариш воситалари бўлган товарларни бошқа бирликка маълум муддатта ижарага бериб туриши. Операцион лизинг ишлаб чиқариши фаолияти хисобланади
Пул шаклидаги трансферт Трансферт в денежной форме	Накд пул ёки ҳисоб рақамига пул ўтказиш ўйли билан берилсан ёки олинган трансфертлар.
Портфель инвестициялар Портфельные инвестиции	Институцион бирлик асосий капиталининг 10 фоизигача бўлган микдордаги инвестициялар
Резерв активлар Резервные активы	Тўлов қобилияти юқори бўлган активлар

Резидент бирликлар Резидентные единицы	Иқтисодий манфати мамлакатниң иқтисодий худудига қаратылған институцион бирликлар
Рента Рента	Ишлаб чыкарылмаган актив бұлған ер ва конларни бошқа бирликларга фойдаланишга берилганды олинадиган даромадлар. Бу мулкдан олинған даромад хисобланады
Қайта инвестиция қылыштар даромадлар Реинвестируемые доходы	Инвесторнинг инвестициядан олган даромадлариниң қайта инвестиация қилиші
Савдо кредитлари Торговые кредиты	Савдо-сотиқ операцияларини молиялаштириш учун фойдаланилған киска муддатлы кредитлар, товар ва хизмат сотиб олиш натижасыда юзага келдиган мажбуриятлар
Секторлар Секторы	Иқтисодий вазифасына қараб гурұхланған институцион бирликлар
Истеммолчи баҳосы Цена потребителя	Товар ва хизмектердин оралық ва якуний истеммолдагы кийматы
Сотиб олиш (товарлар ва хизматлар) Приобретение	Товарни сотиб олаёттан институцион бирликка әзалик хүкүмнинг мутлок ўтиши ва хизматларнинг тұла күреастилиши
Соф активлар Чистые активы	Иқтисодий бирлик активарининг мажбуриятларидан күп бўлған қисеми
Соф ички маҳсулот Чистый внутренний продукт	Ялпи ички маҳсулотдан асосий капитал истемолининг айирилгани

Соф карзлар Чистые долги	Иктиисодий бирликнинг маълум бир даврдаги иктиисодий фаолияти натижасида бошқа бирликларга берган соф активлари микдорини ифодалайди
Соф қарз олиш Чистое заимствование	Иктиисодий бирликнинг маълум бир даврдаги иктиисодий фаолияти натижасида бошқа бирликлардан олган соф қарзлари микдорини ифодалайди
Субсидиялар Субсидии	Давлат томонидан институцион бирликларга ишлаб чиқариш фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бериладиган тўловлар
Тармоқлар Отрасли	Фаолият турларининг ўхшашлигига қарб гурухланган институцион бирликлар мажмуаси
Тарихий обидалар Исторические памятники	Миллий, маънавий аҳамиятга эга бўлган тарихий ёлгорликлар. Бу ёлгорликлар пулли зиёраттоҳ сифатида ишлатилса, асосий капитал каторига киритилали
Ташки дунё Остальной мир	Резидент бирликлар билан операциялар ва бошқа иктиисодий алоқалар қиласидаги норезидентлар мажмуасидан иборат
Товарлар Товары	Эгалик хукуқи тарқатилиши мумкин бўлган физик предметлар
Трансферлар Трансферты	Хар кандай кўринишдаги активлар эвазига хеч қандай актив бермай ва мажбуриятларсиз олиш ҳамда бериш операцияларидан иборат

Тўлов баланси Платежный баланс	Мамлакатнинг чет эл билан бўлган иқтисодий фаолияти натижаларини ифода этувчи счёtlардан иборат
Тўгри инвестициялар Прямые инвестиции	Институцион бирликнинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ва дивиденdlар олиши мақсадида кўйилган инвестициялар
Тугалланмаган ишлаб чиқариш Незавершенное производство	Бир неча хисобот даврларига чўзиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари
Тузатилган ихтиёрдаги даромад Скорректированный располагаемый доход	Давлат бошқарув идоралари, уй хўжалиги хизмат кўrsатувчи нотижорат ташкилотлар ва уй хўжалиги секторларининг ихтиёрлаги даромад кўrsаткичларини натура холидаги социал трансферлар хисобига ўзгартирилгандан кейинти қиймати
Уй хўжалиги Домашние хозяйства	а) мамлакат иқтисодиётидаги институцион сектор; б) даромадларини биргалиқда тасарруф этадиган алоҳида шахслар ва оиласалар гурухи
Уй хўжалигига хизмат кўrsатувчи нотижорат ташкилотлар. Некоммерческие организации, обс- луживающие до- машние хозяйства	Фаолиятларини аъзолик бадаллари, хайрия тўловлари ва бошқа трансферлар хисобига юритадиган ва уй хўжаликларига, аҳоли гурухларига нобозор баҳоларда товарлар стказиб берадиган ва хизматлар кўrsатадиган нотижорат ташкилотлар киради
Уйида ишловчи Надомник	Уйида товар ва хизматларни тайёрлаб ва бажариб бошқа бирликка шартнома асосида стказиб берувчилар

Улгуржи баҳо индекси Индексе оптовых цен	Товарларни улгуржи ҳарид баҳоларидаги ўзгаришларни ифодалайди
Физик ҳажм индекси Индексе физического объема	Товар ва хизматларнинг ҳажмий микдори ўзгаришларини ифодалайди
Фонзлар Проценты	Дебиторнинг кредитор фойдасига олган карзи эвазига даврий тўловларидан иборат. Фоиз тўлаш асосий қарз микдорини камайтирмайди
Фойда(ялни) Прибыль	Ишлаб чиқариш фаолияти натижасида институциян бирлик ихтиёрида қоладиган қиймат
Халқаро инвестициялар баланси Баланс международных инвестиций	Мамлакат резидент бирликларининг активлари ва мажбуриятлари ҳолатини ифода этиувчи баланс. Одатда, йилнинг охиридаги ҳолатида баҳоланади
Хизматлар Үслуги	Истеммолчи талаби асосида бажариладиган юмушлар (номоддий фаолиятлар).
Холдинг фойдаси(зарари) Холдинговая прибыль(убыток)	Товар қийматининг ишлаб чиқарилган ва сотиш вактлари оралигига баҳо ўзгаришлари натижасида кўпайиши (камайиши)
Якуний(пировард) истеммол Конечное потребление	Уй хўжаликларининг ўз даромадлари хисобидан эҳтиёжларини кондириш учун ишлатган товар ва хизматлар микдори
Ялпи миллий даромад Валовой национальный доход	Резидент институциян бирликларининг бирламчи даромадлари йигиндисидан иборат. Ялпи миллий даромад ялни ички маҳсулотдан чет элдан олинган ва берилган бирламчи даромадлар сальдосига фарқ қиласи

Ихтиёрдаги ялпи миллий даромад Валовой национальный располагаемый доход	Резидент институцион бирликларнинг ихтиёрида қолган даромадлари йигиндисидан иборат. Уни ялпи миллий даромадга чет элдан олинган барча жорий трансферларни қўниши ва четга берилгандарини айириш орқали топиш мумкин
Ялпи ташки активлар Валовые внешние активы	Мамлакат резидент бирликларининг норезидентларга бўлган талабларининг йигиндисидан иборат
Ялпи ташки мажбуриятлар Валовые внешние обязательства	Мамлакат резидент бирликларининг норезидентлар олдиаги мажбурияларининг йигиндисидан иборат
Ялпи ишлаб чиқариш Валовой выпуск	Мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қиймати
Ялпи ички маҳсулот Валовой внутренний продукт	Мамлакатда маълум бир даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати
Ялпи ички маҳсулот дефлятори Дефлятор валового внутреннего продукта	Ялпи ички маҳсулотнинг жорий баҳолардаги қийматини кузатилаётган даврда қанчага ўзгарганлигини ифодалайди
Кимматбахо буюмлар Ценности	Ўтган вақтга ниесбатан ўз қийматини йўқотмайдиган товарлар. Бундай буюмлардан ишлаб чиқаришда ва истеъмолда фойдаланилмайди
Кўшилган қиймат(ялпи, соф) Добавленная стоимость (валовой, чистый)	Институцион бирликнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яратилган янги даромад. Бу даромад таркибида асосий капиталнинг истеъмоли бўлса ялпи, бўлмаса соф кўшилган қиймат дейилади

Экспорт субсидиясі Субсидии экспорта	Институцион бирлікларға мәлдүм товар ва хизмат экспортини күтпайтириш максадыда белгиланған тұловлар ёки экспорт қилишдан күрган заарни қоплаш
Хақиқий якуний иsteъmol Фактическое конечное потребление	Үй хұжаликтарынинг ўз даромадлари ва натура холидаги социал трансферлар хисобидан өхтиёжларини қондириш учун ишлатған товар ва хизматтар миқдори
Хисоб бирлиги Расчетная единица	Хисоботларни түзищда қабул қилинған валюта бирлигі <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Инфляция даражасы юқори бўлған мамлекатларда ҳисоблар миллий валютала ёмас, бирнек бирор барқарор валюза бирлигига тузилиши мумкин.

## Хотима

### *Ҳурматли китобхон!*

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидек, унинг интихоси ҳам муқаррар. Китобни ўқиб чиқдингиз, бозор иктисадиёти тўғрисидаги тасаввурларингиз бироз бўлса-да янгилауди. Олдингизла турган айрим муаммо ва саволларга жавоб тоғандайсан. Шу билан бир қаторда, қалбингизда ечимиши тоимаён янги саволлар ва уларни чуқурроқ англаш ҳисси пайдо бўлди. Китобда ёритилган мавзулар бўйича эътиrozларингиз борлиги ўз-ўзидан бизга аён. Чунки, тўғри фикрланш билан уни «эгаси»га стказишда хали анча масофа борлигини ҳис килиб турибмиз. Бу камчиликларни тутатишда, албатта, Сиз ҳам ёрдамингизни аямайсан деган умиддамиз. Сиздан фикр ва мулоҳазалар кутиб қоламиз.

*Муаллиф*

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Система национальных счетов. Статистический департамент ООН, Вашингтон, 1993.
2. Руководство по платежному балансу, Международный валютный фонд. Пятое издание, 1993.
3. Национальные счета в переходный период. Материал Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), 1994.
4. Ю.Н.Иванов и др. Система национальных счетов – инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие. Под редакцией Ю.Н.Иванова. М. “Финстатинформ”, 1996.
5. Б.Т.Рябушкин, Т.А.Хоменко. Система национальных счетов. Учебное пособие. М. “Финансы и статистика”, 1993.
6. Х.Набиев, А.Набихўжаев, Б.Махмудов. Миллий хисоблар тизими. Ўқув қўлланма . Тошкент,1998й.
7. Б.М.Махмудов. Зачем нужна Система национальных счетов. Журнал “Экономика и статистика”.Ташкент, 1994
8. Б.М.Махмудов. Статистика: Муаммолар ва счимлар(хисобот ва статистика тизимини такомиллаштириш - бозор иктисади даврида заруратдир) Журнал “Иктисад ва хисобот”, 1995 й, 3
9. Б.М. Махмудов. Институциональные структуры по наблюдению, сбору, анализу и прогнозированию экономических индикаторов. Тезисы семинара “Прогнозирование на макроэкономическом уровне”, Ташкент, 6-10 февраля 1995, стр.13
10. Б.М. Махмудов. Проблемы перехода на Систему национальных счетов в Узбекистане. Проблемы углубления экономических реформ на новом этапе развития. Сборник научных трудов НИИ экономики и развития производительных сил. Ташкент, 1996.
11. Б.М. Махмудов. Внедрение СНС в переходной экономике. Материалы семинара “Социальная политика в переходной экономике ”, Ташкент, 3-7 сентября 1996 года.
12. Б.М. Махмудов. Прогнозирование платежного баланса. Материалы семинара «Прогнозирование макроэкономических и отраслевых показателей». ЮСАИД/Международный проект обучения для развития «ГЛОБАЛ». Ташкент 12-15 декабря 2000г. стр.42-45.

# Бахтиёр Мирзааҳмедович Махмудов

## Миллий ҳисобчилик асослари

“Академия” наприёти  
Ташкент, 2003 й

*Мұхаррір Г. Абдуллаева  
Мусаллақ Т. Содирова  
Рассом Р. Султонов  
Техник мұхаррір Н. Рихсанев  
Компьютерчи Л. Фахрутдинова  
Напр учуны масъул Д. Қобулов*

Теринде берилди 17.09.2002 й. Босинда рухсат этилди  
21.10.2002 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шарғын босма табоги  
10,0. Наприёти хисоб табоги 9,8. Алали 2000. Баҳси шарннома асосида.  
Буюртма №146

«Akadem-Xizmat» босмахонасида чоң этилди.  
Манзил: Ташкент, Ўзбекистон шоҳ кӯчаси, 45

